

Элчин  
Сафарли

ШАРҚНИНГ ҚАЛБИ БҮЛГАН АДИБНИНГ БЕСТСЕЛЛЕРИ

# ДЕҢГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

БУ ҚИССА ҲАЁТДАГИ ЭҢГ МУХИМ  
НАРСАЛАР ЎЗ УЙИНГДАЛИГИНИ  
АНГЛАШИНГ УЧУН ДУНЁНИНГ ЯРМИНИ  
КЕЗИБ ЧИҚИШИНГГА ТҮФРИ КЕЛИШИ  
ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.



Элчин  
Сафарли

ДЕНГИЗ ҲАҚИДА  
СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

ТОШКЕНТ  
«SHARQ-ZIYO ZAKOVAT»  
нашриёт-матбаа уйи  
2021

УЎК 821.512.162  
КБК 84(5АЗе)  
С – 34

**С – 34 Сафарли, Элчин.**

Денгиз ҳақида сўзлаб бер менга [Матн]. Адабий-бадиий нашр / Элчин Сафарли; – Тошкент: «Sharq-ziyo zakovat», 2021. – 328 б.

Хаётнинг бебаҳолиги, нурнинг туганмас ва абадийлиги, ўтаётган ҳар лаҳзанинг қадрли экани – инсон тафаккурини ҳамиша идрок этишга чорлаб келади. Бу дунёда бахтнинг ҳам, бахтсизликнинг ҳам шифоси бор. Ким умрини қандай ва қанақа йўсинда яшаб ўтиши – фақат ўзига боғлиқ.

Ушбу асар бизни ҳаётга теранроқ қарашга, ёруғликка интилиш билан орзуларимизни рўёбга чиқариш ҳамда вақтни исроф қиласликка даъват этади. Бунинг учун севишга шошилмоғимиз, нафас олишимизда эса муҳаббат бўлмоғи лозим.

**УЎК 821.512.162  
КБК 84(5АЗе)**

**ISBN 978-9943-6747-1-4**

© Элчин Сафарли, 2021  
© «Sharq-ziyo zakovat»  
нашриёт-матбаа уйи, 2021

*Менга Абшерон заминининг гўзаллигини  
кашф қилган Сория ойимга.*

*Рауф Бабаев, Ольга Фурсова ва Эльвира  
Сафароваларга миннатдорчилик билан – сизлар  
менинг илҳом манбаим ва таянчимдирсиз.*

*Агар мен ахлоқ тарғиботчиси сифатида китоб ёзганимда, унинг юздан тұйқсон тұйқызы саҳифасини оппоқлигича қолдирардим. Сүнгги саҳифага эса «Мен фақат битта бурч – севиши бурчини биламан», – деде ёзган бўлардим.*

Альбер Камю

*Агар сизга муҳаббат йўлбошчилик қилаётган бўлса, бу йўллар қанчалар оғир ва машаққатли бўлмасин, унга эргашиб. Агар у ўз қанотлари билан қучоққа олса-ю, парлар орасидаги яширин тиглардан сизга озор етганида ҳам унга қулок солинг.*

Жуброни Халил Жуброн

Бир гал мен битта китобхон аёлдан мактуб олдим. У шундай ёзганиди: «Болалик ҳақидаги хотираларингиз гоятда идеал. Дунё бамисоли эзгуликка ғарқ, ота-оналар ниҳоятда меҳрибон ва зийрак, тарбияда заррача ҳитога йўл қўйишмайди. Қаҳрамонларингиз ҳам ўта шизмин, оқил ва бағоят донишманд... Ахир ҳаётда бундай бўлмайди-ку!» Мен шу жойда ўқишдан тўхтадим ши ё Ўзимга, ё ўша аёлга овоз чиқарганча, жавоб бердим: «Болаликда шундай бўлади».

Болалик – сеҳрли давр. Ҳаммаси идеал тарзда ва ҳамма нарса эзгудир. Ёмонликка дуч келганингда ҳам уни тасаввурингда эзгуликка айлантирасан. Бола ҳолингда ҳамма нарсани эзгулаштириб юбора оласан. «Йиглама, синган чинни ўйинчоғинг парчалари яна бутун бўлади!»

## **Элчин САФАРЛИ**

Менинг болалигимда ҳам кўпларники каби қашшоқлик, масхаралашлар, катталарнинг бақириши-ю, таҳқирлашлари, ҳаттоки ўлим жудоликлари юз берган. Болалик дунёқарашимнинг бебаҳо мўйқалами эса ўша воқеаларга ўзига хос жило бағишлаб, бешавқат шартшароитларга инсонийликни, бадбашараликка гўзалликни, оддий нарсаларга илоҳийликни жо қила олган.

Катта бўлгач, тасаввурларим ҳам ўзгарди. Энди мең болалик хотираларим бўйлаб сайр қилаётган пайтларимда унинг ҳамма нарсани эзгулаштира оловчи салоҳият эпкинларини ҳис қилаяпман.

Болалик – энг мусаффо булоқдир. Ундан чанқоғингни қондирасан, кўз ёшларингни юvasан, томоғингта тиқилган алам тошини эритасан ва бугунги кунингга қайтасан. Бугунги кунингдан вақтинча бўлса-да, фақат болаликка қочиб бориб яширинишинг мумкин, холос.

Ёзувчилар умр бўйи фақат битта китобни қайта-қайта ёзиб ўтишади, дейдилар. Кимдир «Денгиз ҳақида сўзлаб бер менга»ни аввалги китобларим давоми, деб ҳис қиласр ҳам. Мен эса ўзимнинг ягона китобими-ни ёзишда давом этаркан, фақат энг муҳим, деб билган нарсаларнигина қаламга оламан.

# 1

*Емғир қанча қуймасин,  
қуёшга интилавер.*

Абшеронда биринчи қорни узоқ кутишга тұғри келади. Үзининг келишини ноябрдан бошлаб эслатиб туради: совуқ хазри шамоллари забтига олади, Каспий-нинг долғалари оч зумрад тусига кириб, уйларнинг шимолий деворлари захлайди, маҳаллий аҳоли ялпи түмовга чалинади. Қудук деворлари қўнғир мөх билан қопланади, электр узатишларда тез-тез узилишлар юн беради, аммо унинг ўзидан дарак бўлавермайди. **Унинг иниқ ғили муддатини ҳеч бир метеохизмат тұғри башпорыт қили олмасди.**

«Бонингта қор тушгандек», – деган гапни айнан Абшерон қори учун тўқишигандек. «Айни дамда ва кераксиз пайтда ёғади-да ўзиям», – дерди Сўна бувим шакана сариқ атиргуллар, беҳи пўчоғи ва арғувон асали қўшилиған чой дамлаётиб. Уларни сопол чойнакка солишдан олдин чой кўнгилдагидек чиқиши учун, идишни қайноқ сувда яхшилаб чайиб оларди.

## Элчин САФАРЛИ

Биринчи қор ёғишини Сўна бувим гўшт, пиёз, зарчава, каштан ва турли туршаклар аралаш зирвакка дамланган гуручдан иборат палов билан нишонларди. Майиз ва олхўри қоқидан ташқари бувим паловга Абшерон туршакларининг шоҳи бўлмиш кўрага-баргак ҳам соларди. Ёзда данаклардан ажратилган ўрик паллалари қуёшда қуритилар ва қопчаларга солинганча, ергўладаги омборхоналарнинг шифтига осиб қўйиларди.

Биринчи қор шарафига палов дамлаш – каттакон хонадонимизнинг кичик анъаналаридан бири эди. Оппоқ қор парчалари учиб тушаётганлигини илғаган бувим хурсанд бўлганча, менга бақириб қоларди: «Хо-ой, қароги-им, омбордан тезда гуллар ва қуёшни келтир! Мен унгача гуручни ивитиб, заъфаронли чой дамлаб тураман».

Мен омборхонамизга тушиб, чиройли гуллар расми туширилган жез баркаш ва ёз иси анқиб турган қопчани ола қайтардим. Бувим баркашни – гуллар, баргакни эса – қуёш, деб атарди. Ҳа, бу нарсалар қоронғи қиши кунлари етишмай турарди.

Бувим баркашни яхшилаб артиб чиққанидан кейин, унга чизилган гуллар янада жило топиб, рангларига ранг кўшилгандек туюларди. Менда гулларнинг оч пушти, оч

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

кўқ, яшил туслари ҳавас уйғотар, тўқ бинафшаранг, тўқ кўқ ва арғувон туслар юрагимга қўрқув соларди.

Сўна бувим баргакларни баркашга ағдариб, жиддий назардан ўтказган кўйи сараларкан, тасодифан қўшилиб қолган қуруқ барглар ва шохчалар, асалари ўликларини тергилаб ташларди. Ўрик баргаклари бир қараашда бир хил бўлса-да, яхшилаб назар солинса уларнинг ҳар бирида ўзига хослик борлиги кўзга ташланарди. Бу фарқлар уларнинг шаклида, мазасиди, кўринишида, этининг қалинлиги ва юмшоқлигига билинарди. Уларнинг ягона бирлаштирувчи нарса эса битта бўлиб, улар ёз қуёши билан тўйинишган эдилар.

Бувим менга битта баргакни узатади. Энг кичкини, буриштани ва дөғ-дуғлисини. Яна чиройли қилиб қўшилиб қўйдилар: «Гашқи кўринишинга қарама. Тотиб кўр энг ширини шу!»

Қўшишча бувим ҳақ бўлиб чиқарди.

«Ҳаёт ва одамлар – бу кат-та-кон гулбоғ, дегани чирогим. Ҳар бирининг ўз ҳиди, тузи, жойи ва тарихи бор. Аммо уларнинг ҳар бири қуёш учун бирдек суюкли. Чирогим, қуёшга интил, ёмғирлар қанча қуймасин, унинг чиқишини кут».

# **2**

*Сукунат сендаги мавжуд  
әнг қиммат нарса.*

Болалик – ҳаётнинг енгил, рангин ва кўпчилик ўйлагандек, тезда ўтиб кетадиган даври эмас. У одам билан сўнгти нафасгача бирга қолади.

Болаликда ҳар қандай муюлиш ортида ҳар куни бирор янгилик, қизиқарли нарса ва-а, албатта, ўнлаб қашфиётлар кутиб туради. Ҳар бир таассурот ботинди ва зоҳирда унуглилар бўлиб қолади. Шунчаки тизинида йиқилинидан орттирган чандиғингни ҳам илк марта пайдо бўлгани учун узоқ пайт эслаб юрсанг керак?..

Менинг болалик ҳақидаги тасаввурим – Абшероннинг кузги кимсасиз соҳили (қумлар жигаррангга кирган ва изларни яхши сақлаб қолади), ёпиқ қаҳвахоналар, сон-саноқсиз қўзиқорин-соябонлар. Илизилаган ҳамда шўр таъмли, аммо ёқимли шамол.

## **Элчин САФАРЛИ**

Ойим менинг қўлимдан тутиб олган, соҳилда турган кўйи узоқларга термуламиз. Менинг ёшим бешларда, отамнинг каттакон курткаси кийдирилган, бир тарафи елкамдан осилиб қолган. Шамол онамнинг қўнғир соchlарини тутамлади. Ойимнинг қўллари жигарранг, қон томирлари бўртган, тирноқлари қирмизи локланган.

Умуман айтганда, биз гаплашмаймиз. Қандайдир кулгули баҳона билан уйдан ўз сукунатимиз сари қочиб чиққанмиз. Бу сукунат иккимиз учун ягона. Иккимиз ҳам уни бирдай ҳис қилаётганимиз учун шундай бўлсак керак?..

Ойим чўнтагидан сап-сариқ олмани чиқаради ва тиз чўкканча, уни менга тутади: « Болажоним, сукунат сендаги энг бебаҳо бойликдир».

Орадан бироз вақт ўтгач, қадрдон овозлар янградан, самовардаги чойнинг ҳиди анқиб турган уйимизга қайтиб келдик. Ошхонада бувим қайноқ қовоқ сомсалар юзини мойлаш билан банд. Ташқарида эса темир ҳалинчак шамол забтида тинмай ғижирларди.

# **3**

*Үзидан күчсизларга жаңг  
әңгімөн қилиш – ожизлар иши!*

**Хурмони Абшерон бозорларида октябрь ўрталыридин сөтө бошлашади.** Ҳозирча хомроқ, туси **Чиркин бүлмаса да**, аммо мазаси шириң, кўпдан кутилиши мешалар. Бу ерликлар хурмо мевалари дастлабки ичи огушидагина чинакам етилиб пишиши, болга **Чилишини яхши билишади.** Танглайни қотирадиган түрингоблик кетади, заргалдоқ пўстнинг ёриқларидан синий чиқиғтини шарбати оса асалнинг ўзгинаси. **Қиши бошланиншиди хурмо дараҳти баргларидан айрилиди ва ишнинг шоҳлириди ёрча ўйинчоқлари каби ишргилдоқ ширинлар осилиб туради.**

**Асид бобомнинг уйини олди томони катакон хурмогор бօғ өди.** Бобом болалик пайтида уни ўз отаси билан экиб чиқиниган – урушдан кейинги йиллар ёйинига нарса бўлмаган пайтлар бу боғнинг тўйимли мечалари уларни очликдан сақлаб қолган...

## **Элчин САФАРЛИ**

Дарахтлардан сўнгти барглар учиб тушганидан сўнг чумчуқлар боғларга ёпирилишар, узилмаган хурмоларни чўқишига тушишарди. Улар похол қўриқчидан ҳам, бошқа ҳийла-найранлардан ҳам ҳайикишмас, бобом ҳосилни сақлаб қолиш учун уларни милтиқда отишга тушарди.

Биз акам иккимиз чумчуқларни сақлаб қолиш пайида бўлардик. Бир қуни Асад бобом уйқуга кетганида унинг милтиғини қудуқقا ташлаб юбордик. Милтиқнинг ўрнига эса ким ёзганлиги кўрсатилмаган юмалоқ хат қолдирдик. Бобом буни ким ёзганлигини тополмайди, деб ўйлаганмиз-да. Хатда нималарни ёзишни узоқ ўйлаганмиз. Бувимнинг Эрон шоирлари га тегишли китобларини варақлаб, анча-мунча «ақлли гаплар»ни кўчирганмиз.

«Кушлар ҳаёти эвазига келадиган ширин мевалардан не фойда. Ўзидан кучсизларга жанг эълон қилиш – ожизлар иши!» Эртаси куниёқ акам иккимизнинг қилмишимиз фош бўлди ва яхшигина калтак ҳам едик. Шу билан бирга Асад бобом чумчуқларни ўлдирмайдиган бўлди. Кўшнимиз Беҳрўз амакидан Йўлбарс исмли итини сотиб олди. Ит хурмо дарахтлари остида югуриб юрганча, қушларни вовиллаб хуркитар, чамаси уларнинг уча олишига ҳасади келарди.

# 4

*Эртага янги кун. Сени севаман.  
Яхши тушлар кўр!*

Мени уйда илк марта ёлғиз қолдиришганларида сіккіз ёшда әдім. Уч кун. Зухра холамнинг ўғли аварияга учраб, ҳалок бўлганди. Ҳамма қариндошлар жаңозага отланишган, мен эса шамоллаб қолганим учун, уйда қолишга мажбур бўлганман.

Ойим мени қўшинимиз Орифа холаникида қолишга қўндиримоқчи бўлди, аммо қўнимадим. «Бироннинг уйида ухлини миймин. Мен каш катта боламан, бир ўзим қола-пөримин», дечим. Орифа хола кечаси бизникида ётиб қолипши шараги билан уйда ёлғиз қолдириладиган бўлдим.

Биринчи куни турли таъқиқлар йўқлигидан роса лиззатландим: тўшакда печеньеларни ковшаб ётдим, тун яримидан ошгандагина уйқуга кетдим. Кун бўйи уч маҳал картошка қовуриб едим, эрталаб тўшагимни йигинштирмадим ва кийимларимни дуч келган тарафга отдим.

## **Элчин САФАРЛИ**

Иккинчи куни уйдаги сукунат мени эза бошлади ва ташқарига чиқишига мажбур бўлдим. Иштаҳам йўқолди – қовурилган картошка тугул, умуман айтганда, ҳеч нарса егим келмасди; тўшагимни йигиштирмаслик, кийимларимни сочиб ташлаш ҳам жонга текканди – ахир уйда ўзим ва индамас қўшни жувондан бошка уларни шу ҳолда кўриб қоладиган ҳеч ким йўқ эди. Акамнинг нарсаларига тегинишга бўлган қизиқишим ҳам сўнганди – уларсиз энг қизиқарли ўйин ҳам маъносини йўқотганди. Уйқу олдидан ойим хонага кирмас, бурнимдан ўпганча: »Эртага янги кун. Яхши тушлар кўр», – демас эди.

**Оиламизни софина бошладим. Албатта, уларнинг овозини, қилиқларини ва ёнимда бўлишларини жудажуда соғиндим.**

Кимсасиз уй сукутидан қочиб, Орифа холанинг кўзини шамғалат қилганча, иссиққина кийиниб кўчага чиқдим-да, қўшни уйларнинг деразалари остида изғиб юрдим. Очиқ қолган форточекалардан катта ва кичик оилаларнинг овозларини тинглардим: овозлар қурамаси, идишлар жарангি, ҳовлилар этагидан келадиган итлар ҳуриши ёки бекасидан бирор егулик тиланаётган малла мушукнинг миёвлаши қулоғимга

## ДЕНГИЗ ХАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Сұмбандықтың әкимли эшитиларды. Бегона оиласынан хос овозларни жоң қулоғым билан тингларканман, үзимизникилар қайтишига күп вақт қолмаганлигидан хурсанд бұлардим.

Орадан бир кун ўтиб, ойим акам билан қайтиб келинди. Севимли кишиларим, улар билан бирга эса үйиншілерге, ўқишига иштиёқим, қовурилган картошка на ҳыттың ииёзли шүрвага ҳам иштаҳам қайтиб келганди.

Ойимни туни билан қўйиб юбормадим – унга ёпишиб олғанча, тұшагимни йиғиштирмаган күнларим учун ушір сұрапдым. Ҳозир кулгули тулюсса-да, ўша пайтда ойимниң көчириси менға жуда мухим эди. Ойим жилемийди, әнгашыб бурнімдан ўшиб қўйди ва деди: «Әртүрген инги күп. Вұтқолғым, әхші түшлар күр. Сени қинчалар ихши күраман!».

# 5

*Қизиқ, нима ненинг акси:  
дөңгиз – осмоннингми ёки  
осмон – дөңгизнинг?*

Жавохир хола мени Абшерон осмони бўйича мутакассис, деб атарди.

Ҳамма нарсага қизиқувчан мендек биринчи синф боласини бу ҳайратлантирар эди: «Қандай қилиб осмон Абшеронники бўлиши мумкин? Ахир унинг чекчегараси йўқ-ку. Осмонда ҳам, худди денгиздагидек бир умр сувиш мумкинми?» Жавохир хола менинг бурниимдан чимдиганча, жавоб қайтарарди: «Эй бола, кимроқ ганир! Яхшиси, қудуқдан сув келтир, сув ялнишишдан узиб кел. Ялпизли чой дамлаб бераман».

Абшеронда ҳамиша новвот чой ичишни одат қилинган.

Челакда сув олганимдан кейин қудуқ сатҳи тинчишини кутиб тураман – шунда унинг юзида осмон ўз бағридаги чағалайлар, юлдузчалар ёки булутла-

## Элчин САФАРЛИ

ри билан тиниқ аксланади. Болаликда мен Абшерон осмони ва денгизини, яна... айвонимиздаги сетка тутилган эски темир каравотни яхши кўрадим. Бундай эски каравотларни уйдан ташқарига чиқариб қўйишарди. Баъзи бекалар унинг устига анжир териб, қуритиб олишни яхши қўришарди (қоқиларни териб қопчаларга жойлашдан аввал уларнинг устига ун сепиб олишади). Болалар эса унинг устида сакрамачоқ ўйнашни канда қилмасди. Мен акам билан адёлларга ўралиб олганча, унинг устида гаплашиб ётардик. Чирилдоқлар чириллаб, денгиз шовуллаб сухбатимиз қизишига жўр бўлишарди.

Ойим билан Жавоҳир хола рўзғор ва болаларни тинчтитгандаридан кейин темир каравотга чўзилганча, узок-узоқ гаплашиб ётишарди. Мен уларнинг оёқлари тагидан жой олган кўйи қоп-қора осмондаги юлдузларни санардим. Ойим устимни ёпа туриб, қўшиб қўярди: «Оёғингни чиқарма, пашша чақиб ташлайди. Ухла, эрталаб еттида уйғотаман, денгизга тушамиз». Мен юлдузлардан кўз узмаганча, ўйлардим: қизик, нима ненинг акси: денгиз – осмоннингми ёки осмон – денгизнинг?

«Ойи, эртага кун роса исийди, Сомон йўлининг ёрқинлигини қара! Демак, кечқурун ҳам денгиз бўйига

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

борсак бўлади. Яшасин!» Жавоҳир хола бошқалар ухлаётганида шовқин кўтариш яхшимас, дегандек қулогимдан тортади: «Сория, бу болангдан ё метеоролог ёки операчи чиқади. Ҳазир бўл». Ойим жилмаяди: «Бош устига! Ўз ишини севса бўлди. Қолгани муҳиммас».

# **6**

*Ҳар биримизда ажойиб олам бор  
ва шунинг ўзи баҳтга пойдевор.*

Саккиз яшар пайтим синфдошим сўраб қолди:  
**«Худо – сен учун нима?»** Узоқ ўйланиб ўтирмасдан  
**түлиқ ишонч билан «Денгиз»,** дея жавоб бердим. Шун-  
**дий деғиңч,** бир пайтлар ҳарбий госпитал бўлиб хизмат  
**қилған,** биланд устуналарга эга эски мактабимизнинг  
учинчи қиватига югуриб чиқиб кетдим. Ўша ердан  
**денигизнинг** бир шарчаси кўриниб турарди. Мен де-  
рни **кўнидин кўриниб турган** денигизга узоқ термулиб  
**турдим ин ойнаги куҳлиганича,** унига бармоғим билан  
**«Худо, деб инни қуидим.**

**Шундин көйин Худо ҳақиди овоз чиқариб сира га-**  
**нирмаганиман** қўрқишдан ё шубҳаланганимдан эмас  
ми **бу ҳақиди сўришимаганилари** учун ҳаммас. Шунчаки  
пуни хоҳлимаганиман. Бамисоли **бу тўрт ҳарф** сирли ва  
**ижойи болимги** кириш учун тилсим сўз ўрнини ўтар, уни  
**бирори** билан баҳам кўришгим келмасди (Гарчи ҳозир  
пундай олам ҳамманики эканлигини, уни кўра билиш-

## **Элчин САФАРЛИ**

гина шартлигини яхши биламан). Бахилликнинг ҳам бунга алоқаси йўқ. Мен бирорта бефаҳмроқ одам бу сирли оламга заар өтказиб қўйишидан, тўлқинларни хафа қилиб қўйгач, улар оппоқ кўпиклари мавжланганча, соҳилни йўқламай қўйишидан ҳадиксирадим.

Худони ўйлашим билан ўзимни соҳилда кўрардим. Ёзги қуёшдан жилолангандан тўлқинлар. Сап-сариқ, қайноқ қумлардан иборат соҳил... Худди қуёшга ўхшаган. Кафтларим билан уни элаб кўраман. Танам исий бошлайди. Денгизга тикиламан, атроф кимсасиз, бу – қанчалар соз. Мен асл уйимдаман. Дадам, ойим, акам, бувим ва Йўлбарс исмли итимиз бор, уйимиз эса... У ҳам менинг уйим. Бу уйим сирли оламим худудларидан ташқарида ва у ерда ҳаммаси бошқача.

У ерда қўрқинчли тунлар, вақтинчалик қариндошлар, ташландиқ жониворлар ва кўплаб кўнгилсизликлар мавжуд. Сирли оламда эса тунлар бўлмайди, қариндошларинг абадий яшайдилар, ҳар бир итнинг ўз эгаси бўлади.

Ўша мактаб пайтидаги саводдан кейин кўп йиллар ўтди. Кўп нарсалар ўзгарди. Аммо мен ҳалигача асл уйимга келаман. Ҳар куни. Соҳилда ўтираман-да,

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Чиганоқларни қўлимга оламан. Ҳар биримизда тилсим сўзли сирли ва ажойиб олам борлиги, шунинг ўти баҳтли бўлиш учун пойдевор эканлиги ҳақида ўйлайман. Бундай тилсим сўзни унугиб қўйганлар ҳим орамизда борлиги – шубҳасиз. Улар уни ўзларида ўюқотиб қўйганлар ва ҳамиша қуёш кулиб турадиган ўши жойига қандай қайтишни билишмайди. Аммо буни қаничилик исташларига эса шубҳа қилмайман.

# 7

*Бахт ботиндан келади,  
ташқариданмас.*

Умрим давомида тақдир тақозосига кўра, кўплаб мимлакатлар ва уйларни алмаштиришимга тўғри келди. Жомадонларим тилсиз ва садоқатли ҳамроҳларим булишди ва ҳар бир кўчишимда улар камая борарди. Мен энг муҳим нарсалар ботиндалигини англаб борар, чарур паролларим кўп жой талаб қиласди.

Менинг Борис исемли дўстим бор бўлиб, яқинда менини Сиғарчир, дея Унгартириди. Мен уни ҳалигача Бори, добити Имин, Бори нефтқомпаниясини бошқарар, шинидин личнитииниб, иғларини сенарди. У уч ўғилни менини откингани ни дирахт ғистирган эди.

Нир куни томиди уйғониб, нарсаларини йиғиштириди да, бени оққан томонга равона бўлди.

Шу кетишида у на қадрдан шахрига, на севимли оиласиги ши на корхонасига қайтиб келди. Энди Боря

## **Элчин САФАРЛИ**

Хинди斯顿нинг қай бир қисмида, ўзининг таъкидлашича, ҳаётнинг асл маъносини англаган кўйи яшайди. Вақти-вақти билан турли электрон манзиллардан хат йўллайди. Улардан бирида Борис инсон руҳининг асл табиати хусусида фикр юритади.

«Дўстим, рух азал-азалдан сат-чит-ананда (борлиқ-билим-лаззат), яъни, билимга лиммо-лим, боқий ва баҳтлидир. Ташқи оламдамас, унинг ўзида баҳт келтирадиган барча нарсалар мавжуд. Буни фақат болаларгина тўлиқ ҳис қиласидилар. Катталарнинг айримлари ҳам. Ўзингни кўпам қийнама. Беҳуда машғулот. Яхшиси, денгиз бўйига бор».

Боря-Светозарнинг сўзларидан кейин, мен ҳамиша ўтмишдаги нарсаларга кўпам кўнгил боғламаганим ҳақида ўйладим. Болаликдан кўп нарсаларни, хотираларни йўқотиб қўймаслик учун, ботинимга теранроқ жойлаб қўярдим. «Баҳт – ботиндан келади, ташқариданмас», – дея Боря ўз хатида тўғри таъкидлаган.

Жомадонимда бир жойдан бошқа жойга доимо олиб юрадиган бир нарса – четлари кўк шойи билан жияклаб чиқилган қалин оқ мато бор. Бир пайтлар

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Улар иккита катта дастурхон эди. Сўна бувим улардан битта катта чодир тикиди. Тут пишган маҳали катталар уни тарангтортишар, биз болалар эса тепага чиқволиб, тут қоқардик.

Сўна бувим бир четдаги тош устида ўтирганча, бундай мўл ҳосил учун «эй машаллоҳ», дея шукрони қийтарарди. Оқ матога «Оқбулут», деб ном қўйиб оғландиндик.

Тут қоқинни тугатгач, ундан тушардик, катталарга мөваниси саралашада кўмаклашардик.

**Ийлилар оши Оқбулут ҳам титилди, ҳам йиртилди.** Суни бувим бир поччи бор уни ямади ва менга уқтириб кунди «Чироғим, Уладигин бўлсам, уни ўзингга ол, ўзинг нерি. Ношқа ишлите ми. Жади қуёшда ёйиб ол, қишилирди никдин исери».

Оқбулут ҳамон мени билди. Қини кечалари тез-тез уни юнимга посизмий, болалик бўйлари бўлмиш бувимнинг қўлинири, тутнинг болдай мевалари, болаларча оғимлик, учум нондалари қуршаб олган ҳалинчаклар, шуғуриб келгин кўйи тўхтамасдан ўзингни отадиган муғдек дениши, пичоқ тегиши билан тирсиллаб ёри-

## **Элчин САФАРЛИ**

либ кетадиган тарвуз, помидорли құймоқлар, шириң чой ва қаймоққа ботирилған иссиқина нон ҳидларини туяман. Исинаман.

Эртага Оқбулутни таниш тикувчиникига олиб бораман. Үнинг гирдидағи шойи жиякларни янгилаш керак. Тайёр бүлгач, бозордан бир челак оқ балхи тут олиб келаман-да, Оқбулут юзасига түккаман. У ҳам ўтган кунларини эсласин.

# 8

*Мұхаббат күзга күрінмас  
қанотлар бахш этади.*

**Абшероннинг Анжирли кўчасида** Балерина лақабли **Шоийиб** ит яшарди. Қаймоқ рангли, жингала жунли, **тұғмадек** қора кўзли, шалпанг қулоқли, панжалари эса **үкун тиршокларга** эга. Кўринишидан бошқа итлардан **Фирқ қылмайдиган** бу итга бундай лақабни ўзига хос **қилиги түфийли** беришганди.

**Балерини таниш одамни** кўриб қолганида (ит шу **иҷадиги киттию кичикни** бирдай танирди) думини **қисраничи**, орқи **оғигида** тик тўрар, кўксига қайириб **олған олд оғқлариги** жуфтлаган кўйи бурнини осмонги **чучиб улий** бошлирди. Улигандаям алоҳида **пир мусиқи** исари ижро штаёттандек тартибга риоя **қиласар**, тик туттган оёклари эса оҳангта мос тарзда сикриб қўирди.

Жуда чиройли чиқарди-да, ўзиям! Айниқса, ёзниңг **кунларида**. Унинг рақслари анжирлар ўз мевасига асал

## Элчин САФАРЛИ

тўлдираётганда, анорларнинг қирмизи гулбарглари тўкилаётганида жуда ажойиб томоша бўларди.

Рақс жараёнида ит кўзларини чирт юмганча, бир марта телевизордан кўрсатишган айлана цирк майдонига ўзини кўчириб ўтказарди. (Абшеронда саноқли уйлардагина телевизор бўлганлигидан, аксар хонадон эгалари телевизорларини ҳовлига олиб чиқиб кўяр, қўни-қўшнилар йиғилиб томоша қилишар, ит ҳам ана шулардан бирида кўриб қолганди.) Эҳ, орзулар, орзулар... Аммо Балерина баҳтли эди. Ахир руҳинг ўз ихтиёри билан истаган маконингга кўчиб ўта олса, ўнгингдами ёки хаёлдагининг нима фарқи бор. Кўзингни юмсанг бўлди.

Бу томоша бир минутлар атрофида давом этар, кейин Балерина тўрт оёқлаган ҳолда бошини эгиб, думини ўйнатарди.

Эгаси бўлмаса-да, жуда ғурурли ит эди: егулик тиланмас, ялаб-юлқашга ошиқмас, оёқлар остида ўралашмасди. Худо берганига қаноат қилиб яшарди. Бирортаси жунларини сийпар, кулиб қарап, баъзан бир бўлак колбаса ёки ярми ейилган котлет тегиб қолар, вақти билан ҳеч ким эътибор бермас ёки таёқ еб

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

**Мишиши** ҳам мумкин эди (Зубайдада чеварнинг ўғиллари **Милоринани** ёқтиришмас, шунинг учун мен акам биллини уларга мушт ўқталиб қолардик).

Ажойиб ит ҳеч нарсадан хафа бўлмасди. Кўпинча **Муддин** ва ношукурлик қилувчи одамларга муҳаббат **Юр** нарса талаб қилмаслигини эслатиб қўймоқчи **Мулиро**, гўё. Юрак севади, илоҳийликка тўлиб-тшиниди, жавобан нима олишнинг эса фарқи йўқ. Бу **Курбонлик** эмас. Бу сени яхши қилувчи нарса, сенга **Минотиар** бахш этади. Кўзга кўринмас бўлса ҳам.

Кун кунларининг бирида Балеринани кўчада машини уриб кетди. Бу ерлик эмас. Ҳайдовчи кўчадан **Утифтини** итни пайқамай, унинг орқа панжаларини **Мисиб** Утиб кетганча, муюлишда кўздан ғойиб бўлган. **Милорини** хўл ерда шикоятомизмас, ўз томошалари-**диги оҳиниларга** мос тарзда улиган кўйи қолди.

Нутги кўча аҳли уни бир тану, бир жон бўлиб да-**шонишди**. Балерина очиқ синиқлардан сўнг, беўхшов **Колиги** келган панжалари оғриғига кўп эътибор бермасди. Энди у каттакон ва иссик, ўша аrena, ўша циркни **Миршитадиган** телевизори бор уйда яшарди. Балери-**ни** **Мулирини** беркитганча, орзуларига кўчиб ўтарди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Яъни ҳеч қаери оғримайдиган, сахна чироқлари иссиқлик бахш этадиган, қойил қолган томошабинлар қарсак ва олқишиларини аямайдиган жойга.

Итнинг орқа панжаларини кесиб ташлашга тўғри келди – суюклар битиб кетмади, ёши ҳам бир жойга борганди-да. Оёқлар ўрнига қўшни қишлоқлик тунукасоз уста Жовуд аравача ясад берди. У итни ҳам ўзи билан олиб кетди.

Янги уйнинг катта хонаси ўртасидаги қизил гилам бутун оила бўлиб телевизор кўришаётган пайтда Балеринанинг энг севимли жойига айланарди. Балерина яна ўзини цирк аренасида кўрар, анчадан бери соғинган Анжирлик кўчасидагилар учун рақс тушиб бераётгандек хис қиласарди. Итуларни ора-сира кўргани бориб туради. Энди унинг янги ҳаёти мавжуд бўлиб, ўтмишга эса фақат қўзини юмган пайтидагина қайта оларди.

# 9

*Сен денгизга олиб борадиган  
Пұлни күрдинг, бошқалар эса әнди  
излашмоқда.*

Болалигимда менинг уста Ниёз деган таниш амаким бор эди. Мусиқа асбобларини ясовчи, дарвешнамо бу киши шамоллар доим қум билан күмuvчи Чанг күчада истиқомат қиларди. Айнан шу киши мени ботинимдаги оламимга олиб кирган. Мен ботинимдаги оламим ҳақида сал-пал сезардим-у, унга айнан қандай киришни билмас, бу ҳақда ҳеч қандай тасаввурга ҳам эга әмасдим. Чунки икки олам орасидаги қопқа ҳамиша ҳам очилавермайди.

Биз соҳилга тушиб турардик. Ёзги пайтлар аксар яланг оёқ ҳолда. Иссиққина қумда күзга күринмас туз заррачалари бисёр эди. Атрофда азон янграётганди. Гилавар – иссиқ, ўйноқи шамол илохий овозларни гоҳ кучайтириб, гоҳ пасайтиради.

Қай бир куни устага күнглимни очдим: «Уста, буни айтиш қанчалар қийин бўлсаям... Мени азон

## **Элчин САФАРЛИ**

овози қўрқитади. Негалигини билмайман. Ахир у қўрқитмаслиги керак-ку». Уста Ниёз тўхтаб қолди ва денгизга тикилди, яна ўн қадамлардан кейин биз тўлқинлар ўпаётган соҳилга етган бўлардик. «Чирофим, сен аzonданмас, ўзингдан қўрқасан. Севгига тўлиб-тошган ҳақиқий ўзингдан қўрқасан. Замонавий ҳаёт учун сенга севгига тўлиқ бўлиш ярамайди, деб айтишади. Бу уларнинг танлови. Севгини танлаётиб ҳам улардан устунликка эришдим, дея кеккайма. Сизларнинг фарқларингиз шундаки, сен денгизга элтувчи йўлни топдинг, улар эса ҳали изланишда».

Уста Ниёз соҳилдаги баланд қум барханини топди ва унинг устига чиқиб ўтирди. Мен унинг ёнига ўзимни ташладим. Чап товонимни ўнг тиззам устига оширдим, қумдаги чиганоқлар парчаси теримга ботди. Уларни сидириб ташлаганча, Каспийга қараб жилмайдим ва қичқирдим: «Бари бир Худо бувим айтган-дек осмон ёки юракдамас, денгизда яшайди. Қаранг, у қанчалар гўзал! Ҳамма денгизни яхши кўради. Худди Худони яхши кўрган қаби».

Уста соҳилга яқинлашаётган дастлабки тўлқиндан кўзини ўзмаган ҳолда оҳиста жавоб берди: «Чирофим, сен ҳақсан. Худо денгизда яшайди. Фақат у ердагина

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

эмас... Қара, қанчалар катта ва кўпиксиз. Бобом бундай тўлқинларни учишни биладиган қанотсиз қушлар, деб атарди... Ҳар биримизда денгиз турлича намоён бўлади. Яъни кимдадир у сокинлик бўлиб, кимдадир бўрон бўлиб, кимдадир сувнинг келиши ёки қайтиши бўлиб. Денгизда баҳт ҳам, тийраклик ҳам, хатар ҳам, тақдирдан қочиб бўлмаслик ҳам мавжуд. Унинг қаерда тугашини аниқлашга уринма. Ҳаётни чеклашнинг нима кераги бор?»

Бир гал уста Ниёз қайгадир кетди. Абшерон ва бошқа яқин-атрофдаги шаҳарларда уни ҳеч ким учратмади. Дастребаки ойларда дўстимни соғинганча, ўзимни қўярга жой тополмадим. Кудуқли хароба қулбасига бордим ва илк бор тўлқинлар бош урадиган соҳиллардан изладим.

«У ҳеч қаерда бўлмаса», – деб ўйлардим алам билан. Ва бирдан хатойимни тушундим – бу «ҳеч қаерда» сўзи эди. Уста Ниёз менинг ботинимда яшарди. Худди мен севадиган барча нарсалар каби. Севганингиз қўшни кўчадан ғойиб бўлган бўлиши мумкин, аммо у, албатта, бизларни кутаётган бўлади. Яъни юрак, деган манзилда.

# **10**

*Үйқудан олдин әртәнг ҳақида үйла.  
Унда – янги тонг ва янги ҳаёт бор.*

Отам тонгда ўқишига қатнар, түшдан кейин почта тарқатар, кечалари эса тош ортилган машиналарни бўшатарди. Катта оиланинг ягона боқувчиси – ойим рўзгор билан банд, болаларни парваришлар эди. Дадам бизлар билан чарчогини ёзар, ўқувчилик давридан бери шуғулланадиган фотографияга банд бўлганча, ҳордигини чиқаради. Бизларни расмга тушириб, негативларни олис бурчакдаги хонада – қизил чироқ остида чиқариб оларди. Тонг пайти де-вор бўйлаб тортилган чилвирида нам оқ-қора тасвирли суратлар осилиб туарди. Улар қуриганча, ўзларидаги ҳаёт тасвирларига эга бўлардилар.

Айримларида тасвирлар атайн хиралаштирилган бўлиб кўринар, уларга қанча узоқ тикилсам – фотографларда қотирилган сонияларга жон кирадигандек туюлаверарди.

## Элчин САФАРЛИ

Ойим отам ишлаган суратларни ўзи тиккан занго-ри баҳмал жилдли альбомга авайлаб жойлаб чиқарди. Мен ва акамни кўрсатганча, уни вараклашни яхши кўрарди. Мен қарамасдим. Ўтган вақтда ушланиб қолишни истамасдим: ўзига банд қилиб олганидан кейин истаганимга етиша олмайман, дея қўрқардим. Қўрқувимнинг боиси нимада эди? Шунда эдики, қайдадир, жуда ҳам теран ботинимда мен ўтмишимни орзуларимдан кўра кўпроқ севардим.

Ойим менинг ҳадикларимни сезиб қоларди. Менинг келажагим ҳақида, мени нималар кутаётганлиги ҳақида тез-тез гапирадиган бўлганди. Масалан, тоғлари йил бўйи қорли қалпоқларини ечмайдиган, Гуржан дарёси эса музлар эриши билан қўшифини бошлайдиган, Солиҳ тоғам эса қайнатилган лавлаги шарбати билан асалли ҳалво юзасига нақшлар чизадиган Шекидаги баҳор байрамига боришим ҳақида сўзларди.

Биз Абшерондан шаҳарга кўчиб келган катта синфлиқ чоғларимда мени битта ва ягона туш доим азобга соларди: болалигим қаҳрамонлари, яъни ҳамиша менинг ботинимда мавжуд бўлганлар билан денгиз соҳилига тушиб бораётган пайтимиз қандайдир куч

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

мени қоп-қора деворга парчинлаб ташлар, қимирлагани ҳам қўймас эди. Ҳеч ким буни пайқамас ва қичқириқларимни эшитмасди. Дўстларим ўз йўлида кетиб борарди.

Охир булар ҳақида отамга айтиб бердим. У мени маҳкам қучоқлаб олди. «Ўтмишдан қўрқиш керакмас. У ҳақда эслаб туриш лозим, аммо чуқурроққа шўнғиши хавфли. Шўнғиган бўлсанг, тезроқ қайтишга ҳаракат қилиш керак. Аксинча, нафас етишмай ҳалок бўласан. Уйқудан олдин эртанг ҳақида ўйла. Унда янги тонг ва янги ҳаёт бор».

Шундан бери хаёлларим мени узоқ ўтмишга олиб кетиб қолганида, машаққатларга қарамасдан интилган орзуим ҳақида эслаганча, ўзимни тезроқ бугунги кунга қайтараман. Ўша тушни эса бошқа кўрмай қўйдим.

11

*Орзуларсиз юрак занглайди.*

Ойим ўттиз саккиз ёшида фортепъянодан дарслар ола бошлади. Ҳафтада икки кун ишдан вақтли қайтар, бизларга тезда таом тайёрлаганидан сўнг отамни қучоқлар, акам иккимизнинг чаккамиздан ўпганча, ноталар жилдини олган кўйи машғулотларига юргургилаб қоларди.

Ойим ёшлигида мусиқа мактабини тугаллаган өди-ю, аммо уйида мусиқа асбоби йўқ бўлиб, сотиб олишнинг ҳам имкони бўлмаган. «Мен орзуни майда бўлакчалар билан йиғиб-терганман. Ўз пианиномда Шопеннинг «Фантазия-экспромти»ни чалмасам ўзимни кечиролмайман», – дерди баъзида алам билан.

Мусиқа ўқитувчиси Нина Абрамовнанинг уий бизнинг Абшерон посёлкамиздан ўттиз километрча нарида бўлиб, ойим электричкада қатнар, ундан тушганидан сўнг ҳам икки километрча тепага пиёда

## **Элчин САФАРЛИ**

күтарилаарди. Кечки түққизларда қайтиб келар, мен уни Аңжири станциясида кутиб олардим.

Ёзда қоронғилик жуда кеч тушар, түққизларда ҳам денгиз нурафшон бўларди. Биз денгиз жуда чиройли кўринадиган жойда тўхтаб томоша қилардик. Ойим машғулотлари тўғрисида гапиаркан, бармоқлари илгаригидек қулоқ солмаслиги, ҳозирча учинчи синф дарражасида чала олаётгани ва ойликдан тежаб бораётган пулига Ҳафиза сотмоқчи бўлаётган оқ пианинони харид қилиши ҳақида сўзларди.

Денгиз кўз олдимизда уйқуга кетарди. Бир гал у оёқлари орасига қисиб олган сумканинг боғичини қўлига оларкан, Каспийга қараб жилмайди ва деди: «Даданг билан сизларни дунёга келтириш ҳақида фикр юритган пайтимиз ўз-ўзимдан сўрадим: нимага болаларни дунёга келтирамиз? Ўзимиз учунми? Дунёгами? Қийинчилик ва мاشаққатлар учунми? Шунда битта жавоб пайдо бўларди: уларга денгизни кўрсатиш учун. Чироғим, энди уйга, жуда кеч қолиб кетдик, кутиб қолишиди».

Бизни ҳақиқатан ҳам қутишарди. Отам занжирчадаги Йўлбарс итимиз билан дарвозамиз олдида у

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

ёқдан-бу ёққа бориб қайтаверар ва сигарет тутатарди. Ойим кўпинча унинг ортидан югуриб келганча, қучоқлаб оларди: «Бизни кутаяпсизми, дадажониси?» Дадам қизариб кетарди: «Итни айлантириб юрибман, кўрмаяпсанми?» У ўзининг туйғуларини ҳамма вақт яширин сақлай оларди.

Айвонда акам ўтирас, кўзи эса боғ йўлагида бўларди. Кўлида иссиқ сочиққа ўралган кўк сомсалар: «Мунча қолиб кетдинглар? Сомсаларинг совимасин, деб иссиқина ўраб ўтирибман».

Ана шундай кечаларнинг бирида уйга қайтиб келган пайтимиз, меҳмонхона залимиз тўрида очжигарранг «Беларусь» пианиносига кўзимиз тушди (отам Ҳафизаникини эмас, бошқа бировникини сотиб олган экан). Отамнинг туғилган куни ойим унда биринчи маротаба Шопенни ўша мусиқасини чалди.

Шундан кейинги йилларда ойим пианино тагига қовжираб қолмаслиги учун банкада сув қўйиб қўядиган бўлди. Биз акам билан билмасдан бир неча бор уни ағдариб юборганмиз, аммо бу ҳақда ҳеч ким хабар топмаган.

# 12

*Биздаги ёриқлардан  
ёруғлик киради.*

Асад бобом оқшомлари чойхонага чиқарди. Эрта ётишим зарур бўлмаган таътил пайтлари мени ҳам ўзи билан олиб борарди. Темир столчалар атрофида ўтирган эркаклар ўтин ёқиладиган самоварлар чойини ичишар, шошилмай сухбат қурав, баланд овозларда баҳс юритар ёки нарда ташлашар ва патефондан тинмай мақом тинглашарди.

Шеърлар, айниқса, Ҳусайн Жовид шеърларини кўп ўқишарди: «Ҳар қулнинг сифинган бир паноҳи бор, Ҳар банданинг жаннатдан умиди бор. Ҳар кимнинг ўз топинган Аллоҳи бор, Менинг Тангirim гўзалликдир, севгидир». Катта синфларга борган пайтим, бобомдан эшигтан ўша шеърлардан эсимда қолганларини излаб топдим ва ўқиб чиқдим. Уларни борича севиб ҳам қолдим.

## Элчин САФАРЛИ

Чойхонада Асад бобом ва унинг икки тенгдош дўстлари билан ўтиргандик. Улар мен учун беҳи мураббо буюртма қилишиб, ўзлари эса анъанага кўра калла қандли чой ичиб гурунглашарди. Асад бобом мураббони фақат нонуштада сарёғли нонга суркаб ерди.

Чойчи Оғабола қорни билан сигарет дудларини ёрганча, менга буюрилган мураббо ва иссиқ нон келтиради. «Қорнинг ҳам очиб қолгандир, еб ол, болакай. Бизларга қарама, биздек кексаларга қоринлари халал беради. Чой ичиш эса унчалар ташвиш келтирмайди», – дейди ёқимли оҳангда. Мен Оғабола амакини емиш ортилган каттакон кемадек тасаввур қилардим. Унинг тепасида чағалайлар чарх уради. Мен дарҳол мачтага чиқиб олганча, мураббо суртилган нон бўлакларини уларга улоқтираман.

Бизнинг столимиз чойхонадаги энг тинч стол, суҳбатлар ҳам ярим овозда кечади. Иймон-эътиқод, сўфийлик, шеърият ва изланишлар ҳақида. Бобом шунаقا фикрлар ҳақида гапирадики, мендек боланинг ақлим етмай қолади. Юракдаги тирқиш ёёриқлар юракни парчалаб ташлаши ҳеч гап эмасмиш.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

«Жўралар, ана шу ёриқлардан ичимизга ёруғлик киради, маъқулми?»

Улар ҳаётга боғланиб қолишларни ёқтирмаслигини таъкидлашади. Ер юзида абадий ҳеч нарса йўқ. Мен етти ёшда бўлсам-да, бунаقا гапларни тушунаман. Яқингинада, яъни августнинг куйдирадиган қоқ пешинида бўрон туриб, соҳилда мен эндингина тиклаган қумли қўргонимни тўлқинлар шафқатсизларча ювиб кетганди.

Эртаси куни соҳилга бориб, уч кун мобайнида тиклаган иншоотларимдан асар ҳам топмагандим. Ўз ҳолига келган ювош денгизнинг майин мавжлари нам ва текис қумларни сийпалаб ётарди. Табиат асл ҳолига қайтганди. Бундан жаҳлим чиққанча, уйга қайтиб келиб, бобомни қучоқлаб олдим.

- Бобо, нима учун тўлқинлар менинг қалъа-қўргонимни бузиб ташлашди?
- Ўша жойда бошқа бирор ўзиникини қуриши ва муҳим нарсани англаши учун.
- Бу адолатдан эмас... Менга ҳеч нарса қолмади-ку?
- Хотиралар-чи? Тушуниб етиш ва имконлар. Масалан, кўпроқ севиш, дунёни янада яхши қилиш ҳамда

## **Элчин САФАРЛИ**

ўз денгизинг соҳилида керакли бинонгни қуриб олиш-  
га интилишинг.

– Ўз денгизим?

– Xa.

– Қаерда ўша денгиз?

– У сенинг ичингда, қароғим.

# 13

*Хар оғирчилик ортидан  
енгиллик келади.*

Абшерон посёлкасида бирортанинг тоби қочиб қолса ёки жон таслим қилаётган бўлса, ҳар бир эшикни тақиллатиб чиқишидади. Одамлар жам бўлишиб ёрдам қўлини чўзишидади. Камдан кам одамгина бундай пайт ўзини четга олиши мумкин. Бундай ҳол бир куни ўзининг ҳам бошига тушиши мумкинлигидангина эмас. «Унақада нима учун?» – сўрайман қиймалагичдан ёнғоқ мағзиларини ўтказаётган бунимдан. Иссик кўришага ўраб қўйилган хамир эса уй тўрида кўпчиб ётарди.

«Шафқатлилик ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди, чироғим. Бу шакарбаракка туйилиб солинадиган ширип хандон писта сингари ҳаётнинг мағзи».

Учинчи синфдалигимда синфдошим Исрофилнинг тоби қочиб қолди. Иккимиз дарахтлардан хонқизиларни териб, қатиқдан бўшаган шиша идишга

## **Элчин САФАРЛИ**

тўплардик. Сўнг Каспий бўйига олиб борардик-да, ҳавога қўйиб юборардик. Бизларга фақат денгиз соҳи-лидагина улар мутлоқ озодликка эришадиган бўлиб туяларди.

Исрофилнинг қўлтиғи остида этнинг қалинлашиш ҳолати юз берганди. Уни шаҳардаги шифохонага олиб кетишиди. Унинг синфдаги ўрни анча пайтгача бўш турди ва ҳеч ким у ерга ўтирасди. Бундан хафа бўлганча, уйга қайтганимдан сўнг қўлидаги тасбехни ўтирган кўйи гиламда тиловатлар қилиб ўтирган Сўна бувимнинг ёнига чўзилиб ётардим.

Бувим соchlаримни силаркан, кафтининг тафти билан дил дардимни даволарди. Анча енгиллашардим. Сўна бувим зангори барқут халтага солиб қўйган «Каломулло»ни олган кўйи ўртароғини очиб, арабча имлодаги сатрлардан бирига бармоғини теккизарди. «Бу «Фош бўлиш» сурасидаги оят. Бу ёрда нима ёзилганлигини биласанми? «Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай қийинчиликнинг ортида бир енгиллик бордир».

Ҳа, бувижон, худди шундай. Ҳар қандай оғир дамда ўзинг учун қиласидиган энг катта ёрдаминг бу – неки бўлса яхшиликка эканлигини унутмасдан, сабр қилишдир.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Тўрт ойдан кейин Исрофил мактабга қайтди. Бу мен учун, айниқса, чинакам баҳт эди.

Ҳаётда яшарканман, ёмонликдан кўра яхшиликдан кўпроқ ҳадиксирайдиган одамларни кўп учратдим. Чунки ёмон нарсани йўқотишдан чўчимайсан. Мана шу ҳолда ўз ҳадиклари билан бирга яшаб юрган кунларида тақдир уларга ҳам истаган, ҳам чўчиидиган баҳтни бериб қолади. Улар кўзларига ишонмай, баҳтга яқин келишдан ва уни йўқотиб қўйишдан чўчиганча, просатда қолишади. Аммо вақт ўтиши билан бунга кўникадилар, яъни баҳт билан бир хонада унинг жилосидан кўзлари қамашган кўйи яшай бошлайди. Мана шу ҳолда одам ўзининг эски пўстини ташлаган бўлиб, инги ҳаётта киришиб кетади.

Баҳтда ҳим, баҳтсизликда ҳам шифо, бироқ одамнинг қайта тугилиши пинҳон қилинган.

# **14**

*Зулматда нур янада ёруғ.*

**Құғын Иүқолиб**, осмонни зулмат әгаллаганида мен ожизликтің ҳис қилардим. Зулмат номаълум-лик мәнбени. Құғын ёғдуларида жилоланадиган денгиз қоронгиликта оғатлар дарчасига айланади, йўлдан қидининг ҳеч гапмас. Шунинг учун тунлари мен күнгимни юмишдан кўрқардим: бирдан уйқуга кетишмим ва орзуларим кемаси қояларга урилиши мумкин бўларди.

Одатда дадам уйқудан олдин акам иккимиз ётадиган хонага кириб, доимо ёз ҳукмрон бўладиган мамлакатлар ва тонг отар-отмас кеч тушадиган совуқ ўлкалар ҳақида сўзлаб берарди. «Абшеронда эса йил бўйи қуёшни кўрасан. Яна шундокқина денгиз бўйидасизлар. Булар учун фақат шукrona айтишни унутманглар», – дейишни кандо қилмасди.

Ёз кечаларидан бирида – ҳамма ухлаб ётган пай-

## Элчин САФАРЛИ

ти дадам мени уйғотди. «Бўталогим, тура қол. Бизларни кутишяпти», – шивирлади у ва кийинишимга кўмаклашди. Биз оёқ учидা боқقا чиқдик. Бизни тут тагида менинг бошмоғимни ғажилаётган Йўлбарс отли итимиз ҳайрон бўлганча, кутиб олди.

У кутилмагандага хўжайнлари келиб қолганидан безовталаниб ҳуришга тушмоқчи бўлди-ю, отамнинг қўлида пайдо бўлган бир тилим колбасани жигилдонига ургач, тинчиди-қолди. Бундай сийлаш унга жуда ёқарди. «Қани энди бир бутун колбасани есанг-да, тун даҳшатларини унутсанг», – дея ўйлардим отамнинг изидан узумзоримиз оралаб борар экан. Отам уйимиз ортидаги томга чиқадиган нарвон тираб қўйилган тарафга ўтди.

Биз куни билан иссиқлик йиққан шиферларда чалқанча ётганча, осмондаги юлдузларга термулардик. Сал наридан соҳилга урилаётган тўлқинлар товуши келар, тунги салқинликда совиётган рельслар ҳорғин дам чиқарар, қўшни кўчадан эрта тонгда ёпилиш керак бўлган нонлари учун нонвой Нотиқ бейнинг хамирга мушт уришлари эшитилар, пастдан эса Йўлбарс итимизнинг яна сийлашимизни тилаб ғингшинишлари қулоқقا чалинарди.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Күзларимга юлдузлар тўлиб қолганди. Олдимизги гўё гавҳарлар қадаб чиқилган қора дуҳобани ёйиб қўйишгандек. Зулмат бизни бошқа қўрқитмасди.

«Кичкинтой, зулматда нур янада ёруғлашади. У ҳимма жойда. Ҳатто ерда ҳам. Қара, хўжағатларда ёнар қурглар ялтираб зиё сочаяпти».

Биз ерга қайтиб тушдик. Мен каравотимга ётдим ши бошимни бурганча, деразага қарадим. Унинг кўзларидан миллионлаб ёғду сочаётган юлдузлар кўриниб турарди. «Улар одамларнинг умидига ўхшийди», – дея ўйладим ва уйқуга кетдим.

# 15

*Тез-тез бошинг узра бοқ – у ерда  
юлдузлар бор.*

Чингиз акам иккимиз дараҳт устида уйча қурдик. Үйимизнинг орқа тарафида каттакон чинор дараҳти бороди. Ертўладан тахталар олиб чиқдик ва бобомнинг риҳбарлигига уйча ясадик. Унга ўйинчоқларимизни териб чиқдик, деворларга оиласвий альбомдаги турили суратлар, журналлардан қирқиб олинган расмларни, лимонад шишалари этикеткалари ва қанд қонглиридан ёништиридик. Хуллас, уйчамизда ўтган кунларнинг қупончини ослатувчи барча нарсалар мавжуд ёди. Уни шундай агадик ҳам - Хотиралар ғори.

Бу горга каттгалар ҳам кириб туради. Чингиз автомобиль моделларидан иборат коллекциясини кўрсатиб ғуурланарди, мен эса келганлардан бирор қизиқарли хотира сўзлаб беришини сўрадим. Ҳозиргача уларни асраб келаман ва горга кирганимда уларни қайта вараклаб чиқаман. Энди у чинор шохларида эмас. У менинг ботинимда.

## Элчин САФАРЛИ

Жавохир хола ҳадеганда бизнинг бошпанамизга бош суқавермасди. «Янги уйга қуруқ қўл билан бориши яхшимас. Сизлар унуган бўлсанглар бордир, аммо менинг эсим жойида. Бирор ширинлик пиширган куним, албатта, бораман». Август кунларидан биррида Жавохир хола Хотиралар ғорига қўлида сиртига оппоқ қандупа сепилган бодомбарак тўла баркаш билан ташриф буюрди. Елкасига эса чойли термосни осиб олганди.

Ширинликни маза қилиб туширдик. Жавоҳир хола эса саккизинчи синфдалигига ота-онаси уни қуруқ мевалари билан машҳур бўлган Шишабозор ёнидаги икки юз йигирма бешинчи мактабга ўтказганлари хақидаги хотираларини сўзлаб берди.

«Танаффусларда бақалоқлигидан Фидан-филча номини олган синфдош дугонам билан қотирилган ўрик қиёмидан ейиш учун бозорга югурадик. Шунаقا ширинки, мазаси ёзни эслатарди. Якшанба кунлари Шишабозор дарвозалари олдида Зина хола пайдо бўлиб, марваридгуллар сотарди. Ойим ӯларни ўзи учун совға сифатида сотиб оларди.

Биз бозордан чиққач, кўчани кесиб ўтардик ва

Жаъфар Жабборли номидаги кинотеатрда ҳинд киноларини кўрардик. Зал қўшиқларга жўр бўлган кўйи ўкиради, мен эса рақс саҳналарини кутардим. Албатта, кино қаҳрамонларидек рақс тушишни истардим. Ойим менинг иштиёқимни сезиб, рақс тўгарагига ёздириб қўйди. Ҳаммаси яхшиликка эди: мени турли конкурсларга юборишарди, хореография билим юртига киришим учун тайёрлай бошлишди. Имтиҳонларга бир ой қолганида севиб қолдим. Аҳмоқлигим орқасидан рақсни ташладим. Энди афсусланаяпман.»

Ойимнинг дугонаси бўлган Саодат хола Хотиралар горига болаликдан орзуси – тўлқинли тўтиқушчалар ҳақидаги хотиралари билан меҳмон бўлди.

«Ойимнинг қушларга тоқати йўқ, эди – унга аллергияси бор. Бу орзум ушалмасдан турмушга чиқдим. Шунда ҳам уни амалга оширишга юзлаб тўсиқлар тайёр эди. Дам болам Мехмет ёшлиқ қиласди, дам қафасни кўйишга жой топилмайди, дам уйда сақлаётган мушумгимиз халал беради. Бир гал мен қаттиқ бетобландим, шифохонага олиб кетишди. Палатада ётиб ўйлайман: «Саодат, қанчалар аҳмоқсан! Аллақачон қуш асраб олишинг керак эди. Болаликдаги орзуингга етишмасдан ўлиб қолишинг ҳеч гапмас». Жавоб теккани-

## Элчин САФАРЛИ

нинг эртаси қуниёқ зоомагазинга бордим-да, иккита яшил тўлқинли тўтиқушчалар сотиб олдим. Хуллас, чироқларим, орзуни орқага ташламанглар».

Хотиралар ғорига Рафиқ тоға ҳам кириб турарди. Унинг учлари буралган тўқ жигарранг мўйловлари худди барон Мюнхаузенникига ўхшаб кетарди. У денигизчи эди, ҳар бир сузишдан қайтганида биз фақат глобусларда кўра оладиган шаҳарлардан бирор хотираларини сўзлаб берарди. Мен улар орасида Истанбулдан келтирилган хотирани яхши эслаб қолгандим.

1632 йилда усмонлилар ихтирочи-муҳандиси Хезарфен Аҳмад Чалабий ўзига қанотлар ясаганча, Босфор устидан учиб ўтади. У Фалати минорасидан сакраб, Истанбулнинг Осиёдаги қисмигача учиб боради. Одамлар унинг бўғоз узра учиб ўтиш орзуси устидан кулишган эдилар. Кулгучилар ерда қолишли, бизнинг қаҳрамонимиз эса булултарға тенглашди ва султон Мурод Тўртинчи томонидан олтин тангалар солинган халтacha билан мукофотланди. «Чироқларим, ўзингиздаги Хезарфенни асранг. Сизга ишонмаганларнинг гапларига қулоқ солманг ва тез-тез бошингиз узра қараб қўйинг – у ерда юлдузлар бор».

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Отам айтардики, саёҳатда кўзланган манзил эмас, йўлнинг ўзи муҳим. Мен бу фикр билан ўзимнинг кундалик уйдан денгизга ва Хотиралар ғорига қилган саёҳатларимни эслаган қўйи келишолмасдим.

Денгиз соҳилидан қайтган заҳотим, албатта, Хотиралар ғорига чиқиб олардим. Дараҳт шохидаги ўтирганча, Абшерон шамоллари олиб келган хотира-ларни тинглардим. Улар уйчага турли жойлардан: дебраза ва тирқишилардан, адашиб учиб кирган ниначи қанотлари билан бирга пайдо бўларди. Соатлар мобайнида мен бир оламдан бошқасига кўчиб ўтардим. Бу нима эди? Зерикишдан қочишми? Нажоткор хаёларми? Битта нарсани яхши биламан: айнан Хотира-лар ғорида мен оламларни яратишни ўрганганди.

# 16

*Орзу меҳнат талаб қиласи.*

Етмиш ёшидан кейин Асад бобом телевизорни ёқтириб қолди. Телевизор қаршисида узоқ ўтирганча, янгиликларни ёки денгиз ҳақидаги қўрсатувларни томоша қиласарди. Бувимнинг рашки келар, ошхона тарафдан туриб тўнғилларди: «Бунаقا иштиёқ қаердан, эй Худо? Куни билан қутига термилгани термилган! Илгари ишга банд эди, сузарди ва рўзгорга қарашарди. Энди эса уй қизига айланди қолди. Кунига бир маҳал неваралар билан денгизга тушади, холос. Ҳаммасига яшамагур менисқ сабабчи!»

Бобом етмиш бир ёшга етганида тиззаларининг кўзидағи товоқчасига дарз кетганидан юришга қийналарди. Докторлар операция қилиш кераклигини айтишди. Операциядан кейин эса бобомнинг оёғи яхши юролмайдиган бўлиб қолди. Денгизда сузиш ва чуқурликка шўнғишларни унутишга тўғри келди. Шундай қилиб, Асад бобом телевизорга ошиқ бўлиб

## **Элчин САФАРЛИ**

қолди. Сувости оламининг хуморини шу йўл билан даъволарди.

Уйимиздаги катталар унинг қандай жасур киши бўлиб ҳам дардга енгилганига ҳайрон қолишарди. Бувимнинг таниши бўлган, ўзини астролог, деб атайдиган малласоч маҳмадона кампир бобомнинг ҳолатини Сатурннинг қандайдир даври билан боғлаб, шанба кунлари қарғалар ёки қора тулпорларни егулик билан сийлашни маслаҳат берди. Кейинги дам олиш кунлари бувим бир челяк ивитилган нонни кўтарганча, қарғалар макони бўлмиш ахлаттепага йўл олди. Ойими эса қора аргумоқ кўриб келиши учун отчопарга жўнатди.

Менга Асад бобомнинг янги машғулоти роса маъкул келди – энди биргаликда кўп вақт ўтказардик. У бурнига қўзойнагини қўндириб олганча, чой ичар ва зангори экранга маҳлиё бўлар, мен эса ёнида ўтирган кўйи унинг хиссиётларини кузатардим. Бобом кўраётганларига очиқ ва овоз чиқарганча, ўз муносабатини билдиради. Янгиликлар пайти хитоб қиласарди: «Одам атроф-муҳит меваси. Яхши муҳит яратинг – яхши жамиятга эга бўласиз!» Бирор машҳур одамнинг мashaққатли умр йўли ҳақидаги кўрсатувни

## ДЕҢГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

шундай шарҳларди: «Баъзан одам ўзига аслида нима кераклигини билишни истамайди. Шундан у хотиржамроқ бўлади».

Мен унинг сўзларини мороқ билан тинглардим ва тезроқ июль келишини кутардим. Чунки ўша пайтда бобом билан автобусга ўтирганча, тўрт юз километр жанубга – қадимий ўрмонлар билан қопланган тоғларга йўл олардик.

У ерда бобомнинг дўсти – Ҳусайн бува яшарди. Куш тумшуғига ўхаш бурни остида ингичка мўйловчаси бор қария эди. Ҳусайн бува жуда чаққон ҳаракатланар, улкан шамшод дараҳтларига бир нафасда чиқа олар, қалин дараҳтзордан келаётган шовқинларни тинглаб, у ерда бирор қоплонга ўхаш йиртқич бор-йўқлигини аниқ айтарди. Бир пайтлар у қоплонларни овлаган, аммо ғазабга тўлган урғочи қоплон унинг болдирида чуқур яралар қолдиргани сабаб, бу ишини ташлаган. Милтигини сувга чўктириб, ўзини ўрмон ва унинг жонзотлари хизматига камарбаста қилган эди.

«Илгари овда жониворларни осонлик билан ўлдирдим, аммо бугунга келиб билдимки, бу ўзингни

## **Элчин САФАРЛИ**

англашдан кўра осонроқ эмас экан», – дейди бизнинг мезбон бува.

Хусайн амаки тоф тепасига уч хонали уй қуриб, хотини билан кўчиб ўтган. Бобом иккимизга энг тўр тарафдаги – деразалари сариқ атиргуллар билан куршалган хонани ажратарди.

Уй олдига асалари уялари қўйиб чиқилганди. Мен нафас ютган ҳолда асалари уяларига яқинлашар, ғўнғиллаётган асаларилар ишини кузатардим. Менга уларнинг ҳар бири дам олиш кунлари ва соатларисиз ўз орзулари учун тинмай ишлаётган каби туюларди. Бундан илҳомланганча, бобомнинг олдига чопардим.

«Асаларилардан кўп нарсани ўрганса бўлади, чироғим. Одам улғаяркан ўзини-ўзи яратиб, сайқаллаб бораверади. Нима бўлган-бўлмаганлигини нима аҳамияти бор. Ўтган ўтди-кетди, у ёққа қайтишнинг нима кераги бор? Ўз ютқазишларингни бошқа сабабларга рўкач қилишдан маъно йўқ. Бунга ўз дангасалигинг ёки ўзгаришни истамаслигинг сабаб бўлиши мумкин, холос. Орзу меҳнат талаб қиласди... Чироғим, айланиб келиш пайти етди, тура қол».

Хусайн амаки бизни ўрмон бўйлаб худди ўз уйидек айлантириб юарди. Бобомнинг оёқлари оғрий бошлаганда отга миниб олар, мен эса имкондан фойдаланиб, югура-югура олдинга ўтиб кетардим. Темир дараҳтлар пўстлоғини қоплаб олган моҳларни кузатарканман, ўрмон алвастилари бўлмиш – гулейбанлар ҳақидаги хаёлларни бошимдан қувишга ҳаракат қиласлардим. Шарқ афсоналарига кўра, алвастилару иблислар ўзи билан игнатугма олиб юрадиганлардан ўзларини олиб қочишар экан. Менинг игнатугмам эса шимимнинг олд томонига –ҳамма кўринарли жойга қадаб қўйилган эди.

Тунлари биз қўй жунидан тўқилган одеялларни ёпинган кўйи уйқуга кетардик. Тоғдаги салқин тунларда бошим ёстиққа тегиши билан ухлаб қолардим. Тонг отиши билан уйғонардим. Кўзимни очмасдан ўрмон томондан келаётган ажойиб товушларни тинглаб ётардим. Хусайн амакимнинг намоз ўқиши уларга қўшилиб кетарди. Бу сўзлар маъносини тушунмасамда, ўзимнинг раҳматимни шивирлаб айтардим. Бу менда тонг билан бирга янги ҳаёт туғилаётганлигини хис қилаёганлигим туфайли эди.

# 17

*Ҳар нафас олишинг  
муҳаббат бўлсин.*

Бизнинг оиласизни бир неча авлодлари билан ҳаммадан ҳам кўра Иллюзия яхшироқ биларди. Кўп нарсани кўрган, эшитган, аммо сукут сақларди. Ҳар ярим соатда бонг урган кўйи деворда осилган ҳолда садоқат билан хизмат қилганча, эгалари ҳаётини кузатарди.

Жавобан Иллюзия кўп нарса кутмасди: катталардан – вақт-вақти билан унинг механикасини созлаб қўйишни, болалардан эса – унга қараб ўйинчоқларини отмасликларини хоҳларди. У эллик учинчи йилнинг қаҳратон қиши оқшомида, катта буви бўлмиш Паризднинг жиянчаси Саида қўлидаги копток билан ёнгоқ ёғочдан ишланган корпусга ўрнатилган ойнаси ни чилпарчин қилганлигини яхши эсларди. Паризд момо бу иш тиниб-тинчимас Сайданинг иши эканлигини ҳис қилганча, уни жазоламоқчи бўлганида, шумтака қиз барини Барон мушукка ағдарган, мушук эса ўралган газетадан калтак еганди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Иллюзия, деб – нақшиндор катта кағири тебраныб турадиган күхна девор соатини номлашганди. У оиласизда қандай пайдо бўлиб қолганлигини ҳеч ким билмайди. Уни немис соатсози Май ясаганди. Корпуси ёнғоқ дарахтидан қилинган, кағири тунждан ясалган, зарҳал юритилган пружина механизмига серия рақамлари ва устанинг номи зарб этилганди.

Сўна бувим Иллюзияни эҳтиётлаб сақларди ва ўлими арафасида илтимос қилди: «Нима бўлганида ҳам соатни сотиб юборма. Иллюзия аждодларимиздан ёдгорлик. Уни эҳтиётлаб ишлат, силтама. Аксинча, хафа қилиб қўясан».

Иллюзия уйдагилар билангина эмас, аzon билан ҳам тил топиша оларди. Яқинимиздаги масжиддан аzon янграй бошлиши билан у жим бўлиб қолар, кағири ҳам қўринмас, қўл ушлаб тургандек тебранмай тўхтаб турарди. Радио ва телевизор билан эса ҳеч чиқиша олмасди: ураётган бонги билан уларнинг овозини ўчириб қўймоқчидек, ишонинг-ишонманг, ҳар қандай техник мантиққа зид равишда кетма-кет бонг ураверарди.

Энди Иллюзия мен билан бирга яшаганча, ўз бонглари билан ўзимни уйдалигимни, кўпчилигимиз қадрига етмайдиган вақт учқурлиги, шу сабабдан ҳам

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

бебаҳолигини эслатиб туради. Вақтни қўлда тутиб, тарозида ўлчаб бўлмаслиги туфайли уни Сўна бувим Иллиюзия, деб атаган бўлса керак.

«Одамларга вақтни бошқара оладигандек, уни тоҳ тезлатиб, тоҳ секинлатадигандек туюлади. Вақт уларга тегишилдек, аслида эса аксинча. Чироғим, дақиқалардан унумли фойдалан. Вақтни исроф қилишинг билан орзуларингни ҳам исроф қилган бўласан. Севишга – шошил, ҳар нафас олишинг – муҳаббат бўлсин. Вақт шундоғам кам, уни жанжал ва ташвишларга, ўзгалар учун душманликка сарфлама.

Бизнинг саёҳатимизни бу қисми охирига етганида нима бўлади? Ўлим ҳақида ўйлашнинг кераги йўқ, бу нарса шундоғам юз беради. Унга тайёргарлик кўрмасанг ҳам бўлади – худди уйқудан уйғониш каби қабул қил».

Бу дунёдан ҳеч ким тақдирга битилганидан ортиғини олиб кетолмайди. Аммо ўзидан нимадир қолдириши мумкин. Агар фойдали ва илҳомлантирувчи нарса бўлса – янада яхши. Баъзан бутун ҳаёт давомида ҳорғин йўловчи унинг остида офтоб ёки ёмғирдан паноҳ топадиган дарахт экишнинг ўзи етарли бўлади.

## Элчин САФАРЛИ

Париждаги талабалик чоғларимда мен Монпарнас қабристонига бориб қолдим. Унинг кичик қисмida ғаройиб бир қабрга дуч келдим. Қабр устига тепасидан фаришта ҳайкали қараб турган мармар каравот қўйилганди. Каравотнинг тош тўшакларида башанг кийинган эр-хотин ётибди. Аёлнинг кўкрак ўйиги катта очик, эркак эса костюм-шимда, чап қўлида блокнот тутган. Қабртошга: «Пижонлар оиласи», дея ёзиб қўйилган.

Бундай дабдаба ким учун? Ёш бўлганим ёки қабрга катта эътибор қаратмайдиган, вужудга эса вақтинчалик нарса, дея қараганликлари учун боғланиб қолмайдиган ўлкада вояга етганим учунми, буни ҳазм қилолмадим.

Асад бобомдан бир куни ўлимдан қўрқмайсизми, дея сўрадим. Бобом жилмайди: « Чироғим, мен бошка нарса ҳақида ўйлайман. Яъни менга ажратилган муддат ичида қандай фойдали иш қила олишим ҳақда ўйлашим афзалроқдир. Бир пайтлар Румий ёзганидек, қабрни ердан изламанг. У қаердалигини биласанми? Дунёга нимани берсанг, ўша қайтади. Мен севиб яшашга ҳаракат қилдим. Қанчалар улгурдим – билмайман. Севгида ҳокимият ҳам, рашқ ҳам, нафсоният ҳам йўқ. Севгингни қанчалар сахийлик билан баҳам кўришсанг – у сенда шунчалар кўп қолади».

# **18**

*Үзингдан ҳеч құрқмагин,  
ҳеч қачон ёлғизмассан.*

Ўн тўрт ёшдаман. Бу Абшеронда кўрган энг совуқ қишим эди. Шимол шамоли хазри аёвсиз эсаркан, аёзли тарсакиси билан дараҳтларни «сийлар», юпун уйларнинг томини кўчириб юборарди. Бўроннинг буйруғига кўра, тўлқинлар гоҳ денгиз ичкарисига қайтиб кетар, дам соҳилга отилиб, тўғонларни ўпириб ташларди.

Январнинг тўртинчи куни Қаспий акваториясида-ги нефт қазувчи платформада ёнғин юз берганлиги ҳақида хабар келди. Бўрон туфайли газопровод узи-либ кетган, ўттиз уч абшеронлик киши тириклай ёниб кетганди. Ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари соҳил бўйлаб юурганча, денгиз уларнинг қадрдонларини қайтиришини илтижо қиласарди.

Ўша қиши бўйи Сўна бувим бирор марта ҳам бом-дод намозини канда қилмади. Уфқда илк нур пайдо

## **Элчин САФАРЛИ**

бўлиши билан бувим қўлларини осмонга чўзган кўйи такбирни бошларди.

Мотамнинг учинчи куни – мактабдан эртароқ қайтган пайтим, бувим ва бобомнинг сухбати қулоғимга чалиниб қолди. Бувим серажин қўллари билан Куръонни тутганча, унга эгилиб йиғларди. Жимгина ва овоз кўтармасдан дуо қиласарди. «Юрагимда алам худди денгиздаги хазридек түғён урмоқда. Ҳалок бўлганларнинг рухи ором топиши, яқинлари эса сабр топишлари учун ибодат қиласман». Мен портфелимни остоңада ташлаб, шамол қутираётган қўчага қайтиб чиқдим. Ҳеч нарсани ўйламасдан денгиз томонга чопдим.

Бошимда турли фикрлар қуюни чарх уради. Болалар ва қарияларни йиғлатиш ғирт адолатсизлик эканлиги ҳақида; кучлилар ожизларнинг нарсалари ни тортиб олиши – пасткашлиқ эканлиги ҳақида; кимдир ўлиши ва кимдир яшашда давом этиши, сенга ва яқинларинг тақдирига нималар ёзилгани номаълумлиги ҳақида, бундай шамоллар тинмай эсиб турадиган ярим оролда яшашдан тўйиб кетганлигим ҳақида ўйлардим.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

«Наҳотки бу хазри бизларни ўз ҳолимизга қўймаса? Одамларни қийнагани етар!» – менинг жаҳлим томоғимга келган, қаршимдан эсаётган шамолни енгандча, олдинга интилардим. «Сендан беркиниш жонимга тегди, эшитяпсанми, жонимга тегди! Мен мана келдим, нимани хоҳлайсан, айт! Гапир, қани!»

Денгиз бўйига бориб қолганимни сезмай қолибман. Зангори тусга кириб олган тўлқинларни отаётган денгиз – балиқчиларнинг қайиқларини парчалаб ташларди. Денгизнинг ўкраши қулоғимни батанг қилган, соҳилдаги қумлар шамолда учган кўйи юзларимга урилар ва кўзларимга кириб кетарди. Аммо мени тўхтатадиган куч йўқдек эди. Кутурган шамолга қарши тик турганча, бор кучим билан бақирадим. Жангга чанқоқ эдим.

Уйга аввалгидек қайтишимга ишонмасдим. Шундай ҳам бўлди. Ич-ичимгача ивигандим, оёғим яранган, кўзларим қумдан қизариб, иссифим чиқиб борарди. Шунга қарамай, ич-ичимдан ғалаба туйғуси порларди. Айнан ўша куни бўронлар аро мени кутаётган, йўл кўрсатаётган маёқни кўриб қолгандим. Ўзига имларди. У билан учрашув – вояга етишимнинг энг муҳим қисми бўлди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Иситмам чиқиб, томоғим шишиб кетди: на ея, на ича олардим. Ота-онам нима бўлганлигини, бўрон қутурган соҳилга нимага бориб қолганлигимни суриштиришарди. Мен финг этмасдим. Бу менинг олам тузилишидаги алолатсизликка қарши жангим эди. Кейинчалик англасам, бу менинг ўз-ўзим билан жангим экан.

Ўшанда қиши жуда оғир келганди, уни ҳеч қачон унутмайман. Шундан бери шамоллардан қўрқмайман, ҳар қандай шароитда ҳам уларга тик бораман. Шамол турли тарихлардан қулоғимга сўзлайди ва мен уларни қаламга оламан. Қайда бўлса ҳам кимдир ўзидан қўрқиши бас қилсин, ҳеч қачон ёлғиз эмаслигини билсин, дейман.

Уни Долға, деб чақиришарди ва ёз кунлари кўздан ғойиб бўларди. Бу – жигарранг қалин жунли, панжалари ғоятда кенг урғочи итнинг сут безлари осилиб тушган ва бир олам оналик меҳри билан тўла кўзларга эга эди. У Каспийнинг мана шу соҳилларига шунчалик содик эдики, уни дам олувчилар тарк этган қиши ойларида ҳам ушбу ерда кўрса бўларди. Бундай пайтда балиқчилар ҳам бўронли кунларни уйда ўтказиб, осуда пайтлардагина камдан-кам балиқ овига чиқишишарди.

Долға денгиз билан у ўз-ўзига биқиниб олганча, соҳилдан анча олиста кетиб қолган пайтларда ҳам бирга бўларди.

Июнь бошланиши билан Долға Абшерон соҳилларидан ғойиб бўларди. Шу билан фақат сентябрда, яъни узилмай қолган анжирларнинг ўзи узилиб тушиб, гилавар шамоли уларни қум билан кўмадиган пайтида пайдо бўларди. Бу ердагиларнинг иримига

## Элчин САФАРЛИ

кўра ёмғир теккан анжирларни еб бўлмас, шунинг учун уларни эртароқ териб олишар, бу пайтда ҳали хомроқ бўлганларигина шохида қолар, бола-бақралардан омон қолганлари ўзи пишиб, ўзи тўкиларди.

Долғанинг ёзда ғойиб бўлиши ҳақида биз болалар турли тахминларни бичиб-тўқирдик. Баъзилар Долға бу пайтда соҳилда дам олувчилар кўпайиб кетгани учун ғойиб бўлади, деб тахмин қиласди. Дам олувчиларга бу дайди ит ёқмай, уни тутиб олишлари ва йўқ қилинишини талаб қилишлари, шу билан денгизни бошқа кўролмаслигидан қўрқсан бўлиши мумкин.

У ўлимдан қўрқарди. Ўлимдан кейинги ҳаётда денгиз бўладими-йўқми, Аллоҳ билади. «Мана, одамлар ўлим ҳақида гапиришганида уларни кўмишлари, ўзлари эса осмонга чиқиб кетишлари ҳақида айтишади. Осмонда қанақа денгиз бўлиши мумкин. Думим ҳақи айтаман, у ерда ҳеч қанақа денгиз йўқ».

Айрим болалар июнь қуёшининг нурлари Долғани сув парисига айлантириб қўйиши ва у Наргин оролининг ғарбида минг саккиз юз саксон тўртинчи йили қурилган Сирли маёқ ёнида яшаш учун сузиб кетишини тахмин қиласди.

Қариялар уруш пайти немеслар Сирли маёқни шортлатишгани ва йиллар ўтиб абшеронликлар уни қайта тиклашгани ҳақида сүзлаб юришарди. Бизларни Наргин ороли жуда қизиктириб, ўзига чорласада, аммо биз ундан құрқардиккина әмас, у томонға қарашга ботинолмасдик ҳам.

Бириңчи жағон уруши пайтида орол ҳарбий асирлар лагерига айлантирилған әди. Аксарият асирлар бу ерда очликдан, чанқоқлик ва илонлар чақишидан вафот этишган. Осуда тунларда Наргин томондан ўлған аскарларнинг безовта рухларини фарёди эшлилиб турарди...

Долғанинг ёз кунларида ғойиб бўлиши ҳақидаги тахминлар кўп бўлса-да, ҳақиқат сирлигича қолаверди. Аммо абшеронликлар итнинг дengизга бўлган муҳаббатига қойил қолишарди – Долға дengиз қутираётган, шамол эса қумли тифи билан ҳужум қилаётган, балиқчилар қайиқларини синдираётган, кутқарув минораларини ағдариб ташлаётган пайтида ҳам соҳилни ташлаб кетмасди. Одамлар ҳам, бошқа итлар ҳам иссиқ бошпаналарига биқинган бир пайтда, фақат Dolғagina бор кучи билан панжаларини нам ва оғир қумлоққа ботирганча, соҳилда қоларди. Ҳаётини дengизсиз тасаввур қила олмасди.

## Элчин САФАРЛИ

Бўрондан кейингитонгда қулоқлари йирингга тўлган ва ўпкаси хириллаётган ит қум босган кўзларини базўр очарди. Роза аммам тўрт оёқли жабрдийданинг олдиға чопиб бориб, кўтариб оларди ва уйига олиб кетарди. Унга иссиқ товуқхонасидан жой тўшар, кўзларини мойчечак дамламаси билан ювар, қулоқларини тозалар, суякли шўрва билан қорнини тўйдирарди. Ит эса меҳрибон қўлларни беҳолгина ялар, эшитилар-эшитилмас тарзда улиб қўярди. Оғриқдан эмас, албатта. Жонивор шу ҳолида ҳам денгизни соғинарди.

Учинчи тонгда у бари бир қочиб кетарди. Долға учун пиширган бўтқани бошқа итларга беришга мажбур бўлган Роза аммам ёдига келган эски сўзларини такрорларди: «Ит садоқати сарҳад билмайди». Аммам йилдан йилга, бўрондан бўронга ўтганча, ҳеч бир уйда қўним топмаган Долғани парвариш қиласди.

Навбатдаги бўрондан кейин Роза аммам Долғани излаб яна соҳилга келди. Ит эса умуман кўринмасди. Ўша кеча денгиз – соҳилга ёпирилган ва севгига тўла юракли итни ўзи билан олиб кетганди.

Долға ўлмаган эди. У Каспий билан то абадга қўшилиб кетганди, холос.

*Салом, менинг дўстим!*

*Бизда кулранг жалалар ерни савалаб ётибди. Да-рахтлар эса бошини ергача хам қилган. Дайди итлар баҳтига айрим уйларнинг томи ерга сирғалиб тушиб, остига улар кириб беркинади ва бўрондан кейин ерга қулааб тушган қушларни ейиш учун пайт пойлашади.*

*Агар жуда зарур бўлмаса – кўчагаям чиқмаймиз. Фақат тўғри ибодатхонагаборамиз ва ортга қайтамиз.*

*Бугун тонгги ибодатдан сўнг, ашрамда ёрдам бериб юрадиган Жорж билан суҳбатлашдим. Тўрт тилни биладиган малла полиглот. Маёқлар ёруғини пайқолмай қолган одамлар ҳақида гаплашдик. Ҳаммаси қалин туманда қолганда нажот учун узатилган қўл ҳам кўринмайди.*

## Элчин САФАРЛИ

Жоржнинг айтишича, ҳаёт маъносини йўқотган одамлар бошқалар учун яшаши керак экан. Яъниким, бундай ҳолат – Яратганинг ҳақиқий инояти: одам ўзи учун яшаши бас қилиб, бошқалар учун хизмат қиласади. Мен уни тингладим ва... рад этдим.

Дўстгинам, ўзгалар учун яшайдиганлар раҳмимни келтиради. Сиртдан бу иш кони савобдек. Бундай кишилар билан яқиндан танишгандан сўнг, улар қанчалар бунга ишонтирмоқчи бўлишиса-да, баҳтли эмасликлари ни пайқадим. Ноҳақлик. Ҳар биримиз биринчи навбатда ўзимиз учун баҳтли бўлишишимиз лозим, кейингина уни бошқалар билан бўлишиши мумкин.

Соҳта авлиёлар баҳтсизларнинг аҳволидан фойдаланган ҳолда ўзликларидан кечганча, Яратганга хизмат қилишига чақиришилари даҳшат. Ботиний тушунмовчиликни қалбни йўқотганликка йўйган кўйи одамларнинг калласини гаранг қилишади. Қалб йўқолмайди, у ҳамиша ўзимизда, унда нур бор. Аммо қийинчиликларни енгиг ўтишини ўрганиш керак.

Худо қурбонликлар ва таъзимларга муҳтож эмас. Худо хоҳлайдики, биз бир-биримизни севишимиш шарт. Зеро, биз унинг заррарларимиз. Демак, биродаримизни севган пайтимиз – Аллоҳниям севган бўламиш.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

*Шу билан биргә рұхан түшкүнликка тушғанларға ижтимоий хизматтар, масалан, болалар уйларидаги ёки үйсиз жониворлар учун бошпаналардаги волонтёрлик ёрдам беріши мүмкін. Шунда улар ўзларининг керакли эканликларини англайдилар. Таңқи олам билан алоқага чиқадылар – ўзларининг қайғулы ўйлари билан ёлғыз қолишшамайды. Аммо бу ишда ҳам мувозанат мұхимдір.*

*Үзини мутлоқ рұхоний деб атаган ва «Яратғанга хизмат қиласын», деган бақона билан ер ҳаётидан воз кечғанлар – аслида ана шу мувозанатни йүқтөтган. Дүстім, заминий ҳаётни тұлақонли яша, оламга зийрак ва меҳрибон бўл! У ҳам сенга худди шундай жавоб қайтаради.*

*Ёзиш услубим насиҳатомуз чиққан бўлса – узр. Мен ишонч ва шубҳалар мавжуд бўлған фикрларим билан ўртоқлашыпман. Менга ёз. Фикрларинг мен учун жуда ҳам қизиқ.*

Аким

*Салом, дўстгинам!*

*Агар Истанбул – бу юпатувчи шаҳар бўлса, Ҳиндистон – уйғонишидир. Бу ерда кўп йиллардан бери ҳис қилганим – димиқишидан халос бўлдим. Ҳиндистонда бирор майдада ишни катта муҳаббат билан қилишини ўрганасан. Айборларни излашни бас қиласан ва ақлгамас, қалбга саволлар берасан.*

*Бу ерга кел, дўстим. Гарчи, ҳар кимнинг ўз Ҳиндистони, ўз уйғониши ва ўз халос бўлиши мавжуд.*

*Агар қарши бўлмасанг, бу мактубимда халос бўлиши ҳақида ёзаман. Ўзингдаги ўзгаликдан.*

*Соҳта ғалабалар ортидан пойга қўйган пайтда ўзлигимизга ёт бўлган қобиқларга ўралиб борамиз. Йиллар оша бу қобиқлар туфайли юришишимиз, нафас олиши-*

Уйдан чиққан захотим сұхбатларнинг барчаси бўхрон бўлиб туюлар, пуллар ва нефт нархлари, қўшни давлатлар орасидаги келишмовчиликлар ҳамда тан олинмаган геноциidlар ҳақидаги оlamга тушиб қоламан. Ҳар нарса ҳақида гаплашишади, фақат муҳаббат ҳақида эмас. Моддий таъминот – муҳим омил, бўхрон ҳам юз бериб турибди. Аммо хаоснинг манбаси ташқи дунёдамас, бизларнинг ботинимизда, буни эса ҳамма ҳам ўйлайвермайди.

Шунинг учун кўплар имтиҳондан ўта олмайдилар. Чунки вазият қанчалар мураккаб бўлса, бизлар ҳам шунчалар ўзимиздан, одамлардан ва атроф-муҳитдан аламзада бўлаверамиз. Дунёни жангга чақирамиз, аслида ўзимизга қарши жангга чиқамиз ҳамда ютқазамиз.

Урушларда ғолиблар бўлмайди. Шундай бўлиб тую-

## **Элчин САФАРЛИ**

лиши мумкин – бу шунчаки ақлнинг иллюзияси, бу ерда юракнинг айби йўқ.

Нафратланиш – севишдан кўра осонроқ; баҳслашиш – қучишдан кўра соддароқ; вайрон қилиш – барпо қилишдан кўра жўнроқ. Одам табиати шунаقا. Олам унинг ўзгариши учун эшигини қанчалар тақиллатмасин, кўр ва кар бўлиб қолаверади.

«Итюрак» фильмидаги Юлий Ким шеъри асосида қўшиқ бор: «Кейинги йиллар яна-да оғир». Нефт арzonлашадиган, бўхрон ўтиб кетадиган, геноцидлар тан олинадиган вақтни кутманг. Ҳозирнинг ўзида жилмайинг, ёнингиздагини қучоқча олинг, олисдагиларни хаёлан қучинг. Шунингдек, пирог учун хамир қоринг, ҳароратли хатларингизни почта қутисига ташланг ва кимдандир хафа бўлсангиз – уни кечиринг. Кўзларингизни бир дақиқага юминг, очгандан кейин эса ҳаётни янгидан бошланг. Ҳаётга жуда жиддий ёндашманг, ундан ўзгача маъно, ортиқча фойда ва қасос ахтарманг.

Шунчаки яйраб яшанг, табассум қилинг ва севинг.  
Булар сиз учун ҳеч ҳам қийин эмас.

# 21

*Гүзаликка зарар етказма,  
умрини узок қил.*

Айнан қайсилигини аник эслолмайман-у, бироқ қиши ойининг шамолли ва совук тонги эди. Қолган нарсалар майда-чуйдасигача эсимда қолган. Ўша тонгда эса алоҳида эсда қоларли нарсанинг ўзи ҳам бўлмаган. Мен анча пайт бетоб ётганимдан кейин, боғимизга эндиғина чиққан эдим. Бўйнимни шарф билан ўраб олганман, буқчайиб юрадим ва мендан эвкалипт мойининг ҳиди анқиб туради.

Уйимиз ортида каттакон эвкалипт ўсарди. Сўна бувим куз пайти унинг баргларини териб олиб, шиша банкага зичлаб солар, устидан ўсимлик ёғи қуяр ва йигирма кунча тиндириб қўярди. Баргларни қўллари билан сиқиб, матодан ўтказсалар – шифобахш элек-сир пайдо бўларди.

Бетоблигим туфайли бошга тушган мажбурий уй қамоғидан халос бўладиган куним эди бу. Ойим-ку

## **Элчин САФАРЛИ**

ўша куни мени кўчага чиқармоқчи эмасди, аммо хеч бўлмаса боқقا ижозат бермаса, мен денгиз бўйига қочиб кетишими тушуниб етганди. Мен билан келишиш мумкин, лекин ушлаб қолиб бўлмайди.

Ботинкаларим зиналарда сирғанади, улар остида музлаган қор ғирчиллайди, аёзли ҳавонинг заҳридан сал-пал бошим айланади. Йўлбарс итимиз чопиб келади ва оёғимга оҳиста суйкалади. Мен билан ёнма-ён – худди мени қўриётган каби қадам ташлайди.

Курткам чўнтағида ҳозиргина духовкадан чиқсан гўштли сомса бор, итимиз бундай егулик учун ўзини томдан ташлайди. Беш-олти қадамдан кейин ит чўнтағимдан келаётган сомса ҳидини сезиб қолади ва тумшуғини курткамнинг этагига қадаганча, ғингший бошлайди. «Очофат, хеч бўлмаса скамейкага етиб олай!»

Қорга бурканган боғимиз оқ-қора тусда. Оқ ранг кўпроқ – кўзни қамаштиради, совуқ ҳаво билан ичинингга суқилиб, севги учун жойни кенгайтиришга ҳаракат қиласди.

Скамейка устига Асад бобом бостирма ўрнатгани учун у қуруқ, салгина музлама бор, холос. Қўлимга

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

иссиқ қўлқопимни кийдим-да, ит иккимизга жой то-  
залайман. Кейин ўтирганча, сукунатдан лаззатланам-  
из. Катта-катта лайлак қорлар қўнғир тепачалар  
устига қўнган кўйи ҳамма ёқни оқقا буркайди. Ит ва  
менинг изларимизни оптоқ қор қоплай бошлайди.

Қаршимда музлаган, аммо ҳамиша яшиллигини  
сақлайдиган зайдун дарахти турибди. Қишининг бир  
туслигига қарши ўлароқ, у ҳаётсеварлиги билан  
уйқусизликка дуч келган гўзал аёлни эслатганча, аж-  
ралиб туради. Боғнинг бошқа ўсимлик дунёси уйқуга  
кетган бир пайтда, зайдун совуқдан титрамайдиган  
кунлар келишини кўз юммасдан кутиб олмоқда.

Қища тош деворларнинг тирқишлирага қор пар-  
чалари кириб олиб, қуёш нуридан яширинганча, би-  
рор ҳафталар яшаб қоларди. Мен бундай умри калта  
гўзалликка озор бермаслик учун бошқа томонга нафас  
чиқариб, томошани давом эттирадим.

Ўша куни деворга яқин боргим келмади. Менга аж-  
ратилган вақтнинг асосий қисмини итим билан қор  
ёғишини кузатиш билан ўтказдик. Бу лаҳзаларда бар-  
часини худди ҳар бир майда-чуйдасигача эслаб қолиш  
учун четдан туриб назар солдим. Хаёлан «осудалик»

**Элчин САФАРЛИ**

сўзига мос келувчи манзарани чизгандек бўлдим.  
Кейинчалик қачонки осудалик етишмайдиган бўлса,  
уни мана шу хотиралардан оладиган бўлдим.

## 22

*Сени ҳали ўзинг билмайдиган  
кўп нарсалар кутиб турибди.*

«Тонгда уйғондим, түшагимни йиғдим-да, кииндим ва шаҳарнинг бошқа четига, тўғрироғи, чала қолган кўп қаватли қурилишлар мавзеига қараб жўнадим. Улардан энг баландига чиқиб бордим, пастга сакраш учун четига келдим. Мени ўртаётган оғриққа чек қўймоқчи эдим. Кўзларимни юмдим, сўнг олдинга юрдим... Охирги сонияда ортга қадам ташладим. Деворга суюнганча, ўзимга четдан назар ташладим – эзилган, хунук ва буқчайган ҳолатда эдим. Кулранг бетонга қор парчалари учиб тушарди. Қисқагина вақтга чўзиладиган қор гўзаллигига термула туриб, кўз олдим қоронғилашгандек бўлди. Ҳамма ҳам ундан ўзига яраша ҳолатда ўтади. Шундан кейин ҳаётга худди мўъжизадек қарай бошладим. Қайта туғилдим».

Кичкина ошхонадаги печкадан тафт таралади. Деразалар ортида яланғоч дарахтлар, дераза рафида-

ги тувакларда ирислар оппоқ бўлиб очилган. Столда саҳифалари юз тубан ҳолда китоб ётиби. Кулранг матоли жилдда кўк ёзув: «Тўлқинлар». Эрон шоираси Форуғ Фарроҳзоднинг шеърлари. Роза аммам чойнакка сув тўлдириб, оловга қўяди.

Китобни оламан. Сарғайган саҳифалар. Ўттиз олтинчи бет, тагига қалам билан чизилган сатрлар. «Сен – денгиз тўлқини, сен – бўрон мавжи,/ Асов ва бўйсунмас долғасан./ Кўрқмас умидлар шамоли қояларга урилиб,/ Сени ўзи билан олиб кетар йироқقا».

Роза аммам ёшлигидан Эрон шеъриятига қизиқишини бизнинг оиласидагилардан ҳеч ким билмасди. Ўзининг бундай сентментал дунёқарашини яшириб келганди. Биз уни хушчақчак, бир қоп ёнгоқдек шақир-шуқур ҳолда кўриб, ўрганиб қолгандик. У ўткир латифалар айтар, тоғликларнинг қўшиқларини боплаб ижро этарди.

Унинг ягона ўғли Довуд ўн беш ёшга тўлган куннинг эртасига ҳамишаликка денгиззга кетди – ўрама уни сув тубига сўриб олиб, қайтиб бермади. Роза аммам ўзига қамалиб олди. У аввалгидек ишига қатнар, яқинларини турли пишириқлари билан сийлар, бирга

сайрга чиқарди, аммо ҳазил-хузулсиз, қўшиқ ва кулгу-ларсиз қолганди.

Мен Роза аммам билан талабалик йилларимда яқинлашиб қолгандим: балоғатга етганимдан сўнг уни бутунлай бошқача кўрдим. Ўйчан, вазмин ва ювош тортган ҳолда. Мовий кўзлари серкипприқ, ортига ту-гилган узун ҳамда оқ оралаган соchlар. У бармоғидан ёкут кўзли олтин узугини ечмас, бошига оқ келагай ташлаб олар, «Аҳволлар қалай?» деган саволга бирдай: «Эртага бундан ҳам яхши бўлади», дея жавоб берарди. У Истанбулда анча пайт яшаган, аммо ўғли туғилиши билан Абшеронга қайтиб келганди.

«Бир гал газетада америкаликларнинг 1776 йилдаги декларациясиغا кўзим тушиб қолди ва мана бу парчасини эслаб қолдим. «Барча одамлар тенг қилиб яратилгандир. Яратганинг уларга яшаш, озодлик ва баҳтга ҳуқуқли эканликларини таъминлади». Денгиз Довудимни олиб кетганида, мен ҳам унинг ортидан кетишни истаб қолдим. Аммо бу қўлимдан келмади... Баҳт бошқача тушуниладиган ўзга ҳаёт бошланди. Унда «ҳозир», деган тушунча кўпроқ.

Биз ўзимизни ва вақтимизни бўлиб ўтган ва бўлажак воқеаларга сарфлаймиз, доим ўша ёқдамиз, бу ердамас. Келажак ҳақида фантазияга бериламиз, ўтмишга қайғурмиз, айни кунларни эса қўлдан чиқарганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Чироғим, ўз баҳтиңг учун ўзингдан бошқа ҳеч қим қайғурмайди, шуни яхши билиб ол».

Роза аммамнинг қўлида макка уни олтиндек товладади. Унни элақдан ўтказгач, бир стакан буғдой уни, туз ва эллик граммча зайдун ёғи қўшиб, илиқ сувда ҳамир қоради. Ҳамир тобига келгач, улардан зувалачалар узганча, тахтага териб чиқади. Зувалалар дам олтунича, биз анжир мураббога қўшиб чой ичиб оламиз.

Роза аммамдан сўрайман: «Мана, сиз қанча кўргуликларни бошдан ўтказдингиз... Ҳаётдан норозиликка борганмисиз?» Роза аммам банкадан қуюқ мураббони пиёласига силтаб тушириб олади. Деразадан февралнинг уйқучан қуёши мўралайди. «Ҳаётни тушунмаган пайтларим бўлган, аммо ундан сира норози бўлмаганман. Менимча, бу туйғу ҳаёт билан келиша олмайди. Ҳаётдан норози бўлсанг, яшашдан нима маъно чиқади?!»

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Роза аммам юраги парчаланган кимсанинг кўзлари  
т’оят чиройли бўлиб кетиши ҳақида ҳикоя қилади.

«Биласанми, ўшандা мен нега пастга сакрамаганман? Менга кимдир олдинда ҳали чиройли ва ажойиб кунлар борлиги ҳамда тонглар кутиб турганлигини шивирлагандек бўлди. Ҳали севмаган кишиларим, ҳали хаёлимга келмаган орзуларим кутаётганлигини айтди. Мен ҳали билмайдиган қанча нарсалар кутаётганлигини ваъда қилди. Мен бу овозга ўзимни ишонтирдим. Шундай ҳам бўлиб чиқди.

Пали тилида «баҳт» сўзини духкха, яъни «хасталик», деган сўз ифода қилади. Бу дегани ҳаёт азоблардан иборат, дегани эмас. Бу ҳар бир якунда, гарчи у азобли бўлса ҳам, янги ҳамда баҳтли ибтидо яшашини билдиради».

Роза аммам зоғора кулчалар учун зувалачаларни яссилайди ва қизиган ёғда икки томонини бир дақиқадан қизартириб олади.

«Мен хамир билан бандлигимда, сен ертўладан қўй сути пишлоғини олиб кел ва сузмадан мен ўргатгандек соус тайёрла. Эсингда тургандир, чирогим?»

## Элчин САФАРЛИ

Эх, сузма! Сўна бувим уни қишлоқликлар келтирган янги уютилган қатиқдан тайёрларди. Чучуккина бу қатиқни емабсиз – дунёга келмабсиз. Куз қатиғи куёвга ҳам бергусиз, дейишади. Бир банкасини ўша заҳоти ичиб қўярдик, бошқасидан эса сузма қилиб олардик.

Бувим қатиқقا туз қўшиб, уни қалин матодан тикилган халтага солганча, илиб қўяр, томчилаган зардобнинг йиғилиши учун тагида коса турарди. Ҳатто зардobi ҳам шифобахш эди. Уни қон босимга қарши ичиш, юзга суриш, соч ювиш ва сарғайган ваннани тозалашда ишлатиш мумкин бўлади.

Одатда бизнинг оилада суzmани нонуштага тортишарди, аммо уни турли суюқ овқатларга ҳам қўшар эдилар.

Сузмани вилка билан енгилгина аралаштираман, майда туғралган шивит, қирғичдан ўтказилган ва сиқилган бодринглар қўшаман. Саримсоқнинг битта тишчаси майдаланиб, озгина доғланмаган зайдун ёғи аралаштирилганидан кейин, зоғора кулчалар учун соус тайёрланади.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Аммам ишимни кузатади, жимжилоги билан татиб  
күради ва бошини иргаб қўяди – зўр!

Роза аммам қиласиган зогора кулчаларни бошқа  
ҳеч жойда емаганман. Бир пайтнинг ўзида юмшоқ ва  
қарсилдоқ, қип-қизил, аммо куйиб кетмаган. Сўз би-  
лан ифодалай олмайсан – чинакам қўллар сехри.

\* \* \*

Аммам сукунат билан даволанади. Роза аммам ун-  
дан ердаги ташвишлар орасида учрамайдиган нарса-  
лар – тушунишни, беғаразликни, муолажани топади.  
Ўзини ёмон сеза бошладими – сукунатга ўнгийди.  
Ўзи билмаган ҳолда Роза аммам кўрган, эшигтан ва  
бошидан ўтказганларини ҳикоя қилиш асносида ёлғиз  
қолишининг гўзаллигини ҳис қилишимга ёрдам берди.

«Истанбулнинг марказида пиёдаларнинг узундан-  
узун Истиқлол кўчаси бор. Бу кўча яралганидан бери  
осудалиқдан маҳрум, одамлар қуруқ сафсатавозлик  
эвазига уни сукунатидан маҳрум қилишган. Мени бу  
ерга уйқусизлик шамоллари ҳайдаб келганди. Мен  
кўча гитарчилари ёнига ўтириб олганча, қовурилган  
каштанлар ва қайнок қаҳва ҳидлари таралаётган  
кўча ҳаётини кузатардим. Бесарҳад чексизликда

## **Элчин САФАРЛИ**

ҳамманинг ўз вақти бор. Ва ўша вақт – энг қиммат, ажойиб ва чинакамдир. У бизнинг уйимиздир. Уни шаҳарнинг тор кўчаларидан эмас, балки ботинингдаги сукунатдан изла».

# **23**

*Севги ҳамма эшикларни тақиљлатади,  
аммо уни очмайдиганлар ҳам бор.*

Ховлидан уйга қайтиб, меҳмонхона томонга югуриб ўтаман. Илиққина хона, юзига седана сепилган иссиқ нон ҳиди анқийди. Бувим дастурхон тузамоқда, хонада телевизор шовқин солади. Экранда кино кетяпти. Оқ-қора тасвиirlар. Фрак кийиб олган эркак тиз чўкканча, ҳашамдор кийиниб олган аёлга дил изҳори қилган кўйи белидан қучади. Мен беш ёшдаман. Нималар юз берәётганини унчалар тушунмасамда, йўл-йўлакай тахмин қилиб бақираман: Севги! Сўна бувим ортимдан келиб, кетимга шаппатлайди. «Қани, дарров қўлингни ювиб кел-да, дастурхонга ўтири!»

Бувимнинг айтганларини бажариш учун шошилсам-да, фикри-хаёлимда севги ҳақида фикрлар чарх уради. Катталардан эшитганим, қайсиdir китобларда ўқиганларим ва қўшни қизча – Парвонага бўлган туйғуларим мени хурсанд қилади. «Йўқ, булар севгимас, – дейди ички овозим. – Сен ҳали севги нима-

## Элчин САФАРЛИ

лигини асло тушунмайсан. Денгиз гўзаллигига ойна орқали қарайпсан. Унга яқин боролмайсан, салқин ҳавосидан нафас ололмайсан, чиғаноқлар товонингга ботмайди».

Сўна бувим менга угра ош қўйиб беради. Нон бўлаклари солинган саватчани, ошкўки, редиска ва оқ пишлоқли ликопчани олдимга суриб қўяди. «Ош бўлсин, бола!» Куюқ овқатни келтиришдан олдин, суюқ ошни ичиб бўлишимни кутади. Кўзларини экрандан олмайди. Экранда энди севгидан асар йўқ: отлар, тутун ва яна жанглар. Угра ошни ичаркан сўрайман: «Бувижон, мана севги унақа, севги бунақа, дейишиади... Мен-чи, ҳеч севганманми? Худди телевизорда кўрсатганидек».

Сўна бувим стулдан туради ва телевизорни ўчиради, сўнг устига тўр ёпинчиқни ташлайди-да, менга юзланади: «Чироғим, севги ҳаммà эшикларни тақиллатади. Шундайлар ҳам борки, эшикни очмайдилар. Бир хиллари унга ишонмайди. Бошқаларнинг эса бунга вақти йўқ, учинчилари эса қўрқишиади. Бундай одамларга ачинасан киши. Улар яшадим, дея ўйлаб-ўйлаб кўз юмадилар. Аслида эса улар аллақачон ўлиб бўлишган».

## ДЕНГИЗ ХАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Кейин бувим котлет ва картофель пюреси келтириш учун ошхонага жўнайди. Пюрега, албатта, бир чимдим зарчава сепади. Дастреб котлетни еб оламанда, бўшаган жойларга пурени текислаб, вилка билан айланада шаклга келтираман. Ликопчамда қишининг қўрғошин осмонида етишмай турган қуёш ярқираб пайдо бўлади.

# 24

*Хаёт баъзан қилкўприкка ўхшайди,  
муҳими эса қўрқмасликдир.*

Талабалик давримда дарслар орасидаги танаффус пайтлари абшеронча кяталар пиширишни ўрганиш учун Роза аммамнинг олдига чопқиллардим. Болалиқдан ўз қандолатчилик дўконим бўлишини орзу қиласдим.

«То тирик эканман, эслаб қолишга ҳаракат қил. Эркаклар аёлларга қараганда рецептларни яхши эслаб қолишади. Ҳа, шунаقا, ҳайрон бўлма! Улар ўргангандарига маъсулият билан ёндашадилар. Хамирга ўткинчи туйғуларини аралаштиrmайди». Аммам эркакларни кўпроқ ҳурмат қиласди – улар билан тезроқ тил топишишига ҳайрон қолардим.

«Мен – тамомила дадамнинг қизи эдим. Оилада уч бола эдик: Гулнор иккимиз эгиз ва сенинг отанг – акам эди. Дадамдан бир қадам ҳам ортда қолмасдим: унинг қўлларида ўтирас, овқатланар ва ухлаб қолардим. Бо-

## Элчин САФАРЛИ

лалик хаёлларим вояга етишим ва дадамга турмуш-га чиқишимни тасвиirlар эди. На ойим, на синглим ва на бошқа бир аёлга бу тасвиirlарда жой бўлмасди. Гулнорни кўпинча араз урарди, яъни у ҳам дадамни хоҳлар, аммо мен бутунлай дадамга эга чиққандим. Охири келишиб олдик: мен – дадам, Гулнор эса – акам билан турмуш қурадиган бўлдик».

Роза аммам ун, ёғ, тухум, шакар ва хамиртуруш-дан хамир қоради. Кўллари гўё рақс тушарди. Дурраси тагидан юзига тушган кокилларини пуфланча, хиргойи қилади: «Ҳаёт қил кўприк бўлса ҳам қўрқмагин ундан...» Хамир текис ва ялтироқ бўлиб чиқади. Устига бирор икки соатларча сочиқ ташлаб кўяди.

Энди кятанинг ичига солинадиган тўлмага ўтардик. Советилган ёғни аммам ванилин ва шакар билан кўпиртиради ва ун қўшади. Кўллари ғилан уларни ушоқ ҳолига келтиради. «Агар шошилиб қилсанг – бўтқа бўлиб қолади. Ўғлим, ҳеч қачон шошилмагин».

Роза аммам кўпчиган хамирдан олтида зувала узади ва доира шаклида ёйиб чиқади. Эритилган мой суртиб, ўртасига бир кафтча келадиган тўлмани қўяди-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

да, атрофидаги хамир билан устини беркитади. Кейин уни эзғилаб, кулча ҳолида яссилайди. Тепа қисмига эса тухум сариғи, ўсимлик ёғи ва шафран аралашмаси суртиб чиқади. Ёғ – ялтираши учун, шафран ва тухум сариғи тилла ранг бериши учун керак бўларкан. Кятани олдиндан қиздирилган духовкада йигирма минутча ёпиб оламиз.

Ошхонани тартибга келтиргандан сўнг, апельсин пўстлоғи солинган арғувон чой ичганча, яна муҳаббат ҳақида гаплашамиз. Айнан мана шу туйғу дарбадар йўлчига маёқ каби ўз уйи сари йўл кўрсатади.

«Чироғим, ўтган озми-кўпми ҳаётимда муҳаббатга бир қараща ва тасодифан ялпи чалинишни учратмадим. Масалан, севгида танлаш бор, бошқа бир одамни нимадир учунмас, балки у сенга яқин ва қадрдонлиги учун.

Мен севги деб атаган нарсалар кўп учраган. Кўпинча булар эҳтироснинг ёки худбинлигим меваси бўлган – ўзим эшитишнимас, мени кўпроқ тинглашларини истаганман. Румийда ажойиб сўзлар бор: «Дунёга эҳтирос кўзи билан қарама, ахир илоннинг ҳам бошида чиройли нақшлари бор, аммо захри ўлдирап».

**25**

*Фақат юракдагина сенга  
көрәкли йүллар харитаси мавжуддир.*

Иситмам тушди, вужудим ҳамон кучсиз, йўтал ўз ҳолимга қўймайди. Кўчага қўйишмайди ва мен дунёни соғинганча, тўшақда тўлғонардим. Табуреткани деразага яқин сурман-да, устига чиқиб қишки боғимизга кўз ташлайман. Ойна терлаганидан ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Енгим билан ойнани артаман. Ҳозир бир неча сониядан кейин қадрдон манзараларимни кўраман.

Биринчи ўринда, албатта, зайдун дарахтимизни, бобом уни қишки аёзлардан асраш учун поясига қизил шарфини ўраб қўйган; узум занглари чирмаб олган катта-кичик тошлардан терилган деворни; қиши пайти сал-пал занглаган темир ҳалинчакни, бобом баҳорда уни яна сариқ бўёқда бўяб чиқади; бир саф қилиб териб чиқилган шаффоф бутилкаларда хом узум сиркалари етилмоқда, уларни вақти етганида тогам қариндошларга баҳор байрамида ишлатишлари учун машинасида тарқатиб чиқади.

## **Элчин САФАРЛИ**

Мен яна думларини ўйнатиб юрган шалпанг-қулоқ Йўлбарс итимизни кўраман. Унинг феъли ғалати, будкасида ётмай, ертўладан судраб чиқсан эски зангори одеял устида ётади. Бувим бу одеялни ундан тортиб олишга қанчалар уринмасин, бари бе-фойда. Тишларини кўрсатади ва ириллайди. «Одамлар итни қийнаяпти, деб ўйлашса керак. Ахир унинг қандай зўр будкаси бор! Чамаси, бу жулдур одеял унга кўчаларда эгасиз, оч-наҳор юрган пайтларини эслатса керак-да».

Сўна бувим қашшоқ этикдўз оиласида туғилган Ҳожи Зейналабиддин Тагиев тарихини гапириб беради. Ўз меҳнаткашлиги ва интилиши ортидан нефть магантига айланган. Ҳожи ўн олти ёшида ғишт терувчи бўлиб ишлаб, топган пулига олган пальтосини сўнгги нафасигача кўзга кўринарли жойга илиб асраран экан. Бу пальто ўтган кунларини, тақдирнинг ўзгарувчанлигини эслатиб турган.

Ойна кўзини икки бора артиб чиқсан ҳам кутгандаримнинг бирортасини ҳам кўра олмайман. Фақат ғира-шира чизгилар кўринади – Абшеронга туман тушганди. Худди сут каби қуюқ. Февралда, айниқса, тонгги пайтлари у том баравар кўтарилиб олар ва уй-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

лар оралиғида сузіб юрарди. Денгиз сира күрінмасди. Туман айнан соҳил бўйлаб қолдирилган балиқчилар қайиқларини оралаб сузарди.

Бундай пайтларда ҳаво хатар ва кўзи очилишларнинг шўр таъми ва ҳидига тўйинарди. Мен тумандан кўрқардим ва ойналар шунчаки терлаган бўлса керак, деган умидда зўр бериб артардим.

Болаликда туман ташқи кўриниши билан ваҳимага солса, балоғатга етган сари ички оламингга суқилиб кираверарди. Ҳиссиётлар эса аввалгидек, мўлжалингдан адашасан. Кўрмайсан ва-а, энг хавотирлisisи, оёғинг остида нималар борлигини билмаган ҳолда қадам ташлайсан.

Туман пайти мен қотиб қолардим. Жун пальтомнинг тугмаларини қадаганча, кўзларимни юмардим ва нажотни ўзимдан ахтарардим. Вақти билан ичимдаги ёруғлик зўрға сезилар, аммо у ўша жойдалигини аниқ билардим. Бу нурлар яхшилик, болалик ва денгиз ҳақида, шунингдек, туман тарқаши, бардош қилиш, албатта, таслим бўлмаслик ҳақида ҳикоя қиласарди. Нима учун? Иродангга мукофот тарзида янги учрашувлар, ҳиссиётлар, оғушга олишлар, қадрдон кишилар учун.

## **26**

*Ноаниқликни қабул қилишни ўрган  
ва саволларга тин бер.*

Бугун туш кўрдим. Унда болалик пайтларим номаълум томонларга ғойиб бўлган дарвеш уста – Ниёз билан сухбатлашдим.

- Ниёз амаки, йўлда чарчадим. Ҳеч қаёққа юргим, ҳатто ҳеч нарсани билгим ва излагим ҳам йўқ.
- Сен баҳтсизмисан?
- Ҳозир, ҳа.
- Бунинг икки сабаби бор. Бунинг сен бораётган йўлнинг қийинлигига сирайм алоқаси йўқ.
- Унда сабаб нимада, уста?
- Сен айни дамдан тушиб қолгансан. Сен дам – ўтмишда, дам эса – келажақдасан. Қанча юрганилигинг ёки юрмоқлигинг ҳақида ўйлайсан. Сукунат билан алоқанг узилган. Чарчоғинг айнан шундан.
- Сукунатга қандай қайтишим мумкин? Ҳимм...  
Биламан! Тоғларга кетиш керак.
- Бу тоғларнинг сукунати бўлади, сеники эмас.

## Элчин САФАРЛИ

Шундай тоғларни ботинингдан топ. Айни дамга қайт.

- Сиз ҳақсиз, уста. Ташаккур.
- Чироғим, ноаниқликни қабул қилишни ўрган ва ўзингни қийнаган саволларга тин бер. Шунда саволларингга йўл ҳам равшанлашади. Жавоблар сукунатда туғилади. Кимки сукунатни тинглай олса, тўғри жавобларни осон топади.
- Уста, буни ўрганиб оламан. Ноаниқлик билан тўқнаш келганимда ўзимни йўқотиб қўяман, бирор нарсани нотўғри бажардимми, деб ўйлаб қоламан...
- Вақти билан ниманидир тушунтира олмаслигимиз – ана шу нарсани тушунтира олмаслигимиздан бўлак нарса эмас. Бунинг учун ўзингни қийнаб юрishing шарт эмас, яхиси денгиз бўйига бор. Соҳилдаги одам эса ҳамиша бадавлат бўлади.

27

*Яқинларинг кўнглини обод қил.*

Одамнинг ўзгарувчанлигига ростакам ишонаман. Соддалиқдан мураккабликкача, онгсизликдан юксакликкача ва аксинча. Мен бузғунчиликка берилган, бирорларни айлаган, нафратланган ва кутилмаганда (биз учун кутилмаганда, аммо бу аслида узоқ давом этадиган жиҳод жараёнидир) авлиёликка эришганларни кўрганман. Ўзларида эзгулик манбасини топишган. Бу – ниманинг эвазига шундай бўлганлигимас, шундай бўлганлиги мухимдир. Инсонни ўтмишида йўл қўйган хатолари учун тошбўрон қилишдан кўра, унга янги хаёт бошлиши учун имкон бериш яхшироқ бўлади.

Барчамиз тубан туйғуларни ҳис этамиз. Бизда нур билан бирга зулматдан истаганимизча топилади. Ўзимиздаги ана шу тубан туйғулар ва зулматни енга олиш керак. Албатта, тазиик биланмас. Худбинлик садосини илғай олинг. Буни қандай уddaлаш мумкин? У фақат оёқ тирашни, қасос ва фойда олишни истайди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Агар бирор яқинингизда тубан түйғулар устунлик қилаётганини сезиб қолсангиз, унга жавоб берманг: четга чиқинг ҳамда йўлингизда давом этинг. Бир кун келиб ўша одам сизга қўл узатса – уни итарманг. Яқинингиз кўнглида гуллар очилишига ёрдам беринг ва... ўз боғингизга қайтинг.

# **28**

*Одамлар сен ҳақда нималар  
гапиришмасин, бари ўзлари ҳақида дир.*

Шўр кўл соҳилидаги эски қабристонда камдан-кам ҳоллардагина одамларни учратасиз. Қабрларнинг ак-сариятига қўйилган оддий қумтошларда арабча ёзувлар аранг кўринади. Марҳумлар сурати туширилган дабдабали қабртошлар у ер-бу ердагина бор, холос. Қабристонга кираверишда унга қараб турадиган кекса Аёз киши яшайди. Пастаккина кулбанинг очиқ деразасидан булбул сайраши эшитилиб туради. Хўжайинига содик, бироқ ҳеч қаёқقا учиб кетмайди.

Аёз кишидан нимага қабристонга жуда кам одам келишини сўрайман. «Бу ерга қўйилганларнинг қариндошлари йўқми?» Қария қўлинини деразага узатади, булбул унинг билагига кўнади. «Дунёдаги ягона боқийлик – муҳаббатdir».

Бундай ноаниқ жавобни эшитгач, отамнинг олдига чопаман. У қўлларини ортига боғлаганча, сўқмоқдан

## Элчин САФАРЛИ

шошилмай боради. Унинг қаёқса бораётганлигини яхши биламан: мармартошига «Ҳар бир банда ўлим шарбатини ичади ва бир кун қайта тирилгач, Бизга қайтажак» («Ал-Анкабут» сураси, 57 оят, Қуръон), дея битилган қабрдан сўнг ўнгга бурилади, кейин қияликдан пастга тушади. Бу ердан Шўр кўл кафтдек кўринади. Баҳайбат чинор остига эса отамнинг акаси – Ўрхон амаким кўмилган.

У қарама-қаршиликлардан иборат одам эди. Улкан, болаликка лиммо-лим қалб эгаси. Бугун шу ерда – ёнингда бўлса, эртага эса йўлда. Уни ҳеч нарса – қор бўронлари ҳам, довуллар ҳам йўлдан тўхтата олмасди. Ўрхон амаки биринчи учраган одамга ҳам кўнглини очар, шу билан бирга одамлардан эҳтиёт бўла оларди.

Ўйламай айтилган битта сўз ёки оҳанг билан унинг юрагини яралаб қўйиш осон эди, аммо у кечира биларди ҳам. «Бизда ўзимизники бўлган ҳеч нарса йўқ. Кечирим ҳам бизники эмас. Мен ким бўлибманки, унга эгалик қиласам?» Кўпчилик унинг феълини тушумасди. Орқага ўтирилмасдан йўлида давом этарди. «Мен ҳақимда одамлар нималар дейишмасин, ўзлари ҳақида айтишади». Амакининг ҳақ гапи бу.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Унинг феъл-авторини бир қисми – гўзалликка бўлган бекиёс ишонч ва янги нафас учун зарур бўладиган ана шундай улкан қайғу эди. Ўрхон амакимдай кишиларни ҳаётда бир маротаба учратишни «тақдир тухфаси», дейиш мўмкин. Ўрхон амакимнинг ўзи эса тақдирга ишонмас, ҳаммаси инсон танлови ва унинг оқибатларига боғлиқ, деб хисобларди.

Отам унга ачинарди. «Ўрхоннинг ватани йўқ эди. Эронда туғилиб, тўрт ёшга тўлар-тўлмас ота-онаси билан Истанбулга кўчиб ўтишган ва олти ёшида Абшеронга келиб қолган. Мен туғилганимдан кейин ойим дадам билан ажрашди, отам Ўрхонни ўзи билан Россияга олиб кетди. Кўним билмаган тақдир. Мен Абшеронда туғилдим, шу ерда вояга етдим. Ватаним – шу ерлигини яхши биламан ва халқим билан яхши-ми-ёмонми бирга яшадим. Муҳими – улар билан бирдамман... Акам эса ҳеч вақт осудалик топмади. Балки, ер юзида осудаликнинг ўзи йўқдир».

Амаким эллик уч ёшида – ухлаб ётганида, юраги тўхтаб қолиши оқибатидан вафот этди. Ўлимидан уч кун бурун Абшеронга келганди. Қизи ва қариндошларини йўқлагани. Биринчи бор «Энди қаёққа, Ўрхон?» – деган саволни жавобсиз қолдирган кўйи елка

## **Элчин САФАРЛИ**

қисганди. Бамисоли сўзлар маъносини йўқотадиган ва улар билан ҳеч нарсани изоҳлаб бўлмайдиган жойга отлангандек. Бир олам осудалик денгизи мавжуд дунёга.

\* \* \*

Отам билан қабристондан чиқиб келамиз. Шўр кўлнинг теп-текис сатҳига илк аzon оҳанглари ёйилади. Кўл гирдидаги қамишлардан қушлар тўдаси ҳавога отилиб, шовқин солишади ва ҳар қаёқقا тарқалади. Тезда уйда бўламиз. Ойим эшикни очади ва ваннахона томонни кўрсатади – шарқда қабристон зиёратидан сўнг, юз-кўллар сувда чайиб олинади. Кейин эса яқинларнинг ўлган куни муносабати билан пишириладиган ва катта қисми муҳтожларга тарқатиладиган ҳолвайтар билан чой ичамиз.

Бир куни Ўрхон амакимдан сўрадим: «Ҳаётда энг яхши ҳиссиёт нима?» У жавоб берди: «Сени кутишаётган уйингга қайтиш».

**29**

*Ит садоқати сарҳад билмайди.*

Уни Долға, деб чақиришарди ва ёз кунлари кўздан ғойиб бўларди. Бу – жигарранг қалин жунли, панжалари ғоятда кенг урғочи итнинг сут безлари осилиб тушган ва бир олам оналик меҳри билан тўла кўзларга эга эди. У Каспийнинг мана шу соҳилларига шунчалик содик эдики, уни дам олувчилар тарк этган қиши ойларида ҳам ушбу ерда кўрса бўларди. Бундай пайтда балиқчилар ҳам бўронли кунларни уйда ўтказиб, осуда пайтлардагина камдан-кам балиқ овига чиқишиарди.

Долға денгиз билан у ўз-ўзига биқиниб олганча, соҳидан анча олиста кетиб қолган пайтларда ҳам бирга бўларди.

Июнь бошланиши билан Долға Абшерон соҳилларидан ғойиб бўларди. Шу билан фақат сентябрда, яъни узилмай қолган анжирларнинг ўзи узилиб тушиб, гилавар шамоли уларни қум билан кўмадиган пайтида пайдо бўларди. Бу ердагиларнинг иримиға

## **Элчин САФАРЛИ**

кўра ёмғир теккан анжирларни еб бўлмас, шунинг учун уларни эртароқ териб олишар, бу пайтда ҳали хомроқ бўлганларигина шохида қолар, бола-бақралардан омон қолганлари ўзи пишиб, ўзи тўкиларди.

Долғанинг ёзда ғойиб бўлиши ҳақида биз болалар турли тахминларни бичиб-тўқирдик. Баъзилар Долға бу пайтда соҳилда дам олувчилар кўпайиб кетгани учун ғойиб бўлади, деб тахмин қиласди. Дам олувчиларга бу дайди ит ёқмай, уни тутиб олишлари ва йўқ қилинишини талаб қилишлари, шу билан денгизни бошқа кўролмаслигидан кўрқсан бўлиши мумкин.

У ўлимдан қўрқарди. Ўлимдан кейинги ҳаётда денгиз бўладими-йўқми, Аллоҳ билади. «Мана, одамлар ўлим ҳақида гапиришганида уларни кўмишлари, ўзлари эса осмонга чиқиб кетишлари ҳақида айтишади. Осмонда қанақа денгиз бўлиши мумкин. Думим ҳақи айтаман, у ерда ҳеч қанақа денгиз йўқ».

Айрим болалар июнь қуёшининг нурлари Долғани сув парисига айлантириб қўйиши ва у Наргин оролининг ғарбида минг саккиз юз саксон тўртинчи йили қурилган Сирли маёқ ёнида яшаш учун сузиб кетишини тахмин қиласди.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Қариялар уруш пайти немеслар Сирли маёқни шортлатишгани ва йиллар ўтиб абшеронликлар уни қайта тиклашгани ҳақида сўзлаб юришарди. Бизларни Наргин ороли жуда қизиқтириб, ўзига чорласада, аммо биз ундан қўрқардиккина эмас, у томонга қарашга ботинолмасдик ҳам.

Биринчи жаҳон уруши пайтида орол ҳарбий асирлар лагерига айлантирилган эди. Аксарият асирлар бу ерда очликдан, чанқоқлик ва илонлар чақишидан вафот этишган. Осуда тунларда Наргин томондан ўлган аскарларнинг безовта руҳларини фарёди эшитилиб турарди...

Долғанинг ёз кунларида ғойиб бўлиши ҳақидаги тахминлар кўп бўлса-да, ҳақиқат сирлигича қолаверди. Аммо абшеронликлар итнинг денгизга бўлган муҳаббатига қойил қолишарди – Долға денгиз қутираётган, шамол эса қумли тифи билан хужум қилаётган, балиқчилар қайиқларини синдираётган, қутқарув минораларини ағдариб ташлаётган пайтида ҳам соҳилни ташлаб кетмасди. Одамлар ҳам, бошқа итлар ҳам иссиқ бошпаналарига бикинган бир пайтда, фақат Долғагина бор кучи билан панжаларини нам ва оғир қумлоққа ботирганча, соҳилда қоларди. Ҳаётини денгизсиз тасаввур қила олмасди.

## Элчин САФАРЛИ

Бўрондан кейингитонгда қулоқлари йирингга тўлган ва ўпкаси хириллаётган ит қум босган кўзларини базур очарди. Роза аммам тўрт оёқли жабрдийданинг олдига чопиб бориб, кўтариб оларди ва уйига олиб кетарди. Унга иссиқ товуқхонасидан жой тўшар, кўзларини мойчечак дамламаси билан ювар, қулоқларини тозалар, суякли шўрва билан қорнини тўйдирарди. Ит эса меҳрибон қўлларни беҳолгина ялар, эшитилар-эшитилмас тарзда улиб қўярди. Оғриқдан эмас, албатта. Жонивор шу ҳолида ҳам денгизни соғинарди.

Учинчи тонгда у бари бир қочиб кетарди. Долға учун пиширган бўтқани бошқа итларга беришга мажбур бўлган Роза аммам ёдига келган эски сўзларини такрорларди: «Ит садоқати сарҳад билмайди». Аммам йилдан йилга, бўрондан бўронга ўтганча, ҳеч бир уйда қўним топмаган Долғани парвариш қиласади.

Навбатдаги бўрондан кейин Роза аммам Долғани излаб яна соҳилга келди. Ит эса умуман кўринмасди. Ўша кеча денгиз – соҳилга ёпирилган ва севгига тўла юракли итни ўзи билан олиб кетганди.

Долға ўлмаган эди. У Каспий билан то абадга қўшилиб кетганди, холос.

# 30

*Сени ёмон қиласындар  
билин видолаши.*

«Бизда иссик, ҳеч қандай шамоллар йўқ, ҳаммаёқни ювошгина денгиз ва табиат қўшиқлари қуршаган. Дарё бўйлаб маккажўхори далаларига бораман. Яланг оёқ тупроқни босаман, шундан оёқларим қип-қизил. Пальмаларга осилган беланчакда ухлайман, юзимга юлдузлар ёғилади. Бамисоли жаннат, дўстгинам. Сайёҳлар оқимидан бу ерда оёқ қўйиб бўлмайди, деган гапларга ишонма. Бекор гап. Жаннатни бузиб бўлмайди».

Аким амаки Ҳиндистондан хат ва оқ-қора суратлар жўнатади. Олтмиш тўрт ёшида ҳинд тилини ўрганди, ўғилларини уйлантирди. Уларга уйини қолдирди ва Абшерондан битта жомадон билан жўнаб кетди. Хотини Сугра билан турмушининг йигирма бешинчи йилига бормай ажрашганди. Ҳеч қандай уруш-жанжаларсиз. Ораларида уларни боғлаб турадиган ҳеч нарса қолмаган эди.

## Элчин САФАРЛИ

Ажрашганларидан икки йил ўтиб, Сугра бошқа эрга тегди, Аким амаки эса ўғилларини уйлантириш ва Хиндистонга кетишга пул топиш учун икки жойда тиним билмай ишларди.

У ёшлик йилларидан бери гиламдўзлик билан шуғулланар, ҳеч ким уни бир қун келиб севимли ишидан ажралади, деб тахмин қилмасди.

«Одатда эркаклар қариганида ёшгина хушторлар ортиришади ва мотоциклга ўтирганча, янги ҳаёт истиқболига йўл олади. Мени бундай режа қониктирумасди. Мен бир ўзим ва мотоциклсиз узоқ уйқудан бошқа одам бўлиб уйғонадиган, кимлигими ни ва энди қаёққалигини биладиган жойга кетишни хоҳлардим. Етмиш ёшимда эски ҳаётим узилди ва янгиси бошланди».

Аким амаки болалиқдан Абшеронда яшаган ва бу ер сарҳадларидан четга чиқмаганди. У Хиндистонга йўл олгандагина илк бор самолётга ўтирди. «Дўсттинам, сира ачинмайман. Ўз ҳаётимни, гарчи у устахонанинг тўрт девори орасида ўтган бўлса-да, қизиқарли деб ҳисоблайман. Гилам тўқиши аносида нақшлар орқали фақат қиссалар сўзламадим, айнан яшадим ҳам».

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Болаликнинг баҳорий кунидан хотира – чақнаб кетади. Навбатдаги кашфиётим билан бўлишиш учун Аким амакининг устахонасига югуриб кираман. Унга кўзим тушгач, нафасимни ичга ютаман. Бу пайтда Аким амаки икки соатларга ердан оёғи узилганча, ўзининг сиру ҳароратга тўла оламига кўчиб ўтган бўлади. Эрининг бу ҳолатини апрель тонгида ҳовлида қўй жунини олаётган Сугра хола шундай изоҳлаганди.

«Агар Аким ўз оламини тўқиётган пайтини кўрсанг, унга халал берма, йўқса, биз ейдиганимизни еймиз». Сугра холадан сўрайман: «Нимага икки соатгина? Нимага кўп эмас?» Такир кўзини кўйиб юборган Сугра хола дурраси билан юзидағи терни артади-да, жавоб беради: «Ипак гиламни икки соатдан ошиқ тўқиши оғирлик қиласди. Ишга берилиб кетса, икки-уч ойда кўзидан айрилади».

Тонгги қўёш нурларига белангандар амаки оппоқ иплар таранг тортилган дастгоҳ олдида тиз чўкиб ўтиради. Дастьгоҳнинг тепасидан турли рангга бўялган ғалтаклар осилиб тушган, қўёш нурлари бу рангларни тутиб олганча, шифтда камалакдек товланади. Аким амаки ғалтакларни чаққонлик билан тутиб олган кўйи асос ипларда туғиб, учини қайчи билан кесиб ташлайди. Бу тугунлардан ажойиб нақшлар пайдо бўлади.

## Элчин САФАРЛИ

Бу нақшларни у қандай ўйлаб топади? Оёқ учида юриб бораман-да, ёнига тиз чўкаман. Ҳовлидан қўзининг маъраши-ю, Сугра холанинг танбехи аралашган ҳолда эшитилади. «Унинг овози худди қаролудек», – таққослайман ўзимча ва Аким амакини қучоқлаб оладиган фурсатни кутаман. У эса жилмаяди ҳамда гилам нақшларини менга изоҳлай бошлайди.

«Илонни кўраяпсанми? Кўрқма ундан. Аллоҳ ёмонликни фақат одамларга жо қилган, жониворларда у йўқ... Илон – узоқ ва саломат умр тимсоли».

\* \* \*

Аким амаки деворлардан кўра деразаси кўп хонада яшайди. Эрталаблари тегирмонда ишлайди, бошка пайлари эса маҳаллий ибодатхона – ашрамда хизмат қиласди. Гиламдўзлиги ўтмишда қолган. Зерикиши билмайди, ўтмишни табассум билан эслаб қўяди: «Энди бошқа замон».

Ўзингдан қочолмайсан – бу ҳакиқат. Қаерга кетмайлик, бари бир ўзлигимизни олиб кетамиз. Шуниси ҳам ҳакиқатки, шовқинлар ва ташвишлардан узоққа ҳижрат қилиш – умидни уйғотиб юбораркан.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

«Бошқа мұхиттә тушиб қолганингда, осудалик ва сокинлик билан ўтмишингни ҳазм қилиб, ўзингда ва оламда янги нарсаларни ҳис этасан. Секин, аммо машаққатли жараён, дүстгина... Күпинча бир лаҳзалик эврилишларга ишонмайман. Ҳар бир ўзгаришда – ботиний меҳнат ва баҳтлироқ бўлиш истаги мавжуд. «Момақаймоқ шароби»даги мистер Жонаснинг сўзлари эсингдами? «Агар ҳақиқатан ҳам ҳаммаси сизга зарур бўлса, барини оласиз».

Аким амакининг ёзишича ҳаёт – бу сенинг шахсий оламингнинг акс садоси ва унда заарли одатларингдан воз кечсанг яхши бўлади. Шириналликка ўчлик, чекиш ва маст қилувчи ичимликларга рўжу кўйиш – биринчи навбатда, албатта. Аммо шундай одатлар борки, улар ширин қулчага қараганда хатарлироқ. Масалан, ўзингни бошқаларга солишириш, ҳамма қатори бўлиш ва ўз вужудингни севмаслик, яъни ўзингни севгига нолойик ҳисоблаш, шулар жумласидандир.

«Бундай фикрлардан батамом қутилишинг амри-маҳол, улар вақт оша ҳар кимни йўқлаб қолади. За-арли фикрлар ҳаётингга айланиб қолиши – даҳшат. Сени аламзада, ёмон ёки жоҳил қиладиганлари билан видолаш».

## **Элчин САФАРЛИ**

Аким амакининг хатларини ҳалигача асрайман. Уларда ҳар қандай одам ҳам эгаллай оладиган, аммо нимагадир фойдаланмайдиган бебаҳо нарсалар бор.

«Дўстгинам, онгли тарзда яша. Бу деганим барини ташлаганча, Хиндистонга жўна, нилуфар шаклида оёқ қовуштириб ўтирган кўйи майсалар шитирлашига табассум қил, деганим эмас. Лангли тарзда яшаш – айни дамни кўздан қочирмаганча, қаёқقا кетаётганингни ёдда тутишdir. Ҳар бир ҳаракатни ёдаки эмас, онгли тарзда бажар. Туйғуларингни на ўзингга ва на ўзгага зарар келтирмайдиган тарзда ифода қил. Такдири азал мавжуд эмас, биз ўзимиз учун ҳам жаннат, ҳам дўзах, ҳам зиндону ҳам озодликмиз.

Охирги марта қачон ширин таомдан, оёғинг остидаги чиғаноқлардан лаззатланганингни ёки майдачуйдалардан хурсанд бўлганингни эслай оласанми? Агар шундай бўлса, сен чинакамига яшायпсан.

*Салом, менинг дўстим!*

*Бизда кулранг жалалар ерни савалаб ётибди. Да-рахтлар эса бошини ергача хам қилган. Дайди итлар баҳтига айрим уйларнинг томи ерга сирғалиб тушиб, остига улар кириб беркинади ва бўрондан кейин ерга қулааб тушган қушларни ейши учун пайт пойлашади.*

*Агар жуда зарур бўлмаса – кўчагаям чиқмаймиз. Фақат тўғри ибодатхонагаборамиз ва ортга қайтамиз.*

*Бугун тонгги ибодатдан сўнг, ашрамда ёрдам бериб юрадиган Жорж билан сухбатлашдим. Тўрт тилни биладиган малла полиглот. Маёқлар ёруғини пайқолмай қолган одамлар ҳақида гаплашдик. Ҳаммаси қалин туманда қолганда нажот учун узатилган қўл ҳам кўринмайди.*

## Элчин САФАРЛИ

Жоржнинг айтишича, ҳаёт маъносини йўқотган одамлар бошқалар учун яшаши керак экан. Яъниким, бундай ҳолат – Яратганинг ҳақиқий инояти: одам ўзи учун яшашини бас қилиб, бошқалар учун хизмат қиласади. Мен уни тингладим ва... рад этдим.

Дўстгинам, ўзгалар учун яшайдиганлар раҳмимни келтиради. Сиртдан бу иш кони савобдек. Бундай кишилар билан яқиндан танишгандан сўнг, улар қанчалар бунга ишонтирмоқчи бўлишса-да, баҳтли эмасликларини пайқадим. Ноҳақлик. Ҳар биримиз биринчи навбатда ўзимиз учун баҳтли бўлишимиз лозим, кейингина уни бошқалар билан бўлишиши мумкин.

Соҳта авлиёлар баҳтсизларнинг аҳволидан фойдаланган ҳолда ўзликларидан кечганча, Яратганга хизмат қилишга чақиришлари даҳшат. Ботиний тушунмовчиликни қалбни йўқотганликка йўйган кўйи одамларнинг калласини гаранг қилишади. Қалб йўқолмайди, у ҳамиша ўзимизда, унда нур бор. Аммо қийинчиликларни енгиб ўтишини ўрганиш керак.

Худо қурбонликлар ва таъзимларга муҳтож эмас. Худо хоҳлайдики, биз бир-биримизни севишимиш шарт. Зоро, биз унинг заррарларимиз. Демак, биродаримизни севган пайтимиз – Аллоҳниям севган бўламиш.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

*Шу билан биргә рұхан түшкүнликка тушғанларга ижтимоий хизматлар, масалан, болалар уйларидағи ёки үйсиз жониворлар учун бошпаналардаги волонтёрлик ёрдам беріши мүмкін. Шунда улар ўзларининг керакли эканликларини аңглайдилар. Та什қи олам билан алоқага чиқадилар – ўзларининг қайғулы ўйлари билан ёлғыз қолишимайды. Аммо бу ишда ҳам мувозанат мүхимдір.*

*Ўзини мутлоқ руҳоний деб атаган ва «Яратған-га хизмат қиласын», деган баҳона билан ер ҳаётидан воз кечғанлар – аслида ана шу мувозанатни йүқотган. Дўстим, заминий ҳаётни тўлақонли яша, оламга зийрак ва меҳрибон бўл! У ҳам сенга худди шундай жавоб қайтаради.*

*Ёзиши услугбим насиҳатомуз чиққан бўлса – узр. Мен ишонч ва шубҳалар мавжуд бўлған фикрларим билан ўртоқлашияпман. Менга ёз. Фикрларинг мен учун жуда ҳам қизиқ.*

Аким

*Салом, дүстгінам!*

*Агар Истанбул – бу юпатуевчи шаҳар бўлса, Ҳиндистон – уйғонишидир. Бу ерда кўп йиллардан бери ҳис қилганим – димиқишидан халос бўлдим. Ҳиндистонда бирор майда ишни катта муҳаббат билан қилишини ўрганасан. Айборларни излашни бас қиласан ва ақлгамас, қалбга саволлар берасан.*

*Бу ерга кел, дўстим. Гарчи, ҳар кимнинг ўз Ҳиндистони, ўз уйғониши ва ўз халос бўлиши мавжуд.*

*Агар қарши бўлмасанг, бу мактубимда халос бўлиши ҳақида ёзаман. Ўзингдаги ўзгаликдан.*

*Сохта ғалабалар ортидан пойга қўйган пайтда ўзлигимизга ёт бўлган қобиқларга ўралиб борамиз. Йиллар оша бу қобиқлар туфайли юришимиз, нафас олиши-*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

*миз ва... ҳис қилишимиз қийинлашаверади. Атрофимиз-ни ўраган муҳит фикрлари ва хавотирларидан қутулиб чиқишини истаймиз. Кимдир ўзиники бўлмаган ҳаёт залвари остида ҳалок бўлади, кимдир эса ундан қутулиб чиққанча, янги ҳаёт бошлийди.*

*Қандай ҳалос бўлиш мумкинлигини сўрарсан? Аввало, буни хоҳлашингни англаб олишинг шарт. Ҳалос бўлиш ийлида ўрганиб кетган ҳаёт тарзингдан воз кечишни қабул қилишинг, қўрқиб кетишинг оқибатида аввалги ҳаёт тарзинг, ўша салмоқли юк остига қайтишинг ҳам мумкин. Кўрқиши керакмас – оғриқсиз шифонинг ўзи ийк.*

*Ҳалос бўлишга қанчалар яқинлашсанг, асл ўзлигинга шунчалар тез қайтасан. Аён бўладики, қочиши, мослашиши ва қўлга киритишга уринишлар кўпам зарур эмас экан. Номукаммал ва ўзгарувчан ё зардали бўлса-да, аммо сева оладиган ўзлигинги қабул қила олишинг етарли.*

*Мұхаббат – ҳамма нарсанинг моҳияти, у ўзимизда, биз эса ким билади нималарни ахтарамиз ва ҳеч нарсаны тополмаймиз.*

*Ҳалос бўлиш – бу узок, сермашаққат, совук саёҳатдан сўнг уйингга қайтмоқдир.*

## **Элчин САФАРЛИ**

*Мана шу ҳолда ёруғлик ва зулмат сарҳадида яшаймиз. Буларсиз ҳеч нарса бўлмасди, дўстим. Бизларнинг ҳаммамиз бу ёки кейинги ҳаётда ёруғликка етишамиз. Зоро, одамларнинг бари битта марра сари интилади – кимдир мўлжални аниқ олганча, кимдир айланма йўлларни ахтариб, кимдир эса умуман юришни хоҳламаган ҳолда.*

*Лотинчада мана бундай жумла бор: «Бирор бор севмаган севиб қолажак, севиб бўлган эса тақроран севар». Ҳа, ҳақиқатга ҳам шундай.*

**АКИМ**

*Салом, қадрдан дўстим!*

*Оқшомлар дengiz бўйига келаман, гулхан ёқаман,  
най чаламан(балиқлар мени эшиштаганмикин?). Мен  
най чалишни ўргандим, дўстим. Нималарни ҳис қилаёт-  
ганимни дунё билан мана шундай баҳам кўраман.*

*Иссиқ кийимларимдан зангори жун кардиганим мени  
салқин дengиз шамолидан асрайди. Уни кийган вақтим  
Абшеронни эслайман – балки хотиралар тафтидан  
исинсам керак?*

*Табассум қиламан. Қандай яхши. Ўтган умр азоб-  
ламайди. Ҳеч кимни эсимдан чиқармадим ва ҳеч ким-  
дан қочганим ҳам йўқ – ўтмишини ўзимнинг ажралмас  
қисмим каби қабул қилганман.*

*Гулхан сўнмоқда. Чала ёнган тарашаларни дengизга  
улоқтираман, улар учган юлдуздек ҳавода из қолдиради.*

## **Элчин САФАРЛИ**

*Сувга текканларида вишиллаб, оппоқ бүг ажратади ва зулматга қўшилиб кетади. Дўстим, ёмон ишлардан йироқман, деб ўйлама. Улар ҳар бир муюлишда пойлаб туради: кибрга берилдингми, уларнинг тузоғига тушасан.*

*Менинг бувим агар одам бу ишни сира ҳам қилмайман деса, шайтон бор ишини ташлаб, одамга ўша ишин қилдирмагунча тинчимайди, дер эди.*

**Ўзингга дунёдан нимани қабул қилаётганинг ва дунёга нима бераётганингга эътиборли бўл!**

*Отам бўлмаганлиги, онамнинг эса қўли тегмаганидан айнан бувим менга барча қийинчиликларни енгишини ўргатган.*

*Эслайман, болаликда ўзимни қўрқмас ва бақувват каби тутардим. Даҳшатларга қарши бор кучим билан курашардим. Миямда ойимнинг: «Иккимиз бир-бirimiz учун ягонамиз. Куруқ орзуга берилмай, кўп ишилашимиз ва кучли бўлишимиз шарт», деган овози янгарди. Ўшанда мен ҳаёт одамдан кучли бўлиш ва бирор иш билан банд бўлишини талаб қиласди, орзулар эса бу уйқу олдидан суриладиган oddий хаёллар, уларни бирорвга айтиб бўлмайди, айтсанг – ҳаёт ожизлигинги сезиб қолади ва адабингни беради, деб ўйлардим.*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Үз ҳадигим ҳақида ҳеч кимга айтмасдим. Болаликда – соялардан қўрқардим. Оппоқ девордаги ўз соядан, дераза ортидаги ўткинчиларнинг қоронғиликдаги шарпалари-ю, шифтда ўйнаётган чироқ шуълаларидан қўрқардим. Сояларга кўзим тушганида кўзларимни юмиб, муштимни тугиб олардим – қизлардек бақириб юбормаслик учун, албатта.

Бир куни тунда ҳожатга чиқаётган пайтим, деворда қимиirlаётган сояга кўзим тушиб, пешобимни қуийб юборганман. Соя мени тутиб олиб қоронғиликка олиб кетиб қолади, дея қўрқканман. Хонамга қайтиб, ифлос иштонимни ечганча, каравот остига яшириб қўйганман. Эрталаб эса чидолмасдан ҳаммасини бувимга айтиб берганман. Бувим бир оғиз сўз билан тузатиб юбора оладиган хислатга эга эди.

«Болажоним, эсингда тут: агар сояни кўрган бўлсанг, демак шундоқ яқинингда ёруғлик ҳам бўлади. Соядан ўғирил-да, ёруғликни қидир – куч ўшандা. Олти минг йилдан бери уни ҳеч қандай зулмат ўчира олмаган. Ёруғлик сени ҳимоя қиласди. Албатта, унга ишон».

АКИМ

*Салом, азиз дўстим!*

*Сени Дина билан таништирмоқчиман, у икки ҳафтадан бери ашрамда. Болгариядан келган. Кеча у олтмиши олти ёшга тўлди. Кўплар ибодатхоналарда туғилган кунларни нишонламайди. Яъни одам вужуди ўткинчи, руҳ эса мангу ва унинг туғилган санаси бўлмайди, дея хато ўйлайди.*

*Биз асалли зоғора қулчалар қовурдик, имбир-манголи шарбат қайнатдик ва тонгги ибодатдан кейин денгиз бўйига тушдик. Мен Динага Абшерон жойнамозини тухфа қилдим.*

*Бир ҳафтадан кейин у Болгарияга, эри ва кичкинтой Александрнинг олдига қайтиб кетади. Бизга бундай нуфузли одам, энг зерикиб кетган қалбни ҳам шодликка тўлдира оладиган кимса анча пайтгача етишимаса керак.*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Дина ва Александринг тарихи ғоят ажойиб. Саша – Динанинг қизи, марҳума Мартанинг ўғли. Олти ойлик ҳомиладорлик вақтида Марта аварияга учраб, реанимацияга тушиб қолади. Мартанинг мияси ўлиб бўлгани учун, докторлар эллик уч кун унинг организмини қувватлаб туришади – бола етилиши учун шунча фурсат керак бўларди. Марта ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, ўзидан янги ҳаётни қолдириб кетди.

Дина менга болакайнинг Кора денгиз бўйида тушган суратини кўрсатди. «Мен қайта туғилгандек ва туққандек бўлдим».

Бахт турли йўллар билан, шунингдек, йўқотиш ва забт этишлар орқали ҳам келади. Ҳаёт бир хил эмас, у доим ўзгариб туради.

Биласанми, дўстим, болаликда мен уфқни турли нуқталардан кузатишни яхши кўрадим. Уфқ чордоқдан ҳам, мактаб деразасидан ҳам бирдек кўринадигандек туюлади. Йўқ. У менинг жойни ўзгартиришимга қараб ўзгарарди.

Бу заминда ҳеч нарса бизга тегишли эмас. Бу ерда тонгдан бошқа ҳеч нарса ва ҳеч кимга таяна олмай-

## **Элчин САФАРЛИ**

*сан. У эса нимаки бўлмасин, албатта, отади. Ҳатто ўлим ҳам – бу кўплаб ёруғлик дегани. Ўлим билан юзлашган ва ортга қайтолган кўплаб одамлар шундай дейишади.*

*Ўзингдан бошиқа ҳеч кимдан қўрқма; ҳеч кимдан, айниқса, ўзингдан қочма; кунларингни ўтмиши андуҳи ва келажак хом хаёллари билан заҳарлама. Бутун олам – тонглар ва оқшомлар, мамлакатлар ва шаҳарлар, уммонлар ва денгизлар, учрашувлар ва айрилиқлар – сенинг ўзингда.*

*Токим сен ўзингда экансан, то сенда тун ва тонг яшар экан, яратувчи Аллоҳнинг энг бебаҳо ижоди ўзинг бўлиб қоласан. Сен Унинг севимли маҳсули, сен Унинг зарраси. У сен учун қайғуради, нурлари билан сен зулматдан беркитган деразангни тақиллатади.*

*Дўстим, сен билан нимаки юз бермасин, ҳаётнинг ажойиб тухфасини рад этма. Энг қийналган тунларингда ҳам тонгни кутишга куч топ – у муолажанг йўлларини ёритади. Имконинг борича ва қудратинг етгунча сев. Саъй-ҳаракатларинг ва хаёлларингга ёмонликни яқинлаштирма. Бир одамнинг қилмиши учун*

ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА  
қолғанлардан юз үгирма, орзуларни ҳаёт маңносига  
айлантирма.

*Сенинг үзинг ва сендаги севги – ботинингдаги ва  
сиртдаги уйинг останаси. Уни ташқарисидан излашинг  
бекұда бўлган айнан ўша маңнодир.*

АКИМ

*Салом, қадрдан дўстим!*

*Дунё муракаб ва ундаги йиллар ҳеч қачон енгил бўлмаган. Ҳамма вақт урушлар бўлган. Илгари улар одамлар атрофида кечарди, энди эса улар ботинга кўчган. Одамзоднинг барча ташқи тараққиётига қарамай, унинг ботиний оламида танглик юзага келди. Бунинг исботларидан бири – одамлар орасида ҳудкушлик кўпайиб кетди.*

*Индуслик динига мувофиқ замонавий одам оғир замона – Кали-Юга даврини бошдан кечирмоқда. Одамлар худди шарпалар қийноғига тушгандай, доимий тарзда ақлнинг қутқусига банди ҳолдаги жаҳолат асрига тушиб қолган.*

*Биз ҳаётга муносабатимизни алалоқибат ўзгартириши учун унинг тубига тушишимиз керак.*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Ботиний жанглар вақтида одамни нима құтқарыб қолиши мүмкін? Фақат севги. Айнан у зулмат пайтида ёруғлик улашишга, атрофдагиларга норозилик, аламзадалик ва агрессия (булар жуда юқумли!) тарқатмасликка күч беради.

Хар биримиз дунёning бир парчасини ёритишіга құдратимиз етади. Мен бундай ҳар күнги, ҳар дақиқалы имтихонимни мана шундай муқаддас жойларда ҳам вақти-вақти билан бой беріб құяман. Бағзан таслим бўламан – бошқа нур сочмасликни, ёруғлик ҳақда бошқа ўйламасликни хоҳлаб қоламан. Қулашларсиз парвозлар ҳам бўлмайди...

Дўстим, хато қилишидан, тўқнашишидан ва йиқилишилардан қўрқма. Кўпинча энг катта мукофотни бизни кўпроқ қўрқитадиган нарсалар олиб келади. Ижод қилиши имконидан ва танлаш эркинлигидан лаззатлан – энг муҳими, уларни муҳаббат билан амалга ошир.

Румий ёзган: «Биз кўраётган барчаси ташқарида мавжуддир,/ У барҳаёт, кўзга кўрингани ўткинчи./ Нур сўнди, товуш тинди, дея қилма вовайло,/ Улар ҳамон мавжуддир, аксигина ўчгандир.»

## **Элчин САФАРЛИ**

*Бахт – бир күриниб ўтадиган лаөхагина, холос.  
Үнга интилиш эса анчайин сезиларлидир. Бахтга йўл –  
илҳомбахш, чалкаш ёки мاشаққатли бўлиши мумкин.  
Худди ҳар кунги турмуш сингари.*

**АКИМ**

*Салом, азиз дўстим!*

*Ашрамга Европадан яқинлашган кексаликдан ҳавотирга тушган менга тенг мўйсафид кўплаб эркаклар ва аёллар келишиади. Уларнинг юзлари таранг бўлса-да, кўзларида ҳадиксираш аломатлари барқ уриб туради. Кексаликдан улар ё пластик жарроҳларга ёки ўзларини шу ҳолида қабул қилишиларига ёрдам бера оладиганлар ҳузурига қочишиади. Аслида улар кексаликданмас, балки ўлимдан қочишиади.*

*Ҳиндистонда ўлимни қалб саёҳатининг навбатдағи манзили сифатида ҳурмат қилишиади. Ҳиндларни кўпроқ «үйқудаги ҳаёт», яъни одамни кўпроқ ер ҳаётига боғланаб қолиши қўрқитади.*

*Агар ўлим номаълумлигида азобли қийноқнимас, янги ҳаётнинг ибтидоси, деб олинса ўлим ҳам, кексалик ҳам қўрқинчли туюлмайди.*

## Элчин САФАРЛИ

Кексалик – унга қандай яқинлашганимизга ҳам боғлиқ. Ўзимизнинг шарқлик бобою бувиларимизни эслайман. Улар учун кексайиши – руҳонан кучга тўлиш даври бўлиб, болалар вояга етган, ишлар камайган, энди бемалол сукунатда Куръон ўқишлари ёки зайдун тагида ўтирганча, қуёш чиқишини кузатишлари мумкин.

Биз – болалар оқсоқолларни донишмандлиги учун ҳурмат қиласадик ва улардек бўлиш учун тезроқ қаришини орзулар эдик. Ўшанда мактабга бориши учун эрталаб барвақт туришга, дарсларни ўқишга, нонга югуришга ва ота-оналаримиз каби ишда чарчашибга тўғри келмасди.

Бир-биrimizning юзимизга жигарранг қалам билан «ажинлар»ни чизаётганда ва қариларнинг овозига тақлидан бувиларимиз насиҳатини такрорлагандага «Кексалик озодлик олиб келади», дея ўйлардик. Мен бoshимга ёпинчиқ ташлаганча, Хулкар энамнинг «Аким, қорнинг очмасидан дастурхонга ўтирма, қорнинг тоза тўйиб кетмасидан туриб кет», – деган гапларини уникуга ўхшатишни яхши кўрадим.

Дўстим, бу жуда ўзига хос кампир эди. Якшанба кунлари у билан сайд қилгани шаҳар бульварига тушардик. Шаҳар ташқарисида ўсган мендек бола учун бу

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

*ҳақиқатан катта воқеа ҳисобланарди. Биз улкан чарх-палакка чиқардик, унинг энг төпасидан шаҳар кафт-дек кўриниб турарди. Менинг фантазиям бизларни чағалайларга айлантиради – Каспий узра ҳеч қандай тўсиқсиз парвоз қиласадик...*

*Сайдан сўнг Караганов кўчасидаги беш қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган оналар ва болалар қаҳвахонасига кирадик. Ҳулкар энам менга гўштили билинчиклар ва какао олиб берарди.*

*Қанчалар кексайсанг – болалик ўзига қараб шунчалар тортаверади.*

АКИМ

*Салом, қадрли дўстим!*

*Мактубинг учун ташаккур. Ҳар сатрида Абшерон ҳавосини туйгандек бўлдим. Муқаддас замин. Бежизга у ерда миллионлаб зиёратчиларни эслайдиган кўплаб қадамжолар мавжудмас. Абшеронда вақт қумида кўмилб кетган қанчалаб масжидлар бор. Улар йўқ бўлиб кетганига ишонма. Улар абадий. Барча масжидлар, черковлар, синагогалар ва ибодатхоналар севганларнинг қалбидан ўчмас жой олган.*

*Сен билан мактубингда тилга олганларингга табассум қиласман. Бу кишилар – ўз-ўзларидан беркинмайдиган ва дунёни яхшилашга уринган ҳақиқий қахрамонлардир. Уларга шон-шараф керакмас, улар биринчи қарашдагина оддий кишилар, холос. Кучли билакларсиз, қурол-аслаҳасиз ҳамда тулпорларсиз. Аммо уларда қанчалаб жасорат, эътиқод ва эзгуликлар бор...*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Ҳаёт йўлида учратадиганларинг – устозларингдир. Уларнинг айримлари кейинги дарсдаёқ эсингдан чиқади, бошқалари эса сенинг ботинингдаги уйда бир умрга қолиб кетишади. Бир шаҳарлик бўласизларми, ҳаётнинг бир бўлагидами – улар энди сенинг ботинингда ва сен қолдирадиган нарсаларда бўлишади.

Куръоннинг «Ал-Бақара» сураси, 157 оятида шундай сатрлар бор: «... улар тирик, аммо буни ҳис қилмайсизлар». Менинг назаримда, булар севимли кишиларимизни йўқотмаслигимиз ҳақида айтилган. На ўлим, на бошқа бирор нарса бир-бирининг қалбида яшайдиганлар орасига ғов бўла олмайди.

Яқинларимизни йўқотгач, улар энди бошқа бир номаълум оламда, дея ҳисоблаймиз. Аммо биз севадиган кишилар доимо ёнимизда. Буни жисмонан ҳис қилмаслигимиз мумкин, бироқ ўзимизга яхшилаб назар солсак, уларни қучоқча олишимиз мумкин.

Ҳар биримиз – кимнингдир нажот фариштаси эканлигимизни асло унутмайлик.

Эртага ашрамдан кетаман. Яна йўлга тушаман. У ёқлардан ёза оламаними-йўқми, билмайман.

Аким

# **31**

*Кема келишини – соҳилда кутма.  
У томонга қараб суз.*

Бу уйнинг соя тушадиган тарафидаги деразалар остида май тонги ҳидини сочувчи кўк-сиёҳранг қўнғироқ гулли аквилегиялар ўсади. «Ким уларни хидсиз дейди?.. Дастребки икки йилда гарчи чириндини мўл-кўл қўшган, яхшилаб юмшатган, ниҳолларни ўргамчаксимон каналардан ҳимоя қилган бўлсам-да, эгатларда улар жуда сийрак эди. Бу ер уларга ёқмади шекилли, деб ўз ҳолларига ташлаб қўйгандим. Улар эса учинчи йилга бориб, шунаقا гуркираб кетишдики, кўзларимга ишонмай қолдим».

Аквилегияларга ҳам худди Земфирага каби қуёшмас, ярим соя жойлар ёқади. «Ёшлигимда ҳаёт ҳақида кўп мулоҳаза юритардим. Бу қанчалар бемаъни иш экан! Сукут сақлаш ва кузатиш – фойдалироқ эмасми?»

Ўзининг шаҳардаги квартирасини қизларига тақсимлаб берган Земфира Абшерондаги отасидан қолган

## **Элчин САФАРЛИ**

ҳовлига қайтиб келди. Гулчилик билан шуғулланади.  
Гуллар унинг жону-дилига айланган.

«Отам чинигуллар етиштириш билан пул топарди. Қизил, пушти, оқ. Улар учун иссиқхона қурган бўлиб, ўша ерда тунаб ҳам қоларди. Мен бу гулларни ёмон кўрадим, отамни улардан рашк қиласдим. Бир куни иссиқхонага чопиб кириб, кўчатларни топтаб ташладим. Отам буларни ким қилганини сезган бўлса-да, тергаб ўтирадилар. Кейинги куни тонгда қўлимдан етаклаб кириб, чинигулларни қандай кўчат қилишни ўргатдилар. Шундан кейин иссиқхонада бирга гўзалик етиштирадиган бўлдик».

Земфиранинг ташқи кўринишида шарқона илдизлар кўзга ташланмасди. Оппоқ терили, малла соchlар, кўзлари эса қишки дengиз тузида.

«Денгиз бўйида гуллар етиштириш осонмас. Тупроғи шўрхок, қум аралаш ва шамоли кучли. Қора тупроқ топиб келганмиз, иссиқни яхши сақлаш учун иссиқхонани оранжерияга айлантиришга тўғри келган ҳамда ойнали ромларни икки қаватли бўлишига ҳаракат қилинди. Озмунча пул кетмаган. Чиннигуллар урфдан қола бошлади. Атиргул ва бошқа экзотик

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

гулларга талаб кўпайганди. Дастрраб иш осон кўчмади. Кизларим чет эллардан келтирилган гулларнинг яшаб кетишига ишонишмаган эди».

\* \* \*

У олтмиш етти ёшга кирган. Биз ойим билан қадрдон қариндошимизни қутлагани бордик. Институт йўлида унинг севимли карнайгулларидан сотиб олдим. Агар Шарқда карнайгулни пинҳоний муҳаббат изҳори, дея қабул қилинса, Земфира учун улар қайта уйғониш тимсоли. «Самед билан ажрашганимдан қайғуга ботган пайтларим бу гулни ўз-ўзимга совға қилардим».

Ойим «Абшерон» тортини кесаётган пайти, Земфира мени боқقا бошлаб кетади ва сариқ атиргулларни кўрсатади. Улар яқингинада очилибди.

У мени исмим билан эмас, «Болажоним», дея чақиради. Сира бошқачамас.

– Кеча неварачам Эля мактабдан кўзи тўла ёш билан келди. Битирув кечаси арафасида йигити билан ажрашибди. Нима қилай, деб маслаҳат сўради. Унга неча марта айтганман, бу борада ҳеч

## **Элчин САФАРЛИ**

кимдан маслаҳат сўралмайди деб! Ҳаёт – тажриба, нима тўғри-ю, нима нотўғрилигини ўзимиз аниқлашимизга тўғри келади.

– Земфира хола, бари бир озгина йўл кўрсатиб юбориши керак-ку.

– Албатта. Ўзимизда ҳис қилганларимизни. Яна олинган билимлардан. Шахсий тажриба қимматлироқ.

– Эля, менимча, қайғураётгандир...

– Унинг ёшидаги муносабатларда сирлилик кўпроқ ўзига тортади. Вақти келади, у ўз кишиси билан ҳеч қандай жумбоқларсиз яктан бўлишни хоҳлаб қолади.

– Эҳ, шундай давр келсаки, ҳамма севгига асосланаб топишса. Зора баҳтли бўлишса...

– Болакайим, унақада унчалар қизиқ бўлмайди.

\* \* \*

«Бир эркакнинг оғушида бутун оламга эга бўлдим. Менга шу баҳтнинг ўзи етарди ва бундан ортиғини кўнглим истамасди ҳам. Биз кузги кимсасиз соҳилда

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

сайр қилғанча, чағалайларга нон ушоқлар сочардик.  
Бошқа ҳеч бир жойга ошиқмасдим ҳам.

Бу севгидан әгизак қызларим дунёга келди. Самед туғруқхонадан түғри соҳилга олиб кетди. Машинани шундоқ тұлқын кескіч ёнида тұхтатди ва биз ўтирдик ҳамда чағалайларни тингладик. «Зема, орзу қилганимдек фарзандларимни денгизга олиб келдім».

Биргаликда етти йилу түрт кун умр кечирдик. Кейин у кетди. Бошқа уйга ва бошқа аёлникига. «Кечир, мен уни севаман». Бу пайтда мен картошка арчмоқда әдим: құлымдаги пичноқ чиқиб кетиб, қорнимга санчиліб қолди. Ўткір оғриқ бошланди.

Мен индамай пешбандимни ечдим-да, елкамга пальтомни ташлаб уйдан чиқдим. То яшил сувұтлари ўраб олган чиғаноққа етиб йиқилгунимча, икки соаттар юргурған бўлсам керак. Қулоқни тешгудек сукунат ҳоким эди. Ҳатто чағалайлар учмасди ҳам.

Бир куни Самедни бозорда учратиб қолдим, у ўша аёл ва унинг ўғли билан апельсин танлашаётган эди.

## Элчин САФАРЛИ

Дастлабки пайтлари кутганман, аввалгидек тўрт кишига тамом тайёрлардим. Кейин бизга хиёнат қилган одамни ҳалиям севаётганим учун ўзимдан нафратланаб кетдим. Бу туйғуларни ўзимдан ковлаб, чиқариб ташлашга уринардим.

Тўрт йил ўзимни лаънатлаб яшадим. Касал бўлиб қолдим. Охири –миома, кейин – операция.

Ўзимдаги изларга кўзим тушиб, улар кимга тегишли эканини эслай олмаган пайтим – халос бўлган куним эди. Янги Земфирага айлангандим. Вақт дардимга даво бўлганди.

Менда илдиз отган бўм-бўшлиқдан бошқа мен туғилди. Менга на яхши ва на ёмон, шунчаки ўзгача эдим, холос.

Мен кўп ишладим, қизларимни вояга еказдим (у эса бирор марта уларни йўқлаб келмади), уйимни бўёқдан чиқардим, вақт ўтиб уни сотиб юбордим ва марказга кўчиб ўтдим.

Бир куни у пайдо бўлди: «Кечир мени, Зема, илтимос». «Мен сени аллақачон кечириб юборганман»,

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

– дедим ва эшикни ёпдим. Бу ғуур әмасди, йўқ... бу янги Земфиранинг қарори эди. Бу эркак эски Земфира га тегишли эди, у эса энди йўқ».

Унинг боғидаги қудук ёнида – уруғи Япониядан келтирилган оқ-қирмизи георгиниялар бор. Кунчиқар мамлакатда ушбу георгиниялар – ҳаётнинг ғолиблик кучи тимсолидир.

Земфира шошилмасдан муз даври ҳақидаги ағсанани айтиб беради. Ўшанда георгиниялар охирги гулхан сўна бошлаган жойда кўкариб чиқишиган ва музлаш агадиймаслиги ҳамда бу ерларга ҳаёт яна қайтишидан белги беришган. Гулларнинг башорати ўзини оқлаган экан.

Стаканчаларга чой қуяди: ўзига тўқ ва қуюқ, менга эса очроғидан. Конфет ва мурабболарни жини сўймайди. Фақат бир-икки бўлак қанд, холос. Қишилари чойга гулоб қўшади. Атиргул гулбаргларидан қайнатиб, буғи совушидан пайдо бўладиган томчилардан йигилган хушбўй шарбатни кеч кузгача тайёрлаб олади.

– Зема хола, менга тоқат етишмайди.

– О, таниш ҳолат, осонгинамас. Гарчи бирор осон

## **Элчин САФАРЛИ**

бўлади, деб ваъда бермаган бўлса-да. Биласанми, форслар тоқатни қандай таърифлашган?

– Қандай?

– Руҳий мардлик... Болакай, бу катта ички меҳнат. Одам – шошқалоқ мавжудот, унга ҳаммасини бирданига бер – севгини ҳам, давлатни ҳам.

– Мен тоқатли бўла олмайман, яшашга шошиламан.

– Бу бир баҳона. Сен олишга шошиляпсан, бу эса бошқа нарса.

– Соҳилда кемани кутиб туролмайман. Унга қараб сузиш...

– Ва ярим йўлда чўкиб кетиш керак.

– Йўқ! Мен унгача сузуб бороламан. Узоқ тоқат қилиш учун ҳаёт қисқалик қилади.

– Болакайим, қулоқ сол. Тугунларни бир йўла ечолмайсан. Албатта, тоқат билан бирин-кетин ва астасекин ечиб борасан. Агар сенинг орзуинг вақт синовига дош беролмаса, бир чақага ҳам қимматдир.

## 32

*Ўз-ўзингча бўла олмасанг, атрофда  
нималар борлигининг қандай фарқи бор.*

Улғайган сарим ботинимда болалик равшанроқ намоён бўла бошларди. Хотираларим жануб шамомидек оқ-қора суратларни елпуғич каби ёйган ҳолда уй эшикларини очиб ташларди: мана сенинг аслинг, бу шарф, пальто ва қулоқчинни аллақачон ечиб ташлашинг керак. «Ҳали мавсуми келмади, ташқарида қиши». Хотираларим эса мусаффо ва баҳтли дамлар – ҳаётимнинг дастлабки йилларини кўрсатарди. «Севги учун фаслнинг аҳамияти йўқ».

Йиллар оша болаликка кўпроқ яқинлашардим. Оқ оралаган соchlаримдан чигалларни ечганча, хом хаёллардан қутиламан ва табассум қиласман. Нима учун биқиниб олган пайтларимнинг бехудалигини тушуниб етаман. Ўзимни оқлашлар эса мўралай бошлади. «Сен шу ҳолда ўзингни асраб қолгансан». Сафсата. Шу ҳолда мен бошқалар каби бўлишга интилганман(гарчи доимо озодлик ҳақида гапирган бўлсан ҳам) – уdda-

## **Элчин САФАРЛИ**

сидан чиққанманми-йўқми, аҳамиятсиз. Муҳими ва кулгили томони шундаки, булар шунга арзимасди.

Одамда то болалик яшар экан, албатта, у ҳимояга олинган.

Мен ўзимдан беркинардим ва қочардим. Аслида унга қайтишим керак эди. Болаликда бари чинакам. Бунинг ўрнига, йилдан-йилга ўтарканман, ноаниқ саробларни яратдим ва уларга шу қадар ишониб қолдимки, қуёшли кунда ҳам пальто, шарф ва қулоқчинни ечмасдим.

\* \* \*

Мен қизиқувчан ва сергайрат, аммо индамас болакай бўлиб ўсадим. Кейинчалик тилга ҳам кириб кетганман, бироқ саволларга жавоб қайтаришга шошилмасдим. Хоҳламасдим. Атрофимдаги табиат шунақанги ранг-баранг овозларға эга эди-ки, сўзлар бўм-бўшдек туюларди. Жим юришни маъқул кўрардим.

Тўғри келгандагина ёки сўзларим бирор нарсани ўзгартира олсагина гапирадим. Масалан, Йўлбарс итимииздан «Бугун хазри аёзларни олиб келади, бо-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

бомга радиодан айтишди. Будкангда ётгин, бўлмаса шамоллаб қоласан», – дея илтимос қилардим.

Асад бобомга гапиришни ёқтирмаслигимни, туйғулар сўзларда ўз сехрини йўқотишини айтардим. «Ойим мендан хафа бўляти, бобо. Мени индамаслигинг билан еб кўяпсан, дейди. Қандай тушунтирай, а? Сехрни йўқотишини истамайман! Атрофдагилар қуруқ сафсата сотиш билан овора». Бобом ё яхшилик билан ёки умуман жавоб бермасликни маслаҳат берди. «Чирогим, агар ёмонлик билан жавоб берсанг, унинг уруғини кўпайтирган бўласан».

У мени кузатувчи, деб атади. «Сенга ҳозир юз бер-раётганлар қизиқарлироқ, вақти келади – сен ҳикоя қилувчига айланасан. Ўзгаришларга шай тур. Умр давомида миянинг тузилиши ҳам ўзгаришини биласанми?»

\* \* \*

Ёзги таътилларни – узоқ кутилган озодлик кунларини орзиқиб кутардим. Айниқса, узоқ-узоқ сайр қилишни, катталар билан уларнинг суҳбатларини тинглаган кўйи ярим тунга қадар бирга ўтиришни. Яна Йўлбарс итимизни тез-тез кучоқлаш мумкин. У билан

## Элчин САФАРЛИ

кatta тут остида осмонда бир-бирига қўшилганча, яхлит оқденгиз ҳосил қилувчи булутларнинг ҳаракатини кузатиб ўтиришимиз мумкин.

Навбатдаги таътиллар арафасида ойим менга Абшерондан уч юз километр олисда, мамлакатнинг тоғлар, дарёлар ва ўрмонлар бор бошқа четидаги ёзги лагерга жўнатмоқчи эканлигини айтиб қолди. «Сен тенгдошларинг билан мулоқотда бўлишинг керак. Алик тоғанинг ўғиллари ҳам боришади». Мен қаршилик билдира туриб бақирдим: «Бормайман!» Ойимнинг жаҳли чиқди. «Биз шунга қарор қилдик. Лагернинг директори дадангнинг дўсти, у ерда сенга яхши бўлади».

Ўз-ўзингча бўлолмасанг, атрофда нималар борлигининг қандай фарқи бор.

Ойимнинг гапларини охиригача тингламасдан хонамга қочиб кириб, худди ухлаётгандек чироқни ўчирганча, қочиш режасини тузаман. «Мактаб тугашига тўрт кун қолди, кейин мени Алик төғанинг зумрашаларига қўшиб қамоқقا жўнатишади. Ҳаракат қилиб қолиш керак».

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Орадан уч кун ўтиб мактабдан қайтмадим. Автобусга ўтирганча, Абшероннинг одам кам яшайдиган, чекка бир посёлкаларидан бирига жўнадим. У ерда иссиқхоналар, эски уйлар ва түядек харсанглар мавжуд экан. Ташландиқ маёқлар. Улардан бирига жойлашиб олдим. Оқ тошдан кўтарилиган, тўғри тўрт бурчакли, ичида айланма зинаси бор. Энсиз деразасининг рафи менга каравотлик қилди. Маёқда – мен, чағалайлар ва Каспийнинг майин шабадаси бирга яшай бошладик.

У ерда тўрт кун бўлдим. Агар миршаблар озиқовқат дўкони олдида мени тутиб олишмаганида, ўша ерда янада узокроқ яшаган бўлардим.

Мутлоқ сукунат ва озодликнинг тўқсон олти соати. Улар ҳақида тез-тез эслаб тураман. Ташландиқ маёқда тасалли топдим – бу нарсани ғафоқат онанг қучоғида, балки мана шундай жонсиз, деб биладиган деворлар орасида ҳам топиш мумкин экан.

Дераза рафида соатлаб ўтирганча, Каспий уфқига термулардим. Денгиз бўйлаб темир контейнерлар юкланган кемалар сузиб ўтарди.

## Элчин САФАРЛИ

У ерда акам иккимизнинг хонамизда тинглаб ётишга ўрганиб қолганим – аzon янграмасди; сояларида иссиқдан сақланиб ўтирадиганим – зайдун ва анжир дарахтлари ўсмасди; бувим шакарбарак пиширганида ишлатадиган – туийлган хандон писта ва хамир ҳиди анқимасди. У ерда бари бошқача эди – на ўтмиш, на келажак. Мен одатдаги машғулотлардан шартта узилиб қолгандим. Аввалига қўрқдим, аммо қўрқувни енгдим ва айни дам билан яшашга ўргандим.

\* \* \*

Рюкзагимда бир шиша сув, иккита кўк олма, тешик кулча, хурмо қоқиси, ручка ва блокнот бор. Тешик кулчани оламан, уни тишламоқ учун чоғланаман. Дераза рафига чағалай учиб келади. У маёқнинг томида ўз полапонлари билан яшайди. Уни Вьюна, деб чақираман. Оч.

Тешик кулчанинг ярмини унга синдираманда, кафтимда эзғилайман. Вьюна очофатларча ташланади. Иккинчи кун Каспийда ҳаво айниганд, чағалайларга балиқтуши осонмас. Ушоқларнинг қолганини чағалай тумшуғига солганча, полапонларига ошиқади. Ойими ни эслайман. Ўзимни юпатаман. «Кўпам қайғурма. Тезда кўришамиз».

Блокнотни олиб, уйимиздан унчалар олис бўлмаган «ўз» соҳилим ҳақида ёзаман. Енгил тортаман. «Қоғозни исроф қилма! Вьюна ҳам агар ҳарфларни таниганида, сенинг ажи-бужиларингни ўқий олмаган бўларди». Шубҳаларимни қувган кўйи ёзишда давом этаман.

Хаёлимга Уста Ниёз келади. «Шубҳаларга қулоқ солма, чироғим. Улар сенга мос сухбатдошлар эмас. Сен, сенинг ёзувларинг, йўлинг, хатоларинг, қаҳрамонликларинг бор – ана шуларга қарашинг керак. Ишонаман, бир куни сенинг ёзганларинг шифокор кучга эга бўлади, илҳомлантиради. Аслида сен ўзинг учун ёзаяпсан. Бирор нарсани тушуниш, ўзингни камолга етказиш ва кимгадир тутқазиш учун. Етиштирганингни кимгадир тутқазмасанг, у ич-ичингдан ёндира бошлайди».

\* \* \*

Роза аммам ҳар сафаридан бошқача тарзда шартта қўлимдан тутади ва эргаштириб кетади. Бўйнига гунафша тусли шарфини ташлайди (қалқонсимон безида ўтказилган опрация чандиғини беркитиш учун), бир сўз демайди. Агар у индамай қўйса, бирор яхшиликни кутмасам ҳам бўлади. Аммо қўрқмайман. Хаёлларим билан ҳамон ўша жойлардаман. Маёқни

ўйлайман. «Выонага нима бўлди экан? Унга тешик кулчалар олиб бориш керак».

Ховлидан чиқамиз. Эшик шамолда ғичирлаб тебранганча, очик қолади. Йўлимизни қўйлар тўсади, чўпон уларни қўйхонага ҳайдамоқда. Яқинда Қурбон ҳайит, улардан бирортаси омон қолмайди. Одамлар Аллоҳдан гуноҳларини кечишини тилаганча, мулланинг фатвоси билан уларни қурбонликка сўйиш учун таламон қилиб сотиб олишади.

Бир гал, Қурбон ҳайит авжга чиқсан пайти, биз ойим билан бир четида қон ирмоқлари оқаётган бозор ёнидан ўтиб қолдик. Қарши томонда бўйни боғланган кўйи қурбонликка олиб кетилаётган қўзининг маъраши эшитиларди. Ойим машина юкхонасига сўйилган қўйларнинг теридан тозаланган тўштларини ортаётган эркаклар томонга қараб турди-да, бошини чайқади: «Одам хом хаёллар ўйлаб топади ва уларнинг чинлигига ишониб яшайди».

...Кўйлар ўтиб бўлишади ва биз йўлда давом эта-  
миз. Тош деворларга эга ҳали битмаган икки қаватли  
бинога яқинлашамиз. Ховлида дарахтлар йўқ, ҳамма  
ёқни ўт босиб кетган. Деворга дарвоза, уйга эшиклар  
ўрнатилмаган – кириш bemalol.

Иккинчи қаватта күтарилими, у ердан атрофдаги уйлар яхши күринаади. Бу күчада камбағаллашган кишилар, собиқ балиқ консерва заводи ишчилари яшайди. Қайта қуришдан кейин завод ёпилди, одамлар ишсиз қолди. Роза аммам қўлимни қўйиб юбормасдан балконга олиб чиқади ва томи похол ва синиқ шиферлар билан ёпилган кулбага ишора қиласди.

Кулба ҳовлисида бир эркак пайдо бўлади. У аравачага малла соchlари узун қизалоқни ўтқазиб, ҳовличасида айлантира бошлайди.

«Бу қизча оғир касал, ҳар бир кун унинг сўнгги куни бўлиши мумкин. Эркак эса унинг дадаси. Тушлик пайти ишдан уйига югуриб келади. Тўшакка михланиб қолган қизини аравачага ўтқазиб, ҳовлини айлантиради. Мен бу оилани биламан. Топганлари ейишга етади, холос. Шунинг учун дадаси икки жойда ишлайди. Қанчалар қийин бўлмасин, қизи билан бирга бўлиш учун вақт топади. Унга оғир, у ҳам чарчайди, жаҳли чиқади, аммо уни севадиганлар ва ўзи ҳам севадиганларни ташлаганча, қочиб кетмайди. Буни – маъсулият дейдилар. Буни ўзингда тарбияла ва итоат эт».

\* \* \*

Күп йиллар мен деразаси ўтмишга қараган бўй-бўш хонада яшадим. Хона деворларига оқ-қора фотосуратлар ёпиширилган. Хира тасвиirlар, жилмайган ва жиддий тортган, хомуш чехралар. Уларни кўрмаслик учун чаппа қараб ўтираман. Нигоҳим мавжланаётган денгиз кўриниб турган деразага қаратилган. Нотинч ҳамда долғали денгиз қаърига мени орқада қолган ҳаётимга тортиб кетадиган тўрлар ташланган.

Ўтмиш хонасига тушиб қолганимдан кейин тоқат-сизланардим: ким мени бу ерга қамаб қўйди? Ким айбдор? Шарт-шароитларми, вақтми ёки одамларми? Ўзим эмас-ку! – ўз-ўзимни ожизларча оқлардим.

Тун бўйи тўлқинлар кучаярди, мен эса даҳшатга тушардим. Деразаларни тўсиш учун на карнiz ва на пардалар бор эди. Ўтмиш фарёдларини эшитмаслик учун қулоқларимни қўлларим билан беркитиб олардим. У бамисоли қўйиб юборганларимни ҳамда унуганларимни эслатганча, тўлқинлар билан хонамни тўлдиради.

Кучларим қолмаганди, чаккаларимни дераза ойналарини синдириш ва ташқарига қочиб чиқиш истаги

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

ёриб юборай, дерди. Ниҳоят, менинг тоқатим тугади. Мени қўрқувга солаётган бўлса-да, ўша йўл очилди – ўзимни сувга отдим.

Оғриқли бўлса ҳам қутулиб чиқдим. Тубгача шўнғидим ва олисдан хирагина кўринаётган ёруғлик томон сузиг кетдим. Мен унга ишондим. У ерда, илиқ нурлари билан мени ўтмишдан қутқариб қоладиган айни дам кутарди.

# 33

*Хотиралар ҳам воқеликдир.*

Уўзнинг етмиш олти ёши билан фахрланарди. «Бунча яшай олганимга ўзим ҳам ҳайронман», – посёлкада Анжирчи, деб аташадиган қўшни кампир жилмаяди. Уни ёшлигимдан бери биламан. Ойим ундан пирог пишириш учун анжир қоқиси олиб келишга юборарди.

Кўпинча мен Наргиз момоникида ушланиб қолардим. У мени анжирзорига олиб кирап, дараҳтлари билан танишириар, ҳар бирининг ўз номи, феъл-автори ва тарихи ҳақида сўйлаб берарди. «Дараҳтлар ҳам одамларга ўхшайди. Аммо гап сотишмайди ва биздек ношукур бандаларга хизмат қиласеради».

Наргиз момо дунёning ярмини айланиб чиқкан. Тўкувчи, денгизчи ва қандолатчи бўлиб ишлаган, охирни қочиб кетган жойига қайтиб келган. Яъни Абшеронга – анжир дараҳтларига. Энди яна уларни парваришилайди, меваларини териб, мурабболар пиширади ёки қоқи қиласади. Катта қисмини сотади ҳам.

## Элчин САФАРЛИ

«Бошқача бўлиб қайтдим. Аввалги Наргиздан асар қолмаганди. Анжир дараҳтидан ҳам кўра кучлироқ севадиган кишиси ҳалок бўлган куни. Эркак одамга сингишиб бўлмайди, дейишади. Мен эса сингишиб кетмадим. Мен унинг ўзига айландим. Ундан ўзимни дўзах азоблари билан айира олдим».

\* \* \*

*Анжир дараҳтлари болаликдан унга дўст эди. Кичкина уйнинг катта боғида фақат анжирлар ўсади. Бошқа дараҳтларни нимага экшишмагани ҳамон номаълум.*

*Наргизларнинг оиласида эркаклар йўқ эди. Кимлардир ўлган, бошқалари эса кетиб қолганди. Аёллар овозига тўла бу ҳовлида фақат Қочоқ лақабли итгина эркак жинсига мансуб бўлиб, ҳовлининг қўриқчиси эди.*

*Уйдаги тўрт аёл – Наргизнинг бувиси, ойиси ва аммаси эркакларсиз ҳам бемалол кунларини кўришар, қўллари доимо иш билан банд эди. Ойиси ва аммаси консерва заводи хўжайини уйида хоналарни тозалаб, каттакон ошхонасида куйдир-пишир билан овора эдилар. Бувиси мурабболар қайнатар, қоқи ва қиёмлар қилганча, бозордаги сотувчиларга ўтказиб келарди.*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

*Наргиз нима қиласы? «Неварам анжир дарахтларини парвариши қиласы. Яхшиям шу дарахтлар бор экан, бўлмаса очимиздан ўлардик», – дерди Бадрия буви қўшиниларга. Қизалоқнинг ўзи дўстидек бўлиб қолган дарахтлар орасида ўтказган соатларидан сира ҳам нолимасди – ҳали кичкина бўлишига қарамай буларни баҳт, дея ҳисобларди. Дарахтлардан лаззатланар, уларнинг борлигидан қувонарди: осмонга боққан кўйи «раҳмат», дея пичирларди.*

*Наргиз ва анжир дарахтлари – якдил олам бўлиб, унга бегоналарни киритишмасди. Сиртдан бу алоқа оддийгина кўринарди: ориқ, соchlари узун қизалоқ бояни парваришиламоқда. На Наргиз ва на анжир дарахтлари очмаган бу сеҳрга камдан-кам одамгина эътибор қаратарди. Қаратган тақдирда ҳам, бироннинг сирини очмаслик учун индамай қўя қоларди.*

*Наргиз улғая бориши билан дарахтлар уни ўзларидан ажратиб ташлайдиган одам пайдо бўлганидан огоҳлантиришарди. «Унинг бошқалардан қандай устуnligi бор экан?» Дарахтлар силлиқ баргларини тебратганча, жавоб беришарди: «Сенинг юрагинг». Наргиз бошини ҳам қиласы-да, қудуқдан сув келтиргани кетарди. У одамлар севгидан кўра кўпроқ ёмонлик келтиришларини биларди.*

## Элчин САФАРЛИ

У сершовқин шаҳардан бу ярим оролда ресторан қуриш учун бир парча ер топишига келган Қора Булутни яхши эсларди. Наргизларнинг уйи денгизга яқин, кенг ва мўл, текис – Қора Булут шу ерга кўз тикди. Пул олиб келди – бувиси ҳайдаб солди, Қочоқ ҳуришига зўр берди. Қора Булут чекинмади, уйларига ўт қўйши билан таҳдид қилди.

Кўшнилар унинг ўз мақсадидан қайтишига ишонмасдилар. Мунципалитетга қилинган шикоятлар жавобсиз қолди – ҳамма Қора Булутдан қўрқарди. Ташибшига тушиган Наргиз ҳар куни азонлаб турганча, Ўша-Ҳамма-Жойдага илтижолар қилди.

Шу билан Қора Булут бошқа бу ерларда пайдо бўлмади. Хонадондаги аёллар ҳайрон бўлишиди, кичкина Наргиз эса дараҳтларни суғораркан, шодликдан ўзига келолмасди. «Демак, бизни эшишишаркан!» Ёмонлик билан тўқнашув унга яхшиликнинг қудратини кўрсатди.

\* \* \*

Энди у тушга, бошқа бирор ҳақидаги эртакка ўхшаш бу воқеани камдан-кам эсларди. «Мен кичик ёшимдан ажир дараҳтлари қуршовида яшаб ўтишимни яхши англардим. Улар каби ташқи оламдан яшириниб олгандим. Одамлар анжир гулламайди, дейишади. Аммо

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

баҳор келиши билан уларда миттигина нокчалар пайдо бўлади. Гулчалар ана шуларнинг ичига яширинган».

У бир маротаба севган. «Мен ҳозир ҳам севаман. Фақат энди бу севгининг сарҳадлари йўқ, уни атрофимни ўраб турғанларга улашаман. Нимаки юз бермасин, бари бир. Худди қўшиқдагидек. «Майли севги қайғу бўлса ҳам, усиз яшаб бўларми асло».

\* \* \*

*Улар яланғоч ҳолда анжир дараҳтининг ер юзига чиқиб қолган илдизлари орасида ётишарди. Ёз пайтлари бу ерга одамлар деярли келмайди: абшеронликлар орасида Қинғир For заҳарли илонлар макони сифатида машҳур. Нази ва Голиб учун бу ер жуда соз, кекса дараҳтининг паноҳида улар ўзларини исканжага олган ва анисли анжир мураббодек қайнайётган эҳтиросларидан бошқа ҳеч нарсадан қўрқишмайди.*

*Қиз йигитнинг буғдойранг баданига суйқалади ва бошини кўкрагининг чап томонига қўяди. Ўзини тўлдираётган ҳиссиётларига қулоқ тутади ҳамда тинглайди. Гўё бутун вужудидаги ҳаёт асов дарё каби йигитга оқиб ўтаётгандек, аммо уни қувват тарқ этмайди. Аксинча. Бошқа Наргиз дунёга келади, унда эса севги янада кўпроқ бўлади.*

## Элчин САФАРЛИ

Йигитнинг юрак уришларини тинглаганча, мудраб кетади... Кутилмагандында уйқу ва бедорлик сарҳадида шивирлашни эшитиб қолади: «Бу сизларнинг охирги учрашувингиз». Чала уйқу ҳолида қайғули сўзларни ҳайдашга улгурмасидан Голиб уйғониб кетади. Унинг соchlари чулғанган бўйнидан ўпади. Қўйиб юборишни ҳеч ҳам истамайди.

\* \* \*

Менга ҳаёт сўнгида олдинга бошлаб борадиган йўлларни ёдлаб олишимга ёрдам бер. Ўтган ҳаётдаги сенинг қўлларинг, соchlаримда изларини қолдирган бармоқларингни ҳамон эслайман, дея айтишим учун. Сенинг елкаларингни қучиши ва ўзимизда қолган денгизни тинглаш учун. Сендан ақлга ёки атрофдагиларга эмас, юрагингга қулоқ солишини илтимос қилиши учун. Мана шу ҳолдагина бизга тақдир қилган барча ҳаётларда учраша оламиз.

Сен мени қўйиб юборишингдан қўрқмайман. Мен билан ҳеч нарса юз бермайди ҳам. Зеро, севғувчи юрак – барҳаётдир. Мен зерикмайман ва сени қайтаришга уринмайман. Чунки ботиним сарҳадида биз ҳамон биргамиз. Хотиралар ҳам воқеликдир.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

\* \* \*

Наргиз Фолиб билан қочиб кетганлигини ўз уйида-  
гилардан бўлак кўпчилик сезмади ҳам. Улар анча йил-  
лар бефарзанд яшашса-да, Наргиз ундан ажралиш ва  
уйга қайтишни истамади. У ҳатто эрининг бошқа аёл-  
дан фарзанд кўриб, уни ташлаб кетганида ҳам кутиб,  
ортига қайтмади. Олисдан бўлсаям қорасини кўрсам  
бўлди, дея умид билан яшайверди. Унга оғиз солган  
эркакларга рад жавобини берарди. Севгилиси бошқа  
оиласи билан яшайдиган қўчадан автобусда ўтиб ке-  
таётиб, унинг эшигига қараб қўяр, ўзини кўриб қолса –  
то ўтиб кетгунча кўзини узолмасди. Ана шундай кун-  
лардан бирида эшик олдида жанозага йиғилганларга  
кўзи тушиб, юраги орқага тортиб кетди. Энг яқин бе-  
катда тушиб қолиб, ортига пиёда қайтди. Адашмаб-  
ди, собиқ эри йўл ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юм-  
ган экан. Суриштириб, марҳум қўйилган қабристонга  
йўқлаб борди. Ҳали совумаган гўр тупроғини қучоқлаб  
йиғлади, рози-ризочилик сўради. Шу пайтда устига  
келиб қолган эрининг бевасига кўзи тушиб, бошини  
эккан кўйи олислашди. Энди уни бу шаҳарда ушлаб  
турадиган ҳеч нарса қолмаганди. Шундагина у анжир-  
зор боғларини соғинганини эслаб, ортига – Абшерон-  
га қайтди. Бадрия бувиси оламдан ўтиб кетган, ойиси  
ва аммаси ҳам анча қартайиб қолишган экан.

\* \* \*

Қариндошлар аллақачон ўлиб кетишиган. Эски уй ва анжир дараҳтлари билан бирга фақат ўзигина тирик. Эртанги кунга назар ташламайди, вақт унинг учун келажакка эга эмас. Айни дамда ҳаммаси шуерда жам.

«Мендек соғлиғи noctor ва бир жойга бориб қолган ёшдаги аёллар учун келажак ҳақида ўйлашнинг маъноди йўқ. Бу замин ҳаётида мени ҳадемай тушириб юборишади, дея ҳадиксираб турадиган чиптасиз йўловчиман. Сўнгги манзилимга эсон-омон етиб олишимга ишонмайман. Мулоҳаза юритаман: менинг борлигимни билиб қолишлари ва поезд бошлиғи бирор яқиндаги бекатда тушириб қолишини кутишим керакми? Ёки тезлиқда кетаётган уловдан ўзимни ташлаб юбрайми?..

Чироғим, эътибор берма, бу фикрлар ҳар кимда, ҳатто энг баҳтли одамнинг ҳам онгининг бир бурчидаги яшайдиган чорасизликдан бўлади. Мен ҳаётимни хоҳлаганимдек яшадим. Кимдир ҳарактларимни ақлсизлик, деб баҳоласа ҳам, мен қилганларимнинг барчасини севардим. Қандай замонлар эди-я...»

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Тиззаларига қўлини тираганча, Наргиз буви эрталаб қайнатган янги қиём билан банкаларни тўлдириб чиқади.

\* \* \*

«Анжир дарахтлари бошқа жойлардан кўра Абшерон заминида яхши ўсади. Бизнинг мевалар исроилникидек катта-катта бўлмаса-да, аммо сап-сариқ ва ширин таъмли. Уларнинг умри узокъмас, эрталаб узсанг кечга бориб ачиб қолади. Шунинг учун тезроқ қиём қайнатишга тушаман».

Бадрия буви анжирларнинг думини кесиб, тўрт бўлаклаб чиқади ва чўян кастрюлга ташлайди. Наргиз стаканлаб шакар ўлчайди. Кастрюлни оловга қўйишдан олдин Бадрия буви сандиқдан зираворлар халтачасини олади(донадор қора мурч, анис, занжабил таёқчалари) ва «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», – деганча анжирлар ичига ташлайди.

Наргиз қиёмни қайнатиши ва паст оловда ковлаштириб туриш учун ўчоқقا ўтин қалайди. Қиём қуюқлаша бошлиши билан Бадрия буви кастрюлни ўчоқдан олади ва зираворли халтачани қиёмдан олиб қўяди. Совуган қиёмни янада майин чиқиши учун ёғоч тўқмоқ билан енгил-енгил туйиб чиқади.

# **34**

*Сенинг уйғонганинг ва  
чинакамига яшаётганинг баҳтдир.*

Шаҳар ҳам худди севимли кишингиздек бўлиб қолишини сезганмисиз? Усизни ҳис қиласи, ғамхўрлик кўрсатади, борини баҳам кўради ва ўз ўрнида сиз ҳам борингизни (хоҳ катта ёки кичик бўлсин, ўйлаб ўтирмасдан) у билан бўлишасиз. Шаҳар билан худди суюкли инсонингиз каби муносабат ўрнатасиз. Гоҳида ундан азизроғи топилмайди, гоҳ эса уни кўрарга кўзингиз йўқ. Аммо не бўлганда ҳам юзадаги беқарор тўлқинда эмас, чуқурлиқдан жой олган бир нарса бор. Унинг номи – МУҲАББАТ!

\* \* \*

Университетнинг иккинчи курсида, сессиянинг иккинчи имтиҳонини топширгандан сўнг, биз дўстим Беҳрўз билан вокзалга югурдик. Дуч келган биринчи поездга ўтирдик ва Истанбулда пайдо бўлдик. Стипедиялардан орттириб йиққанимиз олисга бориши тугул, унчалар узок чўзилмайдиган саргузаштли сайр-саёҳатга ҳам аранг етарди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Уйда, яъни Абшеронда ота-онам, акам, бобом ва бувим, итимиз Йўлбарс ҳамда буқчайган дарахтлар, шунингдек, буларнинг устига мароқли ўкиш жойим турганда қаёққа боришим мумкин. «Биз ерда ўз режаларимизни тузатгандан пайтимиз, тепада – булутлардан юқорида кутилмаган ҳодисалар ва тасодифий учрашувлар тайёрлаганча, устимиздан кулишади», – дерди Сўна бувим.

Хайдарпошшо вокзалида пайдо бўлиб қолганимиздан кейин, юксак деворлар ичра очилган баҳайбат эшиклардан чиққач, зиналардан тушиб бордим ва Босфорни кўрдим. Севиб қолдим.

Катъий режалардан бирор нарса чиқиши даргумон. Оlam воқеаларни ўз билганича ривожлантириб боради ва оқибатда барчаси яхшиликка бўлиб чиқади.

Босфор билан илк учрашувим – менга нимани билишни хоҳлаётганим ҳақидаги ҳиссиётни тухфа қилди. Севгининг гўзаллиги, қудрати ва бесарҳадлигини. Менинг тасаввурларим қанчалар хато экан! Севги узоқ муддатли башоратларни, ҳимоя реакциялари ва мавҳум ўхшатишларнинг бошини оёғидан қиласи. Дарёнинг уммонга қуилишига ғов бўладиган нарса-

ларни ювиб ташлайди. Сенга бош эгишдан бошқа чора қолмайды, аммо бу чорасизликмас. Аксинча, баҳт – ниҳоят, сени уйғонганинг, чинакамига яшаётганингдир.

Мен шаҳар ва унинг бўғозини севиб қолдим. Бу туйғуни, аввало ҳис қилганларим билан солиштирмадим. Ҳатто буни истаган тақдирингдаям қиёслашга тўғри келмайди – бошқа муҳит, бошқа босқич.

Ўшанда, соҳилда ўзимни йўқотиб қўйдим, яъни Босфорни кўзим қамрай олмасди. Унинг тўлқинлари шамол нафаслари остида кўпикланар, чағалайлар улар узра нотинч қанот қоқарди. Бўғознинг нотинчлиги менга ҳам кўчди. «Босфор – бамисоли биёбон. Фақат у сувдан иборат», – ўйлардим фонор устунига суюнганча. Сал нарида Бехрўз тоқатсизланарди: «Э, кетдик бу ердан! Қара, қанақа тўлқинлар, ивиб кетамиз. Ярамас бўғоз бизни ёқтирумаяпти».

Тўлқинлар туйғуларим соғлигини синамоқчилик таҳдид солганча, янада яқинлашарди. Босфорни янада кучлироқ севиб қолдим. У тасаввур қилганим каби бўлмагани учун. Янада теранроқ ва ростгўй, сирини дуч келганга очмайдигани учун.

## Элчин САФАРЛИ

Үша учрашувдан кейин анча йиллар ўтди, мен эса Босфор тўлқинларининг илк томчиларини ҳамон эслайман. Бехрўз бўғоз мени ўзидан итарган, деб ўйлаган. Аслида у менга шифо берганига кўп йиллар ўтиб амин бўлдим.

Мен дengиз бўйида туғилдим ва вояга етдим – биринчи тўлқинлардан олти юз саксон етти қадам берида. Шунинг учун усмонлилар пахлаваси қаватлари учун хамирни тўрпарда даражасида ёя оладиган қандолатчи-пахлавачи сингари сувнинг туслари, кудрати, ҳатто товушини фарқлай оламан.

Босфор яраларни тузата оладиган ва ҳаётга қайтадиган кучга эга. Уни мусиқа асбобини маромида созлай оладиган уста – асбобсоз дейиш мумкин. Мен кўплаб дengизлар, бўғозлар, уммонлар билан учрашганман. Улар ажойиб, аммо бошқача тарзда. Бироқ мен билган Босфордек эмас.

Истанбул заминида ҳам қочиб бўлмайдиган оғир кунларим кечган. Бир неча бор тош деворлар, йўллар, «ўзимники бўлмаган» одамларни тарк этганча, Босфорни кесиб ўтувчи паромга чиққанман – ва шу онда сеҳргарлик бошланган.

## ДЕҢГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Бир-бирларига мухим ва беҳуда нарсаларни қич-қираётган чағалайлар, оқ-жингалак ёлли тўлқинлар, бир-бирини гудок билан шарафлаган кўйи ўтаёган кемалар, палубадаги бир стакан қайноқ чой, иккала қирғоқдан ҳам абадийлик ҳақида эслатганча, янграётган аzon товушлари, зарғалдоқ уфқдаги осма кўприк.

Саёҳатнинг бир неча дақиқасидан сўнг уйилган қошлар текисланади ва нафас олиш маромига кела-ди. Босфорга кўз югуртираман ҳамда жилмаяман. «Ташаккур сенга, дўстим. Биз сендан қўп нарсаларни ўрганишимиз керак...» Масалан, беғараз муҳаббат санъатини.

Босфор жавоб бермайди, фақат кучли тўлқин билан паромни олға итариди.

**35**

*Ёруғлиққа қараб юр.*

Катта шаҳарлар ухламайди, дейишади. Бу гап Истанбул ҳақида эмас. Қоронғитушиши билан шаҳарнинг бир қисмидан бошқа қисмига одамларни ташувчи ватурилар тўхтаганидан кейин, шаҳар уйқуга кетади.

Шунда пристанлар ёпилади, ёғоч трапларнинг темир ғилдираклари ғичирлаши тинчийди, кемаларда чой дамлаш ва пишлоқли қотирма нонлар ёпиш тўхтайди. Бўғознинг қоп-қора сатҳида онда-сонда ўз денгизларига қайтаётган адашган танкерларнинг чироғи милтиллай бошлайди.

Босфор – Истанбулнинг биринчи аzon янграши билан ўз дерезаларини очувчи уйи бўлиб, ярим тунда осудаликка чўкади. Уйдан ташқарида нималар юз бермасин, бўғоз усиз заминдаги тартибсизликда ўзини йўқотиб қўювчи ўз сокинлигини ҳимоя қиласди, севади ва асрайди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Сиртдан Босфорнинг узунлиги ўлчовли – ўттиз чақирим, лекин қалбининг кенглиги ўлчов билмайди. Асрлар давомида бўғоз унинг соҳилига келганларга севги, ҳис қилиш ҳамда илҳом баҳш этади.

Фақат инсон жисмоний қоплам билан қуролланган ҳолда ё қалбини дунёга очиб янада бойийди ёхуд ўзини худбинлик билан барбод қилганча, ёпиниб олади. Кейин нима бўларкан, деган ҳадикда танловдан азобланади ва ёруғликка қараб қадам ташлашдан ҳайиқади.

Истанбулда ҳар кимнинг бир парча соҳили, ўз чағалайи ва бир финжон чойи бор. Шу ҳисобда менинг ҳам. Кечалари кўчалар лабиринтидан уйга қайтаман. Осмонга қарайман ва у бизларни эшитади, ҳимоя қиласди ва севади, дея ишонгим келади. Гарчи, бунга шубҳа қилсак-да.

**36**

*Барча муҳим нарсалар ёнимизда.*

Истанбул қиссалар сўзлайди. Уларни ҳамма ҳам эшитолмайди. Кимки ўзини эшита билса, уни бошқалар ҳам тинглай олади. Бир хиллар учун Истанбул – кўча тиқинлари билан тўла дағал мегаполис, бошқалар учун – ҳамма ердаги каби ҳеч кимга тегишли бўлмаган тарихлар хазинасиdir.

Хазина омборига кириш – бу ерга келадиганларнинг ҳаммаси учун bemalol бўлса-да, ҳар ким ҳам у ерга бош суқавермайди. Одамзоднинг энг катта хатоси – бу барча муҳим нарсалар ёнида туриб, «ўзиники»ни излаб дунё айланишидир.

Кадикёйдаги бандаргоҳда кечки вапурдан тушман, соҳил бўйлаб ўнгта қараб юраман. Одатда, тепага, яъни Мода кварталига – ўзим яшайдиган бурама зинали ингичка тўрт қаватли уй сари кўтарилеман. Бугун эса йўналишни ўзгартирдим – менга сукунат керак.

## Элчин САФАРЛИ

Бу ерда сукунат кўча мусиқачиларининг бошни айлантирадиган нағмалари, гулчи лўлиларнинг бақирчақири, лангар ташлаётган ва жўнаётган кемаларнинг чинқириғи, светафорларнинг: «Энди қарши томонга ўта оласиз», деган эълонлари аралаш бандаргоҳ шовқинидан қирқ беш қадам берида эканлигини ким ўйлабди, дейсиз.

Кичкина хиёбонни кесиб, пастгина девордан сакраб ўтаман ва тошли соҳилда пайдо бўламан. Ташландиқ маёқقا қараб бораман. Ҳар томонда тешик кулча-симитлардан тўкилган кунжутлар, илма-тешик балиқчилик тўрлари, ўлган чағалайларнинг қанот ёзган қолдиқлари. Маёқнинг тош пойдеворига муҳаббат изҳорлари ёзиб ташланган. Маёқ ёнида ўтираман, ҳар томонда – Босфор. Оғир сукунат мени эзади.

Бу ерда Кадикёй бандаргоҳидаги қиёмат туш бўлиб туюлади. Оломон худди чумоли уясидаги каби ғимирлайди. Ҳамма шошилади(кўпчилиги бемаъно), кўплар эса тўхташдан қўрқади.

Оқимни кузатаман ва мулоҳазага бериламан: замонавий одамзод яхши томонга ўзгарайтими? Ҳам – ҳа, ҳам – йўқ. Бизлар бамисоли сакраш арафасидамиз

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

– агар күп нарсаларни йўқота туриб ўзгармасак, бир-биirimизни тинглашни ўрганмасак – ўзимиз қиёматни қўптиришимизни англай бошлаймиз.

Агар болаликда мени деталлар – акам иккимизнинг Хотиралар ғоридаги ўйинчоқлар, бувимнинг дезразаларидаги алоэлар, нонуштага тортиладиган иссиқ сомса хиди, саҳифалари учиб тушадиган сарғайган китоблар ва чорбоғ деворларига ювиб осилган гиламлар қизиқтирган бўлса, – йиллар оша умумий нарсалар диққатимни жалб қилмоқда. Истанбулда яшаётган пайтим қанчалар шошилмай, доимо бир дақиқага Босфор уфқига қараш учун тўхтайман. Етишмоқчи бўлган манзилим сари олға боқиш менга ёқади.

Чинакам гўзаллик оғушида атрофга олазарак бўлиш – одатга айланмаслиги ҳақида ўзимга эслатиб қўяман. Орқага узоқ пайт қарасанг, йўлдан адашасан ва ҳали етолмаган манзилларга интилиш лаззатидан айриласан.

# **37**

*Бизлар турлимиз, аммо яқдилмиз.*

Уйимга қайтаётиб, Мұхрдор күчасидан ўтаркан, «Ақмар» китоб пассажига мұралайман. Бу ерда кечки саккизларгача Энгин-бейнинг дўкони очиқ бўлади. Кўзойнак таққан, паст бўйли бу оқсоқол чойли стакани билан ўтиради.

Сарғайган китоблар тахи ортидан унинг бўйи базур кўринади. Аммо овоз чиқарганча, китоб мутолаа қилиши яхши эшитилади. «Болалиқдан ичимда ўқишини сира ўргана олмадим... Ота-онам мени докторлар ва табибларга қанча олиб боришиди – фойдаси бўлмади. Шундан бери бошқаларга халал бермаслик учун ёлғиз қолишга уринаман. Яхши китоб – сехргар. Бундайларни қалб билан қабул қиласан. Менга ташқи томон – сюжет, усул, қаҳрамонларгина эмас, балки ички томон, яъни коса таги нимкоса каби яширин маънолари ҳам муҳим.

## Элчин САФАРЛИ

У «Акмар»да ишлайди ва яшайди. Асли қадикёйлик бўлган Энгин-бей уйсиз қолди. Хотини ўлди, яккаю-ягона қизи турмушга чиқди. Эгиз фарзанд кўрди ва гитарачи-эри билан отасиникига кўчиб келди. Албатта, квартира торлиқ қилгани айни ҳақиқатдир. Жанжаллардан бирида қизи отасига – уларни тинч қўйишини талаб қилди: «Сен ўз китобларинг билан кўп жойни олаяпсан!» Энгин-бей ғурурли эркак. Иккита жомадонини олиб (бирида кийимлари, бошқасида китоблари) уйидан кетди.

Мен у билан анчадан бери таниш бўлсам-да, яқин-гинада унинг кечмишидан воқиф бўлдим. Одатда, донишманд букинист ўзи ҳақдамас, кўпроқ китоблар ҳақида гапиради. «Нима бўлган тақдирда ҳам, қизимни яхши кўраман. Ишлаб топганимни уларга элтаман. Ойшанинг эри ишламайди. Худо кўрсатмасин, невараларим оч қолишимасин дейман-да. Ахир улар катта бўлишмоқда, яхши овқатланишлари керак».

«Акмар» директори Энгин-бейга пассаж омборчалиридан бирида яшашга изн беришди. «Бу ердан Босфорга бир қадам. Бахт бу».

Чехов ҳикоялари тўпламини сотиб оламан. Етмиш тўққизинчи йилги нашр. Оқ ва юмшоқ жилднинг бур-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

чаклари қайрилган, сахифалари қүёшдан сарғайган. Китобни очаман, биринчи сахифага табрик ёзилган. Майда, лекин сиёҳ рангли ёзувода эди.

*«Бугун сенинг кунинг, ойи. Менинг ибтидом, қувватдан иборат аёл, таянчим. Бизлар турличамиз, аммо якдилмиз. Сенга бўлган туйғуларимни ифодалай олмайман. Бу сўздан юқори. Сен нимагаки қурбинг этса берасан, бу менга ибрат. Сен менга акамни совға қилгансан, у мендан катта бўлса ҳам уни оналарча севаман. Сен менга Истанбулни совға қилдинг – бу шаҳар бир умр бизники. Агар яна дунёга келиш насиб этса, сенинг қизинг бўлиш ва Истанбулда яшаши истардим. Туғилган кунинг билан ойижон! Ишқ. 9.11.80».*

Энгин-бейдан бу китоб қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолганини сўрайман. «Шоир Латифий кўчасидаги беш қаватлини бузишаётган экан. Мен ўтиб кетаётган эдим ва қурувчилар ахлат қутиласига чилвирланган китобларни олиб кетишаётганларига кўзим тушди. Уларни сўраб олдим. Орасида шу китоб ҳам бор эди. Менда унинг бошқа – икки йил кейин чиқарилган, қаттиқ жилддаги, вараклари ҳам қалин нашри бор эди».

Унинг севимли адаби – Чехов. Энгин-бей, айнан Антон Павлович рус адабиётини янги йўналишга со-

## Элчин САФАРЛИ

либ юборган, дея ҳисоблайди. «Ёшлик пайтларинг ҳаётга ўз норозиликларингни тақдим қиласан ва исён кўтарасан. Нималарнидир бермаганликда, етарли дарражада қадрламаганликда айблайсан. Йиллар оша тинчланиб борасан. Бу ожизлик ёки ютқазиш эмас. Шунчаки ҳамма саволларни ўзингга бериш кераклигини англайсан. Одам омадсизликларини ўз танловидан бошқа ҳар қандай нарса билан оқлади. Ҳаёт эса... У ўтаверади. Ердаги ҳамма нарса сингари. Антон Павловичда эсингдами? «Ҳаётда сюжетлар йўқ, унда ҳаммаси аралаш – теранлик саёзлик билан, буюклик тубанлик билан, фожеа эса кулгу билан».

Китоб ҳақини тўлайман-да, уйга отланаман. Энгинбей бирга юришни таклиф қиласди. «Сен Йогуртчи хиёбони томонга, тўғрими? Йўлимиз бир экан. Мен Бағдод кўчасига бораман, бир дўстим касал бўлиб қолибди. Унга Диккенсни олволдим».

Пассаждан чиқамиз. Йўлда давом этишдан олдин букинист номи ёзилган пешлавҳага қараб олади-да, хўрсинади.

«Акмар»нинг келажагидан хавфдаман. Бирдан уни бузадиган бўлишса-чи? Модада қанча иншоатларни бузиб ташлашди. Наҳотки улар бу биноларда Истан-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

бул рухи яшашини англашмаса? Эски, автомобиль қўйиладиган майдончасиз бўлса ҳам, аммо жонли-ку! «Акмар»га тиш қайраб юрганларини биламан. «Акмар» ҳақида газеталарда «иблис малайлари макони», деб ёзганларидан бери... Бу ерда фойда оқиб келадиган бошқа бир муассаса қуриш мумкин бўлган бир пайтда, арбобларга қандайдир китоб пассажидан не фойда? Сал нарида осмонўпар зангори «Хилтон»ни қозикдек қоқиб қўйишиди. Ердаги ҳеч нарсага боғланиб қолиш керак эмас, бари ўткинчи, дейишади-ку. Кадикёй ҳақида гап кетганида бундай демаган бўлардим».

Энгин-бейнинг болалиги ўтган кўчаларга яқинлашамиз. У Қизилтупроқдаги «Фенербахчи» стадиони рўпарасида жойлашган қизгиш уйда туғилган. Унинг қизи ҳам шу ерда катта бўлган. Энгин-бей дам олиш кунлари қизи Ойшани «Рекс» (собиқ «Аполлон») кинотеатрига олиб борганларини хотирлади. Ўша йилларда ҳали попкорнларни сотишимасди, шунинг учун Энгин-бей Ойша билан уйида бодроқ қовуриб олишарди.

Кинодан сўнг шоирона тарзда Қуёшли боғ, деб аталган кўчадаги «Чия» ошхонасига кириб ўтишарди. Бу ерда жуда ширин таомлар тайёрланади! Улар «Чия»га етиб олгунича йўл бўйида қийма ўралган юпқа-лаваш

## **Элчин САФАРЛИ**

пиширадиган аёлларга кўзи тушган Ойша дадасига биттасини олдирап эди.

«Чия»да ошхона хўжайини Муса-бей олдимизга келиб, турли таомларни тавсия қиласарди. Ойша эса тўйиб кетган қорнини силаганча, чиройли нағмалар кўрсатарди. Мен ўзимга бирор егулик, қизимга ширинлик бюртма қиласардим».

Улар сайдини Мода соҳилида якунлашарди. У ерда уста Алидан музқаймоқ сотиб олишар ва Босфор тўлқинларини кузатиб ўтиради.

Энгин-бейнинг бор ҳаёти Истанбулнинг биргина Кадикёй туманига жо бўлганди. Болалиги шу ерда ўтди ва хотини билан топишди. Узоқ кутилган қизи, набиралар (афсус, улар билан камдан-кам учрашади), «Акмар» ва у овоз чиқариб ўқийдиган китоблар.

Вақт-вақти билан Энгин-бей ҳаётдан чарчайди. «Антон Павлович бу ҳақда журналист Суворинга йўллаган мактубида яхши ёзган. «Яшашта алоҳида истак йўқ, аммо бу ҳозирча том маънодаги касаллик эмас. Шунчаки ўтиб кетадиган ва ҳаётий табиий бир нарса». Ҳаммаси ўтиб кетади, лекин баҳтимизга хотиралар бир умрга қолади».

# **38**

*«Үз» одамингни учратишингга  
ишонишни бас қилма.*

Апрель ойида Истанбулда илиқ ва қисқа ёмғирлар күп ёғади. Ёмғир тиниши билан қуёш мўралайди ва ёз ҳақида шивирлайди. Қуёш одамларни моддий ёки диний таъминотига, миллати ва эътиқодига, ирқи ёки жинсий ориентациясига кўра ажратмайди. Маломат қилмайди, ташаккур кутмайди. Нур сочади, тирилтиради, қувватга тўлдиради – қуёш табиатини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ойнур хола – қўшним. Ўзига яраша феълли ва дангалчи. Бир пайтлар Кадикёйдаги болалар театрида режиссёр бўлиб ишлаган. Олчаранг лаб бўёғи жинниси, усиз эрталаб симит сотиб олишгаям чиқмайди.

Сешанба кунлари харид учун бозорга бирга чиқамиз. Ойнур хола менга яхшиларидан тортиб беришини назорат қиласи. «Шарқ бозорида сергак бўлиш керак. бу ердаги сотувчилар тилёғламалик қилганча, паке-

## **Элчин САФАРЛИ**

тингга чириган картошкани қўшиб қўяди. Айниқса, сендек мусофиirlарга».

Помидорлардан саралайди, қирқ ёшли сотувчи Иброҳим билан гап сотишади. Неча йиллардан бери ундан сабзавотлар сотиб олади. Сотувчининг акаси уларни Трабзонда органик усулда етиштиради. Иброҳим ўқишига боришини хоҳлаб қолган хотинидан шикоят қиласди. «У овқатни яхши пиширмайдиган бўлиб қолди. Ўқигани-ўқиган». Ойнур хола қўлидаги помидорни Иброҳимга отади. У илиб олишга улгуради. Сўнг мириқиб кулишади.

Кейин мевалар олгани ўтамиз. Янги чиққан қулупнайларга қарайман. Кўшним севги ҳакида гап бошлайди.

«Муносабатларни «мехнат» дейишлари қизик. Шикоят қилишади: ён беришга, ўзини тутишга, истиқболига юришга тўғри келаяпти деб. Ҳа, бусиз мумкинмас-да, ўзи. Севги деган нарсани «мехнат», деб бўладими? Баъзи аёллар севгини шундай тасаввур қилишади: деразасидан денгиз манзаралари кўриниб турган хонанг диванида ётасан, севгилинг эса сенинг кайфиятинг билан қизиқади. Шундай эркаклар ҳам борки, масалан, мана шу Иброҳимга ўхшаганларга

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

хизмат қилиш, нафсини қондириш, чидаш учун яратилган хотинларига ўзларининг борлиги етарли, деб хисоблашади. Бу севги эмас, худбинлик касалидир».

Икки киши бир-бирини севганида, улар бирга бўлишга, қувончни ҳам, мушкулотларни ҳам бирга баҳам кўришга интилади. Бунинг меҳнатли жойи йўқ. Севги – денгизга ўхшайди. Ўшандай бесарҳад, илҳомлантирувчи сокинлик ва бўронлари билан.

Ойнур «ўз» одамини ўттиз саккиз ёшида, яъни ҳеч нарсага ишончи қолмаган пайтда учратди. Дам уни ташлаб кетишган, дам ўзи кетган, қайғули ажралишни ва депрессияни бошдан кечирган. Театрдаги ишига боши билан шўнғиган.

«Мен ўзим ва оламга бўлган муносабатимни ўзгартирган пайтимда Атиллани учратдим. У мен учун тақдир тухфаси эди. Агар одам баҳтсиз бўлса, уни баҳтли қиласиган, албатта, пайдо бўлади, дея ишониш аҳмоқлик. Ҳеч кимда бирорнинг ички барқарорлиги учун курашишга на тоқати, на кучи, на туйғулари етади. Чинакам севги ўз-ўзи билан қолганида баҳтни ҳис қиласиган кишилар орасида бўлади. Улар учрашгач, бир-бирларини севгач, баҳтларини кўпайтириш учун биргаликда яшашга қарор қиласи».

## Элчин САФАРЛИ

Атилла унга болалиқдан орзу қилған нарсаси – ғамхұрлыкни беради. Ойнур хола севгидан күра тошбағирлик күпроқ бўлган интернатда катта бўлган. «Мен учун севги биринчи навбатда ғамхұрлықда на-моён бўлади. Эрталаб у мендан олдинроқ ишига ке-тади. Эшикка яқинлашган пайтим қўнғироқ қилиб қолади: «Кўчада ёмғир, ёмғирпўшни олишни унутма!» Кечқурун ишда ушланиб қолсам қутиб олади. Кимга-дир булар майда-чуйдадек кўринар, аммо менга улар ҳамиша етишмаган».

Ойнур хола ўзининг аёлий оқилалигини ўн тўққиз ёшли неварасига беришга ҳаракат қиласди.

«Унга ҳеч қачон «ўз» одамингни учратишингга ишонишни бас қилма, дейман. У билан ёнма-ён яхши бўлишга интиласан. На ўзингни, на уни бирор нар-сага мажбурламайсан – ҳаммаси қийинчилик билан бўлса ҳам ўз ўрнига тушади. Қийинчиликларсиз мум-кин эмас, улар ҳаётнинг бир қисми. Йўлда ҷарчасанг – демак, тўхташнинг вақти келган. Демак, олам сени ўз-ўзингга ёки атрофга қараб олишингни, сени яхши қиласиган муҳим нарсани англашинг, кўришинг ҳамда эшитишингни хоҳлаяпти».

# 39

*Күркүвларинг билан видолаш,  
улар сарфлаган кучингга арзимайди.*

Соҳил бўйлаб югураман. Оёқларим ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг намиққан қумга сал-пал ботаётгани сабаб югуриш қийинроқ, аммо мароқли. Қийинчиликлар йўлга қадр қўшади.

Бугун йўналишни ўн беш чақирим масофадаги маёққа қараб олдим. Бир ёнимизда шаҳар марказий трассасига элтувчи йўл, бошқа тарафимизда эса уйқусираган Босфор эринчоқ медузалар ва тинчимас вапурлари билан савлат тўкмоқда.

Туни билан бўғоз долғаланиб, шамол одамлар бирла денгизни ҳол-жонига қўймай чиқди. Бунинг чегараси йўқдек туюлса-да, тонг олдидан бўрон бирданига тинчиди ва булутлар тарқалди. Қуёш оҳиста бош кўтарди. Нимадандир қўрқадиган бўлсак, кўпинча ўша нарса юз бермайди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Ютурган пайтларим ўзимдан узиламан-да, кузатувчига айланаман. Таҳлил қилиб, ўйлаб ҳам ўтирамайман ва салмоқламайман. Марафончиларга хос тарзда марра ҳақидаги хаёллар ҳам бўлмайди. Бу дақиқаларда барча ҳаракатларим – жисмимни. Кўнглим эса парвоз қиласи: тўхтаганида жойига қайтади.

Югуриш онгсиз жараён эмас, аксинча, мен ҳис қиласман ва пайқайман. Таассуротлар пинҳон жойда йифилиб боради, уни фақат кроссовкаларни ечган пайтимдагина очаман. Шунда таҳлил қилиш бошланади.

Югурман ва шамол мени кўтаради – олдинга олиб кетади. Агар қўлларимни ёйсам, улар қанотга айланади ва учиб кетишим мумкин. Югуришда на ўзимни, на ўзгаларни, на шарт-шароитларни қувиб ўтишни истайман.

Томир уришларим бошимда акс-садо бериши билан тезликни камайтираман. Қўшни хиёбондан шамол эвкалиптлар учининг ифорини учириб келади. Тўлқин кескичнинг устунлари тузли рутубатни анқитади. Футболкам нам доғлар билан куракларимга ёпишади. Босфор сатҳида нурлар жилваланиб, Гюгонинг мен севган сўзлари билан жилмаяди: «Агар Худо

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

одамни орқага юришини истаганида, кўзларини энсан-сига жойлаган бўларди...» Олға, дўстим!

Шанба қунги югуришларда Мири ҳам менга ҳамроҳлик қиласди. Мен ундан Кадикёй бозорида балиқ сотиб олгандим. Бир пайтлар унинг пештахтаси бўлиб, у ерда ўзи ва ёрдамчи-болакай савдо қилишарди. Вақти келиб, пештахта магазинга айланди.

Мири қирқ етти ёшда, иккинчи никоҳидан қизини катта қилмоқда. Унга денгиз шарафи учун Дениз, деб исм қўйган. «Қизим туғилганидан бери бошқача яшаяпман. Ботинимда кечайдиганларга эътиборлироқ бўлдим. Югуришга қайтдим, у менга бирор ҳаракат усиз фойда келтирмайдиган сокинликни қадрлашимга ёрдам беради».

Мири югуришга доим оқ кийимда келади, бирор марта рангли нарса кийганини кўрмадим. Унинг сочлари эрта оқарган ва юмшоқ кумушсимон соchlари кийимларига мос тушади. «Мен учун оқ нарса – елкан. Денгизчилар уларга кеманинг қалби жо бўлган, дейишади».

Югуришдан сўнг жимликни бузамиз. Бугун орзуляр ҳақида гаплашамиз. «Йигит, агар орзунг жисм-

## **Элчин САФАРЛИ**

га эга бўлмаганича қолган бўлса, демак кеманг бошқа йўналишда сузган. Ҳаммада ҳаракат қилиш ёки жойида қолишни танлаш хукуқи бор. Нима бўлганида ҳам ўзгаришдан қўрқма. Қўрқувлар билан видолаш, улар сарфлаган кучингга арзимайди».

Биринчи никоҳдан кейин бир пайтлар тўлақонли ва мароқли ҳаёти ўз рангларини йўқотди. Ҳар куни бир хил манзара – денгиз, балиқ, бозор, уйку ва яна денгиз. Бир хилликдан қочиш учун ветиринар клиникага ишга жойлашди. Озуқали машиналарни юқдан бўшатди, қафасларни ювди, сақлаб туришга топширилган жониворларни сайр қилдирди.

«Мен мақсадни йўқотдим. Ҳеч қаёққа учмаётган-дек туюлган пайтида итлар ва югуриш сақлаб қолди. Тўхтолмайдиган бўлиб қолгандим. Аксинча, бирор тубсизликка қулардим. Ўша даврга раҳмат, у менга келажакни кутишга, борига барака қилишимга ёрдам берди... Тажриба – қаттиққўл ўқитувчи, унинг сабоқлари ёдда яхши сақланади».

Клиникада Мири бўлажак хотини Седани учратди. Денгизга қайтди, магазинини янгидан очди. Мижозлари виждонли балиқчини олқишлиб кутиб олишди.

# **40**

*Яхши бўл.*

*Ёмонлар шундоғам етарли.*

Ўртаёйнинг денгизга ва соҳилдаги ресторончаларга элтадиган кўчаларидан биридаги тўртинчи рақамли уйнинг зангори эшиги. Шунинг учун бу ер доимо сершовқин эди. Аммо бу ерга тонготар пайти келсанг – сокинликни учратасан.

Зангори эшик олдида бу уйнинг боғбони бўлмиш Мехмет-бей узоқ йиллар ўтиради. Хонадон кўпинча бўш бўларди – хўжайнилар ҳамиша қаёқлардадир иш билан банд бўлишарди. Мехмет-бей тонг қизий бошлаган пайтида боғдаги ишларини якунлаб(бу ерда бир пайтлар Истанбулни тутиб кетган лилиялар очилиб ётарди), бошига сомон шляпани кийганча, остона ёнидаги табуреткада ўтиради. Сарғайиб кетган китобни ўқир, икки дона қанд солинган чойини ичib, ўтган-кетганлар билан бу қўрғондаги қизиқарли жойлар ҳақида гаплашарди.

## Элчин САФАРЛИ

Мен ана шу боғбон билан гаплашиш баҳтига мушарраф бўлгандим. У зангори эшик ёнида ўсган чирмовуқни «Умид» номи билан менга таништирган эди.

«Умид ёшлигидан жуда касалманд эди, ҳеч гуркираб кетмасди. Босфор билан қўшничилик туфайли тупроғимиз жуда сернам эди. Хўжайнинг ўрнига бирор чидамлироқ нарса эктиromoқчи бўлди, аммо мен яна бирор йил кутишни илтимос қилдим. Ҳар кимнинг ҳаётини ўзига хос тезлиги бор. Ўпкани қўлтиқлаб чопмасдан – ўзингга вақт бера билиш керак, ичингдаги боғни асрой олиш лозим». Бир пас жим тургач, секингина қўшиб қўйди: «Яхши бўл. Ёмонлар шундоғам етарли».

Ёнидан ўтиб бораётган туристлар билан туркча талафкуздаги инглизчада сухбатлашаркан, уларни табассум қилиш ва ўзларига ишонишга чақиради. Шарқона экзотика фонидаги фалсафий насиҳатлар хорижлик сайёҳ аёлларни қойил қолдиради. Боғбон тўлақонли умр кечирган, баҳам кўрадиганлари ҳам шунга яраша эди.

«Машаққатларингиз эвазига мукофот бўлгувчи «ўз» одамингизни топиш йўлида сиз бир неча маро-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

таба калавангизнинг учини йўқотиб қўясиз. Оғриқли ва даҳшатли бўлиши турган гап. Бундай лаҳзаларда ёдда тутинг: оғриқ – бу дўстдир. У ўзингдаги носозлик пайдо бўлган қисмингга эътиборни жалб қиласди. Кўрқувлар мақсаддан воз ечмасликка ўргатади. Бамисоли айёр жинлар сингари қулоғингга: »Тўхта, бизлар воқеликнинг ўзимиз», – дея шивирлашади. Кўрқувларга сирингизни берманг, уларнинг кўзига тик қаранг ва: «Сизлар қуруқ хаёлсиз, холос», – деб айтинг. Улар яна пайдо бўлганларида уларга ишонмасликда давом этинг ва жилмайинг. Ночорликдан уларнинг ўзи ғойиб бўлишади ва сиз эса орзуингиз сари bemalol йўлингизни давом эттирасиз».

Боғбон ҳақ. Ўзингни учратмагунча, бошқа бирор сенда «ўз» одамингни илғаб олиши даргумондир.

Кузлардан бирида Мехмет-бей оламдан ўтди. Уйни сотиб юбориши, кўчани совға дўкончалари торайтириб ташлади. Умид эса ўсиш ва юқорига чирмашишда давом этмоқда. У ҳеч қаёққа шошаётгани йўқ...

# **41**

*Хаётингдаги барча нарсалар ўз  
ботининг ва ташқарида яшамоқда.*

Шахар хотирангда суратлар шаклида яшайди. Биз беихтиёр лаҳзаларни суратларга айлантирган ҳолда хаёлий фотоальбомга йиғиб борамиз. Бу альбом шўр таъмли эпкинлар, силаб-сийпалашлар, сўлиётган лолалар, шу билан бирга сарғайган газеталар хидини таратиши мумкин.

Хотирам сақлаб қолган Истанбулнинг ilk суратини эслайман. Йиллар ўтиб, унинг аксини эллингичи йиллар охирида америкалик Чарльз Кушман томонидан олинган фотографияда учратдим. Унда бу бинони қурган грек оиласи томонидан «Хаззопуло», дея номланган ўша пассаж тавирланган. Бу ерда қачонлардир энг яхши хориж ип-калавалари ва шаҳардаги энг яхши шляпачалар сотиларди (Бойўғли тумани аҳли Ева хоним дўконини яхши эслайди). Янги усмонлиларнинг «Ибрат» газетаси ҳам шу ерда чоп қилинарди.

## **Элчин САФАРЛИ**

Одатда пассажга тонгти еттиларда келаман ва дे-разаларига яшил қопқоқлар ўрнатилган китоб дўкони остонасига ўтираман. Шаҳар қалбининг уйғонишини кузатаман. Оёқларим остига малла мушуклар келиб чўзилганча, маҳаллий сотувчилардан нонушта кутиб ётишади.

Бу ерда – Истиқлол кўчасида ҳаракатларнинг қайнай бошлиши, Галатасарой лицейи дарвозалари-нинг ғичирлаб очилиши эшитилиб, қаҳвахона эгаси Аҳмет пластмасс стулларни шлангда юваётгани, суриялик бола эса уларни латта билан қуруқлаганча, артиб чиқаётгани кўриниб туради. Тезда Аҳмет янги куннинг биринчи чойини дамлайди ҳамда менга финжонда келтирганча, анъанага кўра: »Шоир-бей, бугун нима ҳақда ёзасан?», – дея сўрайди.

Одамлар кўпайганидан кейин вапурга ўтираманда, уйга қайтаман. Хонамнинг оқ деворидаги яшил чорчўпда Күшманнинг мен ҳозиргина чой ичиб қайтган жойда олган сурати осиғлиқ туради. Пассаж «Хаззопуло» ҳаётимдаги барча нарсалар каби ҳам ботинимда, ҳам ташқарида яшайди.

# 42

*Янгра, чиройли яша.  
Қанотларингни ёз ва парвоз қил!*

Бир куни, апрелнинг ўттизинчисида рюкзагими ни кифтимга осдим-да, Истанбулни тарк этдим. Бирданига номаълум томонга жўнаб кетиш заруратини хис қилдим. Пиёда. Ҳеч қандай поездлар, машина ёки самолётларсиз.

Мен ёш ва бақувват, кучга тўлган пайтим эди – барчаси мени саёҳатга илҳомлантираётган эди.

Саксон кунлиқ йўл. Тоғлар, чўллар, дарёлар, ўрмонлар ва дengiz қирғоғи бўйлаб.

Саксон биринчи куннинг эрта тонгига мен ўсган Абшероннинг нариги томонига келиб қолдим. Қаердан кетган бўлсам, ўша жойга қайтдим. Ҳаёт – бу туғилган пайтингдан турли томонларга тарқалиб кетадиган ва бари бир битта чексизликка бирлашадиган чизиқлар экан.

## Элчин САФАРЛИ

Йўл бўйи кўрганларимни блокнотимга қайд қилиб бордим. Орадан йиллар ўтиб уларни сараламоқдаман. Булар қандайdir китобхон учун насиҳатларга ўхшасада, аслида ўз-ўзим билан сухбатлардир. Худди бошқалар каби англайдиган, шубҳаланадиган, кузатадиган, ҳафсаласи пир бўладиган ва изланадиган одам билан мулоқот қилгандек.

\* \* \*

*Долғаланаётган денгиз соҳилидаги қояда кеча бўлиб ўтган учрашув ҳақида ёзаман. Бундай дуч келишлар изланишининг бир кесмаси интиҳоси ва навбатдагисининг ибтидосидаги белги сифатида камдан-кам юз беради. Кимdir: шунчаки ўтиши-ку, бунақаси қанчалаб содир бўлади, деб айтиши мумкин. Аслида шунақа. Аммо бундай пайтларда сени шундай баҳт қамраб олади-ки...*

*Учрашув соҳил бўйидаги серқоя – кичкина шаҳарчада юз берди. Бу қоялар ёриғидан тўқ қизил гулкосаларини офтобга тутган буталар ўсиб чиқшишган. Бу ёққа келишини истамадим ва эринаётган эдим. Қанчалар қаршилик қилмай, бу ерга келишдан қочиб қутуловладим.*

*Нотаниш кўчалар бўйлаб кездим. Кўҳна уйлар деворида чўкиб қолган туз излари, салмоқли балконлар*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

(хозир қулаб тушадигандек), ям-яшил дағналар, шаҳар аҳлининг кўзлари эса бир хил – зумрад тусдадир.

*Қоялар четидан ўтказилган йўлдан соҳилга тушса бўладиган сўқмоқни илғаб қолдим. Навматакнинг сертикан шохларидан авайланганча, сўқмоқ бўйлаб тушиб кетдим. Узоқ юришимга тўғри келмади: сўқмоқ шартта узилди ва мен қоянинг нақ четида туриб қолдим. Олдимда – денгиз уфқи. Сув қаъри даҳшат солган кўйи ўзига чорларди...*

*Шу ердагина шарт-шароитлар нима учун бу серқоя ва денгизнинг мангу совуқ оқимларига эга бу шаҳарчага келишимга мажбур қилганини тушундим.*

*Бу ерда мени навбатдаги ҳақиқат кутиб турарди: ҳеч қаёққа шошма, аммо тўхтамай юр. Номаълумликдан кўрқма ва йўлингдаги тиканли буталарни кечиб ўт. Улар ортида – битмас хазина бор.*

\* \* \*

*Сенга нима яқинроқ: билган ҳолда яшаими ёки билмаган ҳолда? Мен биринчисини танлайман. Ўзинг ҳақингдаги ҳақиқат қанчалар аччиқ бўлмасин, уни қабул қилиш керак. Ўзингни билмай туриб йўлингни*

## Элчин САФАРЛИ

күрөлмайсан, туманда қоласан. Шу ҳолда ўзинг ва ўзгаларни яраганча, ўзингни ҳар томонга урасан. Инглизлар айтишиади: «Билмай туриб интилиш – юғани чайнаётган от кабидир».

Бир танишим менга билимлар оғирластиришини, яхиси қаловланиб ўтирмасдан ҳаётдан бор лаззатни сиқиб олиш яхшироқ, дея айтганди. Эҳтимол, шундайдир. Аммо эртами-кечми ташқи оламдаги лаззатлар манбаи ҳам қурийди-ку. Нафасингни қисадиган бўймбўшлиқ ётирилади. Ўзингда тартиб жорий қилиш ва ички булогингдан қувват олиш вақти келди.

\* \* \*

Ўзингга ачиниш ва ўз имкониятларинг ҳамда уқувларингдан ҳафсаланг тир бўлишини бас қил. Об-ҳавога мос келмаган оғир либосларингни еч, ўзгаришларга очил. Дастреб улар оғриқ билан таслим бўладилар, бироқ бу одатий ҳаётингга қайтишинг учун сабаб бўлмайди.

Одатдаги ҳаёт – бу нафақат жой ва вазият, шу билан бирга фикрлар, муносабатлар ҳамдир. Янгидан бошлиш учун барчасини ташлаганча, дунёning чеккасига кетиш шартмас. Барча қарорлар, шубҳалар ўзингда.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Болалик яра-чақаларидан шикоят қилма, улар ҳаммада ҳам бўлган. Севги учрамаганидан нолима – агар ўзингни билмасанг севган кишинг билан ораларингда қандай уйғунлик бўлиши мумкин? Иқтидоринг етарли баҳоланмаганидан эзилма ва ўзингдан сўра: меҳнатни етарли даражада севганмисан? Айрилиқлардан вайрон бўлма, улар билан бирга йўқ бўлиб кетма.

Ҳафсала пир бўлишларининг адoғи бўлмайди. Уларнинг асирига айланма. Биз ўз баҳтимизга ўзимиз тасаввур қилгандан кўра, кўпроқ таъсир ўтказа оламиз.

\* \* \*

Сенинг ҳаётингга нисбатан кучли оламнинг ўз режаси бор. Қанчалар беркинмагин, сени бари бир ўзгаришлар сари итариб чиқаради. Бир куни бу бўрон сен биқинган жойни кўтариб ташлайди.

Инсон танловда эркин бўлади. Бири ўзи севган одатий ҳаётни якунлаш ва нотаниш ҳамда номаълум янгисини бошлишнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайди ва вайроналар остида қолишда давом этади. Бошқаси ҳамиша ўтиб кетадиган бўрондан қўрқмайди ва янгиликка қучоғини очади.

## Элчин САФАРЛИ

Ҳаммасини назоратда тутолмаслигингни англаған ҳолда бўшаши мұхим (бунга амал қилмаган пайтларим бўйнимдаги оғриқлардан қийналаман). Ҳаётнинг қай бир босқичида оқимга таслим бўлиш фойдали. Аммо оқимдалик пайтинг ҳам ўз баҳтиңг суратини назардан қочирма.

\* \* \*

Биз дунёга маълум бир вазифа билан келамиз. Кимdir уни қашф қиласди, уни ўзида ривожлантиради. Кимdir унинг борлигини ҳам билмай яшайди. Ўз уқувингни баҳам кўришни ўрган. Бирин илҳомлантирувчи матнлар ёзади, бошқаси ширин таомлар тайёрлайди. Учинчиси беморларни даволайди, тўртинчиси пойабзаллар тикади.

Агар ҳозир сенинг дунёга айтар сўзинг бўлмаса, қўшиқ айт. Нимани бўлса ҳам. Ичингда ёки эшилтириб. Болалигимда қўшиқларнинг сўзини яхши эслаб қололмасдим – ўзим тўқишимга тўғри келарди. Бу жуда ажойиб эди – истаганимни куйлардим. Матнлар ёз, куйлар тўқи, хотираларни бўя. Янгра, чиройли яша. Қанотларингни ёз ва парвоз қил!

Агар саволларингга жавоб ололмасанг, йўлга туши. Эринма, ҳаммаси аввалгидек бўлади, деб ўйлама. Миянг-

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

даги аҳмоқона сарҳадларни қўпориб ташла. Йўл ҳамма вақт ҳам пул, виза, чипталарни талаб қилмайди. Ташқаридагига қараганды мұхимроқ бўлган ботинингга йўл фақат истакка мұхтождир. Кимки ботинига йўл топишдан қўрқмас экан, ташқаридан ҳам йўл топишдан қўрқмайди.

\* \* \*

Бирорни ғийбат қилаётганда – ўзингиз ҳақингизда айттаётган бўласиз. Сиз бошқаларда кўраётган яхшилик ва ёмонликлардан иборатсиз. Бизлар бир-биримизга кўзгумиз. Бу бизга нима учун керак? Ўзимизни баҳолаш ва тўғрилаганча, янада яхши бўлишимиз учун. Ёрлиқлар ёпиштирманг, аммо холосалар ясанг ва йўлни давом этиринг.

\* \* \*

Ботинмизда ҳамиша кураш боради: ўз ҳаётига маъсул катта ёшли киши тинмасдан лаззатлар талаб қилаётган худбин болакайга қаршилик кўрсатади. Агар бу ҳақда билсанг, балоғат ва болаларча ўжарлик овозини фарқлаган ҳолда жўяли қарорлар чиқара оласан. Баъзи эркаклар бўйи икки метр бўлса ҳам, ботинидаги болакайнин папалайверади. Шундан аёллар шикоят қиласиган иккиланишилар ва маъсулиятсизлик келиб чиқади.

## Элчин САФАРЛИ

\* \* \*

Рұхоний устозлардан бири: севги қалбни кучайтирганлигидан кучли қалб әгаси шубҳасиз исёнчи бўлиб етишади, деганди. Мен бўлиб ўтаётган ҳодисаларни лоқайд кузатганча, «ҳаммаси Аллоҳнинг иродасидан», дея файласуфларча ўзини оқладиганларни тушунмайман. Мен қалбим кучли эканини таъкидлолмасам-да, қаршилик кўрсата олишимдан қувонаман. Демак, мен тирикман! Исёнкорлик – бу хаос (олам) ғилдирагини тўхтатишга бўлган уриниш ёки ҳукуматга қарши митингга чиқиш, деганимас. Исёнкорлик – биродаринг оғриғига лоқайд бўлмасликдир.

\* \* \*

Яңги даражага кўтарилиш имкони ўзингни қабул қилиш туфайли келади. Тазиик ўтказиш бефойда ва зарарли. Асл ўзлигинг билан танишиб олиш, ўзингни қандай бўлсанг шундай қабул қилиш, кечириш, янада яхши бўлишга уриниш зарур. Биз бу дунёга фақат баҳтли бўлиш учун келганмиз. Фақат баҳтли одамгина яхшиликни тарқатади.

\* \* \*

Ўзингдаги севгини доимо қўллаб туриш керак. Яъни яхши ҳиссиётлар ва ишлар, севимли жойлар, китоблар,

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

одамлар, ёлғиз қолиши ва жониворлар билан. Севги доимо машқ қилдирилиб турладиган мушак кабидир.

\* \* \*

Кеча мендан доимо қалби бўм-бўшлигидан қайғураётган одамга нималар дейишшимни сўрашиди. Мен жавоб бердим: охиригача қайғурииша давом этиши лозим. То ўрнингдан туриш ва кичкина қадам қўйишга куч топганингни ҳис қилмагунингча.

Бахтсиз бўла туриб баҳтли бўлишга ўзингни мажбурлама: «Ўзингни қўлга ол ва бирор нарса қилишга мажбурла», «сен ииғлаб бўлгунча баҳт кетиб бўлади», «орзу қилишимас, ҳаракат қилиши пайти» ва шу каби маслаҳатларни ўзингга мослаб кўрма. Янада хавфлиси – ўзингни гўёки сендан бақувватроқ, кучлироқ, омадлироқлар билан қиёслама. Ҳар кимда ўзига хос, ўз ҳаёт тезлиги бор. Энг тубга тушиб кетган вақтингда ҳам юқорида қуёш нур сочаётганини унутма ва-а, албатта, тонг отиши, уйғонишинг ва енгиллашганингни англашингга ишон.

\* \* \*

Йиллар оша тушунчалар ва ўхшатишлар ё таҳрирланади ёхуд тамомила алмашади. Ҳаётнинг ҳозирги

## **Элчин САФАРЛИ**

*босқичида мен учун баҳт – бу миннатдорлик (буни ҳамиша сақлаб қолсайдим!) ва сокинлик. Борини севиши, идеал вақтни күтмаслик, ҳар күнни тұлақонли яшаш, қанчалар қийин бүлмасын руҳан тушкунликка түшмаслик, келажакка ишонч – буларнинг бари миннатдорликдир. Ботиний осудалик – айнан ўтаётган лақзандан миннатдор бүлганингда, беҳудага уринмаганингда ва ўзингни «бундан күра яхшироқ бүларди», дея қасти-бастынға олмаганингда келади. Фақат осуда ҳолингдагина ўз саволларингга жавобни әшиетасан ва қаёққа юришни англайсан.*

# **43**

*Эң бириңчи қадамдан бошлаб  
бір-бириңгизга қараб юраётган бўласиз.*

Хаёт – бу, албатта, танлов. Биз ҳар куни, ҳар соатда, ҳар сонияда яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат орасида танлаймиз. Олдимизда бир қанча эшиклар очилади, қай бирига ким билан киришимиз – энди бизга боғлиқ. Бироқ мен шуни аниқ биламанки, «ўз» одамингни учратиш масаласида кута билиш муҳимроқ. Энг дастлабки қадамларданоқ йўлда турли одамларни кўрганча, биз бир-бirmiz сари юрамиз. Вақт-соати етганида ( буни тепада ёки ботинимизда ҳал қилашади) учрашув юз беради. Энг муҳими, таслим бўлмаслик ва бегона одам билан ҳаётни боғламаслик.

Бу ишонч менда болалиқдан бери яшаб келади. Вақти билан бу одам соҳилдаги чиғаноқларни эҳтиёкорлик билан босгани, ўзига чой қуйгани, тонгги симитни қирсиллатиб синдиргани, севимли китобини варақлагани ёки ёйма бозордаги ранг-

## **Элчин САФАРЛИ**

баранг шиша соққачаларни саралаганини эшитиб қолардим.

Мен бу одамни эшитиш билангина чекланмай, унга томон юрардим ҳам. Ва, ниҳоят, биз учрашдик, Лайлo.

# **Хотима**

*Ҳаммасини қўйиб юборган заҳотинг,  
бари қайтиб келади.*

*Севги – бу бүрөнда чақнаган маёк,  
Туман ва зулматда тортмовчи хира.  
Севги – бу юлдуздири, йўловчиларга  
Йўл кўрсатиб турад турар кўкда милтираб.*

Уильям Шекспир

*Мен қабримга: «У ерга шу қадар қапишган  
эдики, биз устига тупроқ тортуб қўйдик, холос»,  
– деб эмас, «У учишга уринаётиб ўлди», дея ёзиш-  
ларини хоҳлардим.*

Митчел Уилсон

*Унда яшайдиганлардан бирини севсанг, шаҳар  
ҳам оламга айланади.*

Лоренс Даррел

*Аким амаки,*

*сенинг сүнгги мактубингдан кейин анча йиллар ўтди.  
Ашрамдан кетганингдан бери сендан бирор хабар йўқ.  
Эски манзилингга ёзишида давом этаркан, у жой ҳалиям  
борми ва сен тирикмисан, билмайман... Кечир. Баъзан  
шунаقا хаёллар келадики, уларни яқинлатмасликка  
ҳаракат қиласман.*

*Қизим италянчадаги китобдан мана буларни ўқиб  
берди (тил ўрганимоқда, буни яхши уddaляяпти): «Сени  
бирор киши севар экан, сен ўлмайсан». Бизнинг сен билан  
алоқамиз – вақтдан мустасно, мен буни сени устахонанг-  
да гилам дастгоҳи ёнида кўрган кунимданоқ англаганман.*

*Ҳозир мен – сен Ҳиндистонга жўнаб кетган вақтдаги  
ёшингдаман. Фақат менинг ҳеч қаёққа жўнаб кетиш  
ниятим йўқ.*

## Элчин САФАРЛИ

*Худди сершовқын поезддан тушиб қолғандек ажойиб сокинлик түйғусини хис қиласыпман. Ұзоқ пайт қаёққадир ошиққан, жилмайған, хавотирланған ҳолда интилдим – мана, ниҳоят, сукунат. Мен ўз үрнимдаман, атрофда яқинларим, дунёга саволларим камроқ. Хурмо ҳам бу баҳорда алоҳида чиройли, майин ва яшил тусда гуллади.*

*Биз күп нарсаларга оддий воқеадек қараймиз. Бұгун Лайлоп билан қүёш ботаётганида, дараҳтлар остида ўтиридик ва бир пайтда шундай дедик: айвондан шундоққина шитирлаётган хурмо шохлари остига тушиш қанчалар баҳт.*

*Күн жуда ташвишли ўтди, уни чиройли тарзда күзатиб қўйиш жуда ёқимли. Фарзандлар, гарчи ёнимизда бўлмаса ҳам, соғлом эканлигини, ўз йўлида бораётганини билиш, бизларнинг эса уларга яхши одамлар йўлиқишини дуо қилишимиз ёқимлидир. .*

*Сукунат одамдаги муҳим нарсани очиб беради. Бу ҳақда қизимга эслатаман. Шу ҳолатда у балки бирор маротаба камроқ хато қилар. Гарчи ота-оналар фарзандларни қанчалар ҳимоя қилишга уринмасинлар, уларнинг ўз тақдирлари бор.*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

*Атрофдаги олам овози тобора баландлашиб борар-кан, күпинча одамларга сукунат ҳам татимай қолади. Биз ҳамиша ниманидир гапирамиз, исботлаймиз ва тушунтирамиз. Ағсусланарлы томони вақти-вақти билан ўзимизни оқтаймиз. Бир лаҳзадан сүнг янгиси босиб ўтадиган тұлқын күпикларига күпроқ аҳамият қаратамиз.*

*Моддий бойликка боғланыб қолганча, уни ҳаёт шох-супасига чиқарып қўйгач, беҳуда ташвишлар бизни қасти-бастимизга олади. Чарчаймиз, бурун осилтирамиз. Сукунатга вақт ажратиш, вақтида тўхтай билиш керак. Вақти билан жим қолиш – энг яхши жавоб, дилдан чиқадиган илиқ сўздан кўра ҳам мулойим сийпалашибдир.*

*Ҳаммаси мувозанатда ва ўз вақтида бўлгани – қандай яхши.*

Э.

*Аким амаки,*

*сен Асад бобомни яхши эсласанг керак. Бугун унинг туғилган куни. Бу кун қабристонга бормайман. Иккимизга тегишили бўлган соҳил бўлагига, бирга узоқ ўтирадиганимиз – унчалар баланд бўлмаган қояга бораман. У тонгги газетани ўқир, мен эса пойабзалимни ечганча, почаларимни шимариб, оёғимни тўлқинлар сочган томчиларга тутардим. Тезроқ катта бўлишни орзу қиласадим – ўшанда оёқларим узаярди ва улар сувга етган бўларди.*

*Бобом қабристонни ёқтиирмасди. Уйдан соҳилгача улар уч жойда эди. Улар ёнидан ўтаётган машиналар ҳурмат юзасидан сигнал чалмас, мусиқани пастлашибар эди. Мен ердан туртиб чиқсан, чанг босган, вақт ва тириклар эзтиборсизлигидан қорая бошлиган оч-жигарранг қабртошларга қараганча, бобом-*

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

дан сўрардим: «Бобо, нимага ўликлар ер остида? У ер қоронғу, ҳар хил қумурсқаларга макон. Нимага қуёш тўла осмондамас?» У қабристоннинг деворига қўлини қўярди. Нигоҳида сомеликка аралаш мунг. «Сен ҳақсан, чироғим. Ўлганларнинг жойи ё осмонда, ёки хотира-ларда».

Уни соғинаман. У табиатимдаги ўзгарувчанликни маломат қилмасди. «Бу сенинг ўзингга хослигинг, чироғим. Кимдир қарорларида қатъий, аммо мағрур, одамлар билан бераҳим. Сенда эса меҳрли юрак бор, бу энг муҳими. Кимки сенинг ҳақиқий ўзлигинг учун маломат қилса, билки, у сенинг одаминг эмас, бегона».

Бобом мени эркесварлигим учун тергамасди. Ҳар бир эркак дараҳт экиши, уй қуриши ва ўғил ўстириши керак, дея айнан ҳисоблайдиган отамдан фарқли равишда. Да-дам бу ҳақда менга айтганида, мен ўз ҳайратимни яшира олмагандим. «Беш қаватли уйда яшайдиган Тофиқ амаки ёки оиласи йўқ расм ўқитувчимиз Алик Гашимо-вичга ўхшаганлар ёмон одамларми?» Дадам қайнаб кетар, чеккани ошхонага йўл олар ва у ерда онамга: «Мана марҳамат, ўғлимиз худди отангга ўхшаб гапиряпти!» – дерди. Мени бу сўзлар хафа қилмасди, қайтага бобомга ўхшашибдан фахрланардим.

## **Элчин САФАРЛИ**

*Асад бобом дөнгиз, мусиқа, озгина нон, эзтиқод ва озодлик – булар инсонга керакли бўлган барча нарса, деб айтарди. «Севги-чи?» – ажабланиб сўрадим мен. У курткаси чўнтағидан анисли анжир донидан олиб, менга узатарди. «Чироғим, туғилганданоқ севги одамнинг ўзида бўлади, уни атрофдан излаш шарт эмас».*

*Эркинлик ҳар қандай ташқи саришталикдан кўра қимматлироқ. Усиз одам ўзини йўқотади, атрофдигилар учун қулагай бир нарсага айланаб қолади ва ҳалок бўлади. Эркинлик – бу хато қилиш, шамолга ва фикрларга қарши юриш, йиқилиш ҳамда яна тура олиш, юргурган кўйи келиб уммонга отилиш, йиғлаш, юракдаги ҳақиқат билан бўлишиш, ғалати ва аҳмоқона бўла олиш, нокомил ўзлигингни севиш, аммо мукаммалликка интилиш имкониятидир.*

Э.

*Аким амаки,*

*бобом марҳумларни қайғу ёки лозим бўлган хўрсиниши билан эсламасди. У хотираларни қайта кўриб чиққанча, жилмайиб қўярди.*

*«Уларни марҳум деб ҳисоблашади, аммо улар тирик. Шунчаки бировлар учун кўринмас бўлиб қолишиди, бошқалар учун эса – янада тирикроқ.»*

*Асад бобом синглиси Замина оламдан ўтганида ўттиз ёшлиардан ўтиб қолганди. У қайғуга тушди. Уйни, ўзини ва ишни ўз ҳолига ташлади. Ҳаёт унинг учун ўлгандек эди.*

*Бир гал қабр ёнида ўтирганида, қартайган мулла унинг ёнига келди. Қора тасбеҳларини ўгирганча, ёнинга тиз чўкди. «Тошни яна қанча қучиб ўтирмоқчисан? Сенинг синглинг шу тош тугул, бутун қабристонда*

йүк-ку». Бобом аввалига жаҳлга минди. Бу телба чолни ҳайдаб солмоқчи ҳам бўлди, аммо бари бир сўради: «Унақада, қаерда у?»

Мулла тасбех ўгиршидан тўхтади ва унинг чап кўксига қўлини нуқиди. «Барчаси юрагингда. Уни эсла ва у сенга яқинлашади».

Мен бу ҳақда яқинларимдан айрилган пайтим доимо эслардим.

Ўлим билан илк тўқнашувим қачон юз берганди?  
Ўшандা биринчи синфда ўқирдим.

...Сўна бувим менинг косамга айрон қуийб бераётган пайти очиқ деразадан –

аёл йигиси эшистилди. Йўлбарс итимиз секингина улиб қўйди, мен довдираб қолганча, ўрнимдан турдим. Бувим бошига дуррасини ташлаган кўйи уйдан югуриб чиқди. Остонада менга бюрди: «Қарогим, айронингни ичиб ол, мен Сўлмас холангникига чиқиб келай».

Фарёдга ўхшаши йифи девор ортидаги қўшнимизникидан келарди. Айрондан ҳўплаб, бир бурда нонни ковшанганича, Сўлмас холаникига қараб чопдим.

## ДЕҢГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

Гуллаётган хўжагат қоплаган девор ёқалаб чопар, япроқлар ўз яшиллиги билан кўзимни қамаштирар, бoshim устидаги қуёш эзилган ўрик тусида эди. Нокли ли-монад ҳиди тарапларди. Бунчалар гўзаллик янграётган ийғига уйғун эмасди.

Сўлмас холанинг дарвозаси олдидағина унинг оққон билан оғриган ўғли вафот этганини англадим. Эшикдан унинг гиламга ўралган жасадини олиб чиқишаарди. Масжидга ювии учун олиб кетишаётган эди. Эркаклар ортидан ҳовлига хотинлар чиқишиди. Бувим юзи-га рўмолини босганча, аччиқ-аччиқ ийғлаётган Сўлмас холани бағрига олди. Мен ийғлаб юбордим ва уйимизга қараб қочдим. Боғда тинчи бузилган Йўлбарс итимизни маҳкам бағримга босдим. Биз анжир остида анча пайт-гача ўтиридик...

Исломда ўлим – йўқ бўлиш эмас, бошқа оламга ўтишидир. Марҳумга аза тутиш билан қайғунинг қоронғи ўрасига тушган кўйи ундан ажраламиз. Ўтган-ларни табассум билан эслаганде эса уларни ғойибона қучоққа оламиз.

Э.

Менинг вужудим тобора менга бўйсунмай бормоқда. Қарилекми? Лайло бу гапга қўшилмайди. «Сен у билан келиша олмаяпсан, Гилавар. Сен бир нарсанинг кетидан чопсанг, вужудинг бошқасини маслаҳат беради. Интилишларинг турлича». Хотинимни бўйнидан ўпаман. «Сен билан иккимизники бир хиллиги яхши».

Унда аёллик, ожизлик билан бир вақтнинг ўзида шамолга қарши тура олишлик, қарама-қарши келаётганинг кўзига тик қарай олишлик уйғунлашиб кетган.

Мен Лайлони бир қатор айрилиқлардан сўнг топганман. Изламай, ишонмай қўйган пайтимда у – билаклари ингичка, қалин соchlари тарам-тарам аёл сифатида пайдо бўлди.

Лайло ҳаётимда эскиларини варақлаб ўтирмасдан, янги сахифа очди. Мени дengиздан эсувчи илик, ўзгарувчан жануб шамоли шарафига – Гилавар деб атайди.

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

\* \* \*

Шляпамни кияман ва уйдан чиқаман. Ҳар маҳалгидек – денгиз бўйига.

Болаликдаги йўл бўйлаб бораман. У атрофдаги барча нарсалар каби ўзгарган – янги қурилган дабдабали уйлар девори туфайли торайган. Аммо ҳозир бу ўзгаришларни кўрмаётгандекман, ахир йўлда ҳарфларни яхши кўрувчи Гилавармас, денгизни яхши кўрувчи ўша болакай бормоқда. Менинг ҳозирги чарчаган, буқчайган, баъзи жойлари ҳилвираган вужудим унга етишиб юра олмайди, аммо унда жисмдан, кўриниб турганидан кўра муҳим нарса бор.

Асад бобом билан бу йўлдан денгизга қараб тез-тез тушиб борардик. Унингвозинианиқ эшитаман. «Одам на қора, на оқ – у ўрталиқда. Кўп йиллар сен чинакам ўзингни ва муҳаббатни излаб топмасанг «ҳеч қаерда» бўлмайсан. У нафақат сенинг одаминг оғушида, анчагина кенг, юксак ва теран. Чирогим, уларнинг ҳаммаси қўйиб юборганингдан кейин ўзингга бари келади».

Бугун денгиз долғали, унинг овози томирдаги қон оқишидек тирик, уриб турувчи ва барча ғовларни ошиб ўтувчи. Каспийнинг шовқинида болаликдаги овозлар-

## **Элчин САФАРЛИ**

ни эшитаман, кўзларим ўнгидаги ҳаётнинг сехрли даври суратлари жонланади.

Гулноз кампирни сиёхранг ипак рўмолда кўраман. Душанба кунлари қўшни кампир бизникига келар, хино қайнатар, ўтганлар руҳига тиловат туширади. Абшеронда душанбани аёллар куни ҳисоблашарди. Аёллар бирор том остида йиғилишар – таом тайёрлашар, соchlарига хина суртишар, дуо ўқишарди. Гулноз кампир ойимнинг узун кокилларини ёяр, тароқлар, хино билан бўяшдан олдин кардамон ёғи сурар ва шу билан бир вақтда ўзи ва олам ҳақидаги қиссаларни варакларди.

Мен стол остида яширинганча, тинглаб ўтирадим.

Гулноз кампирнинг сулоласида эркаклар кўп яшашмаган. Улар ё йўқ бўлиб кетишар, ё жувонмарг бўлишарди. Буни қарғиш теккан дейиш ҳам мумкин эди-ю, аммо Гулнозларнинг оиласидаги барча аёлларнинг ҳар бири муҳаббат билан тақдирланишган эди. Майли, биргина чақнаш, бир марта тотиш, синаб кўришдан сўнг айрилиққа дуч келган бўлса ҳам, кейин сўнгги нафасгача эслаб, миннатдор бўлиб юриш насиб қилганди. «Демак, мен яшагандим».

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

«Менинг ойим Биби-хоним, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, эркаклар биздан уларни ҳаддан ортиқ севганимиз учун кетишган дерди. Менимча, кучли аёлларга ожиз эркаклар интилишади. Уларни ўз туйғуларимиз билан тирилтирамиз, кейин улар бошқаларга кетишади».

...Анжирзор ёнидан ўтаман ва бир пайтлар, болалигимиизда анжир шохларида бирга осилишиб юрган Нотовоннинг жиянчаси овози қулогимга тушади. У юзига сепкил тошган қиз бўлиб, лабининг устида яrim ойга ўхшаган чандиги бор эди. Абшерондаги холасиникига ўзлари яшайдиган тоғлик қишлоқдан ёзги таътилдагина келарди.

У денгизни биринчи бор кўрганида беш ёшда эди. Бу учрашувни эслашни яхши кўрарди.

У ойиси билан икки кеча йўл юришган. Аввал автобусда, кейин поездда. Нотовоннинг эгнида хантал тусли сарафан бўлиб, ойиси куя тушмасин, дея кийим шкафи токчаларига занжабил таёқчалари ташлаб қўйганлиги учун ундан занжабил ҳиди анқирди.

«Эсимда оёғимни сариқ дермантиндан тикилган сандали шилиб юборгани учун оғриқ берар, аммо

## Элчин САФАРЛИ

мен хархаша қилмасликка тиришиб, обакидандон сүришга зўр берардим. Катта учрашув шарафига ойим тирноқларимни хинолаб олишимга рухсат берганди. Денгизга ёқиши истардим. Унга яқинлашаркан, тўлқинлар бошқаларгамас, фақат менга ўз сирларини очишларини кутдим. Бу юз бермади. Аммо мен ўшанда илк бора севиб қолдим. Тўлқинларни»

\* \* \*

Уйга қайтаман-да, ёзув столимга ўтираман. Денгиз эпкини қулоғимга шивирлаган қиссаларни ёза бошлайман. Уйнинг ичкари қисмида Лайло норозиларча танбех бермоқда, демак, мен яна ботинкаларимни ечишни унугибман, энди полда чиганоқли қумлар изи қолганди.

Орадан бироз вақт ўтгач, у секингина эшикни қия очади ва стол четига чойли финжонни қўйиб кетади. Ҳар бир бобдан кейин дераза олдига боришим, чой ичишим, ёзган варақларимга қарашим ва озгина тин олганимдан кейин, яна улар олдига қайтишимни яхши билади.

...Қиссаларимда сен ҳақингда ёзишимга қариссан. Аммо қандай қилиб сенга янги олам тухфа қилган одам

## ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СҮЗЛАБ БЕР МЕНГА

ҳақида ёзмаслик мүмкін? «Иккимиз битта қирғоқда турғанлигимизнің үзи менға етарлы. Матыларға келсак... Булар башқа. Улар бу қирғоқда турмаганларнинг құлига тушиши ҳам мүмкін».

*Ушибу ўзбек тилида нашр этилган китобни  
тўлиқ ёки қисман босиши, электрон шаклини эълон қилиш  
ва муаллифлик ҳуқуқини бузиб, бошқа мақсадларда  
фойдаланиш қонунга мувофиқ тақиқланади.*

*Адабий-бадиий нашр*

*Лойиха муаллифи: Элзод Султонов*

## **ЭЛЧИН САФАРЛИ**

# **ДЕНГИЗ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕР МЕНГА**

**Роман**

*«Sharq-ziyozakovat»  
нашриёт-матбаа уйи  
Тошкент – 2021*

*Рус тилидан Оллоёр Бегалиев таржимаси*

Муҳаррир: *Мейлижон Садиров*  
Бадиий муҳаррир: *Шаҳзода Султонова*  
Техник муҳаррир: *Нурзоид Султонов*

**Нашр лицензияси: AI № 286,  
2016 йил 04 ноябрь санасида берилган.**

Босишига рухсат этилди 08.01.2021. Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
«PT Serif» гарнитураси. Шартли босма табоғи 20,5. Нашриёт-ҳисоб  
табоғи 21,0. Адади: 1000 нусха. 04-сонли буюртма.  
Баҳоси қелишилган нарҳда.

Оригинал макет «SHARQ-ZIYO ZAKOVAT» нашриёт-матбаа  
уйи таҳририятида тайёрланди, «Sharq-ziyozakovat»  
МЧЖнинг матбаа бўлимида оғсет усулида чоп этилди,  
«OLAM NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа бўлимида муқоваланди.




Шаҳар ҳам худди севимли кишингиздек бўлиб қолишини сезганмисиз? У  
сизни ҳис қилади, ғамхўрлик кўрсатади, борини баҳам кўради ва  
ўз ўрнида сиз ҳам борингизни (хоҳ катта ёки кичик бўлсин,  
ўйлаб ўтирасдан) у билан бўлишасиз.

Шаҳар билан худди суюкли инсонингиз каби муносабат ўрнатасиз.  
Гоҳида ундан азизроғи топилмайди, гоҳ эса уни кўрарга кўзингиз йўқ.  
Аммо не бўлганда ҳам юзадаги беқарор тўлқинда эмас,  
чукурликдан жой олган бир нарса бор.  
Унинг номи – МУҲАББАТ!

*Сафарас*

ISBN 978-9943-6747-1-4



9 789943 674714